



R 486

ГУЛИСТОН

3

1985

586
586




Бизнинг бундан олдинги бутун тараққийимиз натижасида КПСС XXVI съездининг, Марказий Комитетнинг съезддан кейинги пленумларининг қарорларини рўёбга чиқариш борасида партия билан халқнинг жуда катта ижодий иши жараёнида биз шундай марраларга чиқиб олдикки, энди биз социализм ҳақида илмий назария ишлаб чиққан юксак, энг талабчан тасавурларга қараб олға ҳаракат қилишимиз мумкин ва лозим. Жамиятимиз ҳаётининг барча соҳаларида етилган чуқур сифат ўзгаришларининг моҳияти ана шунда.

К. У. ЧЕРНЕНКО

ЧЎЛ ҚАХРАМОНЛАРНИ ЧОРЛАЙДИ

Рустам ҚОСИМОВ,

Ўрта Осиё совхозлар қурилиши Бош бошқармаси бошлиғининг
биринчи ўринбосари



ЧЎЛҚУВАРЛИК азалдан ўзбек халқининг табиатида хос хусусиятлардан биридир. Ўтмишда ўзининг озгина ерига сув келтиролмай хуноб бўлган ўзбек деҳқонлари эндиликда поёнсиз далалар, ўйнаб оқар сойлару азим дарёлари ўз измига бўйсундириб келмоқдалар. Тупроги зар, деҳқони заргар ўлкамизнинг қайси бурчагига борманг, ададсиз чаманзорлар, пахтазорлар, полиз ва бошқа экин майдонларига кўзингиз тушади. Янги-янги каналлар асрлар мобайнида қақраб ётган чўллар бағрига ҳаёт бахш этиб, қишин-ёзин шарқ-

раб оқиб туради. Халқимиз бундай бунёдкорликни, ишчанликни, меҳр-саховатни дохиймиз В. И. Ленин заковатидан, ленинчи Коммунистик партияимиз юритаётган одил сиёсатдан ўрганган.

Республикамизнинг дала-даштларида ерларни ёппасига ўзлаштириш бошланганидан буён 158 та пахтачилик, шолчилик, бог ва узумчилик совхозлари барпо этилди. Ташкил топган бу хўжаликларнинг деярли ярми бугунги кунда тўла қувват билан ишламоқда.

Чўл зоналарини ўзлаштириш, планлаштирилган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, совхоз ва колхозлардаги ишчи ва хизматчиларнинг турмуш шароитларини кундалик талаб доирасида қондиришда муҳим ва масъулиятли вазифага Ўрта Осиё ирригация ва совхозлар қурилиши Бош бошқармаси коллективи ишбошилик қилмоқда. Мазкур бошқарма коллективи кўрик Мирзачўли, Жиззах чўлини, Қарши чўлини, Амударё этакларини ўзлаштириш, янги ўзлаштирилган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилашнинг муҳим омили бўлган суғориш тармоқлари, йирик сув хўжалиги иншоотлари қурилишини амалга ошираётир. Шунингдек, бу бошқарма чўлқувар деҳқонлар учун замонавий, қулай шарт-шароитларга эга бўлган турар-жой бинолари, маданий, маиший объектлари барпо этиш борасида аҳамиятли ишларни бажараётир.

Бир неча ўн йиллар муқаддам қақраб ётган Мирзачўл қўйнида шу пайтгача 800 минг гектар янги ер ўзлаштирилди ва у ерларнинг мелиоратив ҳолати яхшиланди. Кўрик ерларни ўзлаштириш борасида тўп-ланган бой тажриба бугунги кунда Қарши чўли ва Жиззах даштларини богу бўстонга айлантиришда ҳам қўл келмоқда. 1970 йилдан буён кўрик ерларда очилган янги совхозлар кенг кўламда ривожланмоқда. Чунончи, 600—800 бош қорамолга мўлжалланган сут-товар комплекслари, паррандачилик фермалари ва бошқа ана шундай муҳим объектлар қурилиб фойдаланишга топшириляптики, бу нарса мамлакатимизнинг Озиқ-овқат Программасини бажаришда муҳим аҳамият касб этмоқда.

КПСС Марказий Комитетининг 1966 йил

Май пленумидан кейинги даврда кўрик совхозларда 8 миллион 270 минг тонна пахта, 4 миллион 870 минг тонна шולי ва бошқа экинлар, кўп миқдорда чорва маҳсулотлари тайёрланди. 1965 йилда кўрик хўжаликларида жами 80 минг тонна пахта, 29 минг тонна шולי етиштирилган бўлса, 1984 йилда пахта тайёрлаш 280 минг тоннага, шולי 200 минг тоннага етди.

КПСС Марказий Комитетининг 1984 йил Октябрь пленуми ва Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XVIII пленуми қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини янада ривожлантиришни, айниқса, Мирзачўл, Жиззах, Қарши чўллари, Амударё этаклари ва бошқа кўрик районларидаги янги ўзлаштирилган ерларнинг самардорлигини оширишни республикамиз меҳнатқиллари олди-га асосий вазифа қилиб қўйди. Мўлжалланган ҳосилдорликка эришиш, ишлаб чиқаришни, айниқса пахтачиликни рентабелли йўлга қўйиш совхозларни ҳар жиҳатдан такомиллаштиришга, уларни малакали кадрлар билан, энг аввало тажрибали механизаторлар, масъулиятли раҳбар ходимлар билан таъминлашга боғлиқ. Бошқармамиз коллективи бу борада ҳам диққатга сазовор ишларни амалга оширмоқдалар.

КПСС Марказий Комитетининг 1984 йил Октябрь пленумида республикамизнинг суғориладиган районларида деҳқончилик имкониятларидан, айниқса, кўрик хўжаликларида қоникарсиз фойдаланилаётганлиги уқтириб ўтилган эди. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва республика Министрлар Совети бундай аҳволнинг асосий сабабларидан бири янгидан ўзлаштирилаётган районларда ишчи кадрлар ва қишлоқ хўжалиги мутахассисларнинг етишмаётганлигидандир, деб ҳисобладилар. Республикамизнинг айрим область ва районларида меҳнатта яроқли аҳолининг ортиқчалиги, бошқа жойларда эса, ишчи кучининг танқислигини назарда тутиб, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Андижон области меҳнатқашларининг Жиззах областини, Фарғона области меҳнатқашларининг Сирдарё областини, Наманган области меҳнатқашларининг Қашқадарё областини оталиққа олишлари тўғрисида область партия коми-

Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!



Ўзбекистон Компартияси
Марказий Комитетининг
ойлик ижтимоий-сиёсий,
адабий-бадий журнали

№ 3 (421)

Март
1985



Журнал 1925 йилдан чиқа бошлаган

Ўзбекистон Компартияси
Марказий Комитетининг нашриёти

МЕХНАТ ШАРОФАТИ

Тўлан ДАДАЖОНОВ,
Социалистик Мехнат Қаҳрамони

Республикамиз партия ва ҳукуматининг ўлкамизнинг янги ўзлаштирилаётган қўриқ зоналарига оилаларни кўчириш ҳақидаги чақирғи мазмуни билан танишиб ва юртошларимнинг биз чўлқуварлар билан бир сафда туриб, она Ватанимизнинг бебаҳо бойликларини бунёд этиш учун истақ билдираётганликларини эшитиб, бениҳоя мамнун бўлдим.

Чўл ва унинг келажаги ҳақида ўйлар экансан, беихтиёр унинг ўтмиши ҳам ёдга тушади. Биз дастлаб Жиззах даштларини ўзлаштириш учун келганимизда, бу ерларга ёлғиз дайди чўл тўзонларию момо офтобнинг қаҳри ҳукмрон эди. Чўлқуварлар ўзларининг ана шундай табиат инжиқликларига дуч келишларини, дала-даштлардаги саноқсиз капаларнинг вақтинчалик манзара эканини яхши билишарди. Биз ана шуни билардикки, инсон ҳақовати ва матонати ҳамиша, ҳар қандай қийинчиликлардан устун келган. Шундай экан, чўлнинг келажда бог бўстонга айланишига ҳам қатъий ишонардик.

Гоҳо ўзимча «чўлқувар», «чўлқуварлик» деган сўзлар устида мулоҳаза юритаман. Менимча, бу сўзларнинг мазмунида мард инсонларга хос матонат, жасорат, қаҳрамонлик сингари олий фазилатлар мужассамлангандир.

Бугунги чўлимизнинг шароити, табиати бошқача. Эндиликда бу ерларда табиатнинг инсон ҳаловатини бузадиган инжиқликлари чекланган. Аввалги хас-хашакли капалар ўрнида ҳашаматли турар-жой бинолари, мактаблар, болалар богчалари, маданият-маиший муассасалар қад кўтарган. Кўриқда очилган совхоз марказлари ҳозир ҳар қандай бод посёлкалардан фарқ қилмайди. Бу ерларда ширин-шарбат узум етиштирилаётган ишқомлар, олмазорлар, ёнғоқзорлар, бир сўз билан айтганда, ададсиз бог-роғлар барпо этилган. Йилларимиз қўй-қўзиларга, қорамолларга тўла.

Чўллари гулистон қиламиз!

А. Холиқов чизган расм

Чўлқуварларимизнинг ҳалол меҳнати, жасорати партия ва ҳукуматимизнинг доимий назар-эътиборида. «Тақдирин қўл билан яратур инсон», деб шоир айтганидек, ўз

тақдирларини яратиш учун сафимизга қўшилаётган халқимизнинг азамат ўғил-қизларига яна бир бор «офарин» дегим келади.



тетлари ва область ижроия комитетларининг тақлифларини маъқуллади ҳамда «1985—1990 йиллар давомида янги ўзлаштирилаётган районларга оилаларни кўчириш соҳасидаги тадбирлар ҳақида» қарор қабул қилди. Аҳоли зич жойлашган областлардаги оилаларни қўриқ районларга кўчириш, улар учун барча зарур бўлган шарт-шароитларни яратиш бериш партия, совет, комсомол ва хўжалик ташкилотларига, тегишли министрликлар ва идораларга топширилди.

Қабул қилинган қарорга мувофиқ Жиззах областининг қўриқ совхозларига 800 оила, Сирдарё областига 700 оила ва Қашқадарё областига 450 оилани кўчириш мўлжалланмоқда. Бу тадбирлар янги совхозларни тажрибали мутахассислар, аввало механизаторлар, шунингдек, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини мукаммал билган кадрлар билан таъминлаш имконини беради. Айни пайтда қўриқ хўжаликлардаги чўлқуварлар, қурувчилар коллективлари ўз сафларини тўлдирадиган сафдошларини — издошларини зўр мамнуният билан кутиб олмоқдалар.

Шу кунгача Фарғона, Андижон Наманган областларидан мингдан ортиқ оилалар қўриқ ва бўз ерларга кўчиб келдилар. Кўчиб келётган оилаларни турар-жой бинолари, болалар богчалари, мактаб ва бошқа маданият-маиший муассасалар билан таъминлаш ишлари яхши йўлга қўйилган. Қўшимча равишда яна ана шундай қурилиш ишлари олиб борилмоқда. Шунингдек, маскур хўжаликларни янги қишлоқ хўжалик техникалари билан таъминлаш тадбирлари ҳам ишлаб чиқилмоқда.

Бир сўз билан айтганда, пахта илмини, деҳқончиликдаги меҳнат маромини эгаллан оловқалб кишилар учун, моҳир механизаторлар ва ўлкамизнинг ёшлик шижоати жўш урган ҳар бир ўғил-қизи учун ўзларининг нимага қодирлигини кўрсатишга фурсат келди. Ҳар бир ташаббускор, уддабурон ишчи ва хизматчининг қўриқ ерларда кўрсатётган жасорати, матонати халқимизнинг таҳсин-эътиборига, партия ва ҳукуматимизнинг муносиб баҳоларига лойиқдир.

Маълумки, қадим Мирзачўлни ёппасига

ўзлаштириш бошланганда республикамиз область ва районларидан юзлаб, минглаб меҳнаткашлар, механизаторлар, ёш оилалар қалб амри билан чўлга отланишган эди. Бугунги кунда уларнинг номлари республикамиз деҳқончилиги тарихига зарҳал ҳарфлар билан битилган. Социалистик Меҳнат Қаҳрамонлари Собиржон Сиддиқов, Тўлап Дадажонов, Рўзи Аҳмедов, Н орбой Рўзумбетов, Ўтаниёз Туримбетовларнинг меҳнат фронтида кўрсатётган жасоратини ким билмайди, дейсиз. Бугун улар чўлда ёлғиз эмас. Уларнинг сафдошлари, шогирдларининг саногий йўқ. Чўлқуварлик таълимини олган бу инсонларнинг айримлари, тадбиркор раҳбар, ўз ишининг билимдони сифатида ном қозонишган.

Ўйлаймизки, шу кеча кундузда республикамизнинг Мирзачўл, Жиззах, Қарши чўллари ва Амударё ётақларини ўзлаштириш учун чўлқуварлар даврасини кенгайтиришга бел боғлаган замондошларимиз ҳам эл севган, фахрланса арзийдиган қаҳрамонларга айланадилар.

Улуг Октябрь галабаси, Ленинча миллий сийёсатнинг тантанаси туфайли хотин-қизлар жамияти-мизнинг тенг ҳуқуқли аъзоларига айландилар. Уларнинг камологи учун бекиёс имкониятлар яратилди. Бугунги ёркин ҳаётимизнинг қайси жабҳасига назар солмайлик, унинг тараққиётида хотин-қизларимизнинг муносиб улуш қўшаётганликларига гувоҳ бўламиз. Илм-фан раvнақига дахлдор улкан ютуқлар ҳам шулар жумласидандир.

Дарҳақиқат, яқин ўтмишда ўз уйдан ташқарини билмаган аёлларимиз бугунги кунда меҳнат қилиш, юқори малакали кадрлар бўлиб етишил, илм-фан даргоҳи-мўъжизалар яратиш имкониятига эгадирлар. Фикримизнинг далили сифатида рақамларга мурожаат қиламиз: республикамизнинг фан штаби бўлмиш Ўзбекистон ССР Фанлар академияси қошида ҳозир 44 номда илмий ишлаб чиқариш бирлашмаси, илмий-тадқиқот институти, инженер-конструкторлик бюроси мавжуд. Бу илмий марказларда жами 16 мингга яқин илм-фан намоёндалари хизмат қилаётган бўлсалар, уларнинг қарийб ярмини, яъни илмий ходимларнинг 8 минг нафарини хотин-қизлар ташкил этади. Булардан 3 киши республика Фанлар академиясининг ҳақиқий аъзоси, 7 киши академиянинг мухбир-аъзоси, 32 киши фан доктори, 550 дан зиёд киши фан кандидатларидир.

Ҳозирги пайтда республика Фанлар академиясининг академиги, санъатшунослик доктори Галина Анатольевна Пугаченковани номи Ўзбекистондагина эмас, балки Иттифоқ миқёсида ҳам таниқлидир. Олима ўз илмий фаолиятини Ўрта Осиё антик санъати тарихини ёритишга бахш қилган. Галина Анатольевна Ўзбекистон санъати тарихига доир салмоқли тадқиқотлари ва қўллаб археологик экспедицияларга раҳбарлик қилиб кўрсатган хизматлари билан Ўзбек санъатшунослигига катта ҳисса қўшди. Унинг меҳнатлари партия ва ҳукуматимиз томонидан юксак тақдирланди. У Меҳнат Қизил Байроқ ордени нишондори, Ҳамза номидаги республика Давлат мукофоти лауреати, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбобидир.

Яна академиямизнинг мухбир-аъзолари Раҳима Аминова, Мелихон Охунова, фан докторлари Нафиса Содиқова, Ойсара Умурзоқова, Нинель Владимировна сингари фахрли олималаримиз ҳам борки, улар ўз илмий изланишлари билан фанимизни муҳим янгилликлар билан бойитмоқдалар. Ҳа, хотин-қизларимиз аниқ фан соҳаларида ҳам ўзларининг юксак лаёқатларини намоён қилмоқдалар. Улардан бири Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг мухбир-аъзоси Машхура Эгамовна Мавлоийдир.

Микробиология илмий-тадқиқот институтида лабораторияга мудирлик қилаётган Машхура Эгамовна Ўзбекистонда ачтки модалар микрофлорасини ва унинг табиатини изчил ўрганиш борасида салмоқли ишлар олиб борди. Ушбу мавзуда олима 100 дан ортик илмий мақола ётлон қилди, авторлик гувоҳномалари билан тақдирланди,

ЛЕНИН БЕРГАН САОДАТ

йирик монография чоп эттирди. Олима Чехословакия, Нидерландия, Фарбий Германия мамлакатларида бўлиб ўтган халқаро илмий анжуманларда замбуруғларда углевод алмашинувининг айрим хусусиятлари, озиқ-овқат таркибидagi зарарли микроорганизмларни баъзи кислоталар таъсирида зарарсизлантириш мавзурларидаги мазмунли маърузалари билан қатнашди.

Шу фактнинг ўзиде бугунги ўзбек аёлини ҳаيات ҳаётида тутган мавқеи нақадар салмоқдорлигидан далолат беради. Ҳозир олима илмий тадқиқотлар олиб бориш билан бирга 9-10-синфлар ўқувчилари орасида истеъдодлиларини танлаш ва уларда фанга қизиқишини уйғотиш мақсадида академия қошида ташкил этилган Биология фанлари кичик академиясининг президенти ҳамдир.

Яқин ва Ўрта Шарқ, жумладан Ўрта Осиё олимларининг Европада аниқ фанлардан — математиканинг ривожланишидаги катта ролини тадқиқ қилган олималаримиздан бири — физика-математика фанлари доктори, Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг мухбир-аъзоси Галина Павловна Матвиевскаядир. Г. П. Матвиевская бир қанча хорижий тилларни, жумладан форс, араб тил-

ларини мукамал ўлаштирган ҳолда тарихий манбаларни чуқур ўрганиб, ҳозирги замон математикасининг вужудга келишини ҳар томонлама исботлаб берди. Унинг илмий ишлари асосан Яқин ва Ўрта Шарқдаги ўрта аср фанлари тарихига боғишланган. Ўрта Осиёда яшаб ўтган математик олимлар илмий меросини ўрганиш, бу борадаги тинимсиз изланишлар Галина Павловна фаолиятининг таҳсинга сазовор қиррасидир. У эндиликда Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби, Беруний номидаги республика Давлат мукофотининг лауреатидир.


Ҳозирги даврда халқ ҳўжалигининг ривожланишини иқтисод фанининг ютуғисиз тасаввур қилиб бўлмайди. Ўзбекистонда иқтисод фанининг кўзга кўринган вакилларидан бири — иқтисод фанлари доктори, профессор Раъно Аҳатовна Ўбайдуллаевадир. Доимо изланувчан, тиниб-тинчимас олима Ўзбекистонда меҳнат ресурсларидан оқилона фойдаланишнинг социал-иқтисодий қирралари, жумладан, қолхозларда хотин-қизлар меҳнатидан фойдаланиш самарадорлиги муаммоларини ўрганди. Ҳозир Раъно Ўбайдуллаева Ўзбекистон ССР Фанлар академияси Экономика илмий-тадқиқот институтида директор

ўринбосари бўлиб ишламоқда. У аҳоли проблемалари ва аҳоли турмуш даражасини олдиндан белгилаш соҳасида изланаётган ёшларга устозлик ҳам қилмоқда.

Кимёгар Амина Абдурасулова, ботаник Нина Власова, химик Анна Глушенкова, биохимик Зийрак Бекмухамедова, зоолог Муҳаррам Қодиров, тиббиёт илмининг етуқ вакиллари Нозима Деҳқонхўжаева, Санъат Азизова, Манзура Ҳамидова, Муқаддам Ашрапова, адабиётшунос Машхура Султонова каби ўнлаб олималар турли илмий муассасаларда хизмат қилмоқдалар.

Ҳозир ёшлар тарбиясини яхши йўлга қўйиш, ёш йигит-қизлар орасидан илмга лаёқатли, истеъдодлиларини танлаш, умуман, жамиятимизнинг ортанги муносиб вакиллари тарбиялаб етиштириш ҳар қачонгидан ҳам муҳим аҳамият касб этмоқда. Худди шу мақсадда Ўзбекистон ССР Фанлар академиясида Хотин-қизлар билан ишлаш комиссияси ташкил этилди. Бу, шубҳасиз, олималаримиз ижтимоий фаолиятини янада бойитишга, ёшлар тарбиясидек эзгу ишларини ривожлантиришга хизмат қилади.

Ҳабиба ИКРОМОВА,
техника фанлари доктори,
ЎзССР Фанлар академияси
Хотин-қизлар билан ишлаш
комиссиясининг раиси



Нукус Давлат университети илмий-тадқиқот лабораторияси мудир, физика-математика фанлари кандидати Мадраим Ереженев (ўнгда) ва шу лаборатория кичик илмий ходими Жўлдас Эшмуротов иш устида.

А. Жданов фотоси

ТОШКЕНТ МИНОРАСИ

ТОШКЕНТДА илгари ҳам радио-телевизион узатиш маркази бор эди. 1956 йилдан буён хизмат қилиб келаётган телеминора бугунги талаблар даражасига мукамал жавоб бера олмагач, янгисини тиклашга киришилганига ҳам унча кўп вақт бўлгани йук. Янги телеминора замонавий фан-техника ютуқлари асосида барпо этилдики, унинг баландлиги жиҳатидан Минораи Калонлар ҳеч нарса бўлмай қолди. Париждаги Эйфель минорасидан ҳам юксакроқ. Мамлакатимизда у Москвадаги Останкино телеминорасидан кейин иккинчи ўринда туради. Осиёда эса Тошкент телеминораси ягонадир.

...Тезкор ҳаракатланувчи лифтнинг хизмати эътиборингизни тортади. Лифт хонасига киришингиз биланок эшиги оҳиста ёпилиб, рошпа-роса 36 секунддан кейин секингина очилади. Телеминоранинг юзинчи метрига шу тарика чиқиб оласиз. Бу ердан туриб атрофга боксангиз, республикамиз пойтахти бутун салобати билан кўз ўнгингизда намоён бўлади!

Иншоотнинг биз ҳикоя қилаётган юзинчи метрида шарқона ва европача усудда безак берилган кўш ресторани бор. Энди шу ажойиб даргоҳда хордиқ чиқариб ўтириб, бир соат мобайнида шаҳарни юксакдан туриб томоша қилиш мумкин.

Телеминора Тошкентдан берилётган телевизион кўрсатувлар ва радиоэшиттиришлар сифатини яхшилашга хизмат қилмоқда. Миноранинг баландлиги 375 метр. Мутахассисларнинг фикрига кўра, Тошкент телеминораси Париждаги Эйфель минорасидан икки ҳисса енгил. Бу иншоот замонавий иншоотсозлик қўлга киритган янги ютуқлар асосида барпо этилди. Қатор механизмлар, айниқса, иншоотнинг антенна қисми янги, мўъжизакор кранлар ёрдамида ўрнатилди. Бундай кранларни Москва мутахассислари тавсияси билан Тўйтепадаги завод ишчилари тайёрлаб беришди. Бу ноёб кранлар 25 тонна юк кўтара олиш қувватига эга эди.

Янги телеминоранинг жуда мустаҳкам қилиб қурилганлиги ҳам таҳсинга сазовор. У учта қудратли тиргак устида тикланди. Иншоотни барпо этиш учун 6 минг тонна пўлат конструкциялар ишлатилди. Пойдевориغا ишлатилган бетон ва темир-бетон конструкцияларнинг ўзи 10 минг кубометрдан кам эмас. Минора ер сийланмишларига ва бошқа табиий таъсирга бардошли. У ихчам, енгил ва мустаҳкам конструкциялар ёрдамида қурилди.

Мохир архитекторлар Ю. Л. Семашко, Н. Г. Герасимов, инженерлардан Е. П. Морозов ва М. Д. Мусеев ўртоқлар ўзига хос бадиий-архитектура ва инженерлик иншооти лойиҳасини яратибгина қолмасдан, маҳаллий иқлим шароитининг ўзига хос талабларини ҳам тўла ҳисобга олишга муваффақ бўлдилар.

Телемарказнинг техникавий хизмат кўрсатиш қисмида передатчиклар ўрнатилди. Улардан телекўрсатувларни қабул қилиш ва узатиш сифатини яхшилашда фойдаланилмоқда. Республика аҳолиси эндиликда Марказий телевидениенинг икки программасини ва Ўзбекистон телевидениесининг икки программасини бемалол кўриш имкониятига эга бўлди. Кўрсатувлар тасвирининг сифати анча яхшиланди. Бундан ташқари, Ўзбекистон билан Ўрта Осиё республикалари ҳамда Қозоғистон ўртасидаги телепрограммаларни айрибошлаш мунтазам йўлга қўйилди.

Минора антенналарининг баландлиги ва ўзгача инженерлик ечимларига асосланиб яратилганлиги радио тўлқинлари ҳамда телевизион кўрсатувлар самарадорлигини юқори даражада яхшилаш имкониятини таъминлайди. Ультра қисқа тўлқинли эшитириш берадиган тўртта программа учун передатчиклар ҳам ўрнатилди. Рангли тасвирдаги телекўрсатувлар сифати ҳам бирмунча яхшиланади. Бу ерда қурилган радиокоммутатор эса «тез ёрдам» машиналари, енгил таксилар ва бошқа транспорт воситаларини ўз вақтида қақираолиш имкониятини яратади.

Бу улкан иншоот қурилишида фақат тошкентликларгина эмас, балки бутун мамлакат мутахассислари фаол қатнашдилар. Тўғри, иншоотни Тошкентдаги 11-«Висострой» трестининг 6-бошқармаси ишчи ва мутахассислари қурдилар. Уларга ленинградлик ва москвалик инженерлар, монтажчи ишчилар яқиндан кўмаклашдилар. Комплекс бадиий жиҳатдан кўркам жиҳозланган. Иккинчи қаватнинг вестибули безаги алоҳида эътиборли. Рассом А. Бухорбоев ўз композициясини «Менинг Ватаним» деб номлагани ҳам бежиз эмас.

— Республикаимиз пойтахти бўлган Тошкент Совет ҳокимияти йилларида, — деди радиотелевизион узатиш маркази бошлиғи Умида Ароровна Қодирова, — Шарқда гуллаб-яшнаган шаҳарга айланди. Унинг жамолини ҳар ким ўзинча тасаввур этиши мумкин. Менга қолса, шаҳримизда қад рустлаган телеминора бамисоли олтин узукка ёқут кўз кўйгандек ярашиб тушди. Шаҳримизнинг бу даргоҳи — томошабинлар учун кўнгилочар манзилгоҳ. Шаҳар аҳолиси, узок ва яқиндан келган меҳмонлар телеминоранинг юзинчи метрида жойлашган «Мовий» ва «Қизил» деб номланган ресторандарга яйраб дам олиш имкониятига эга бўлдилар. Айниқса, оқшомда электр нуридан чарогон шаҳримиз манзарасини томоша қилишга нима етсин!

Ҳа, жонажон шаҳримиз Тошкентнинг жамоли йил сайин кўркамлашиб бормоқда. Янги телеминора ҳам унинг кўркига кўрк қўшди. Минора тепасида қилираб турган давлатимиз Қизил байроғи қаҳрамон халқимиз собит қадамининг рамзидир.

Элда эътибор

Б

АЪЗАН чашманинг кўзини тўсиб ётган харсангни олиб ташлаш билан бог-роғларни оби-ҳаётга қондириш мумкин. Ҳаётда ҳам шундай. Нуруний отахонларни кўча-кўйда, маҳалла идораларида айрим такасалтангларга насихат қилиб турган пайтларида кўп кўраимиз. Уларнинг панд-насихатини тўғри англаган ёшлар бир умр миннатдор бўлиб ўтишлари мумкин.

«Болам, йигирма йилдан зиёд заводда ишладим. Ойинг ҳам ёнимда бўлди. Биргалашиб меҳнат қилдик. Кам бўлганимиз йўқ, кўнглингниг тўқлиги ҳам меҳнатимиз тугайли. Меҳнат ҳамisha инсонни улуглаган. Касб эгалла, уни сев, болам...»

Бу сўзларни бундан ўттиз йилча муқаддам унга отаси айтган. Мана энди Раҳматулла Муҳаммаджонов ўзи болаларига шундай деяпти. Нафақат болаларига, шогирдларига ҳам меҳнатнинг хосиятини қайта-қайта таъкидлайди.

Яп-янги «Жигули» машинаси радиосидан кўшиқ янграяпти. Бу машина ўтган йили мукофотга берилган. Ижро этилаётган кўшиқ ҳам унга, унинг сафдошларига бағишланаётгандай:

Меҳнатга кўнгли боғлаб,
ал ичра назар топдим...

Раҳматулла ака уни завқ билан тинглади, ўзини енгил ҳис этди. Йигирма йилдан ортиқроқ вақт Тошкент Кишлоқ хўжалиги машинасозлиги заводда ишлаган отасини ва отасига ишда ҳам, турмушда ҳам ҳаммаслақ бўлган онасини эслади. Тошкент Машинасозлик заводига ишга кирган йигитлик даврини кўз олдига келтирди.

...Қаттиқ ухлаб қолган ўғлини оҳиста уйғотар экан, Матлуба опа: «Тура қол, болам, аданг Ҳожи аканг билан гаплашибди. Заводга бирга борасизлар», деди.

Ҳожи ака — кўшичилари. Қолаверса, қариндошлик томони ҳам бор. У заводнинг коменданти...

— Қалай, маъқулми? — деди Ҳожи ака гувиллаб ишлаётган дастоҳларнинг ёнидан ўтиб боришаркан. — Ҳа, хавас қилар ери йўқ, бу меҳнат fronti, завод ёқмаса, хозирок айт, кейин мени уялтириб қўйма.

Чехраларида табассум балкиб, ўзига синчковлик билан қараб қўяётган ишчиларга зимдан назар ташларкан:

— Шу ерда ишлайман, — деди Раҳматулла катъий.

— Бу бошқа гап! — Урта бўйли, қотмадан келган истараси исикқина киши уларга яқинлашиб, эски кадрдонлардай кўришди.

— Қара, омадинг бор экан, Егор Петровичнинг ўзи келиб қолди. — Ҳожи ака Алиев у киши билан куюқ сўрашди. — Егор Петрович, сизга шогирд олиб келдим. Бўладиган йигит.

Раҳматулланинг меҳнат фаолияти ана шундай бошланди.

У ҳарбий хизматни тугатиб, яна жонажон коллективи бағрига қайтди.

...Туни билан унинг уйда чироқ ўчмади. Кўндан бери ҳаёлида бир фикр чарх уради. Фикрини қайта-қайта қоғозга туширди. Уша тун у пахта саноатида кенг қўлланилаётган «ТЛХ» маркали транспортёрни такомиллаштириш, унинг узатувчанлигини ошириш устида бош қотирганди. Натижа ўзи кутгандан ҳам яхши бўлди. Завод раҳбарлари янги ихтиро билан танишиб чиққач, хурсанд

бўлишди! Унинг бу ихтироси заводга катта иқтисодий фойда келтирди. Бу чинакам ижод эди. Шу-шу Раҳматулла рационализаторлар сафига қўшилди-қолди. Ўтган давр ичида ўн бешдан ортиқ таклиф киритди. Самарали меҳнатлари учун Ватанинг юксак мукофоти — Ленин ордени билан тақдирланди. Бундан ташқари, кўплаб медаллар ва «Аълочии рационализатор» нишони кўксини безаб турибди...

Еши эллиқлар атрофидаги кенг елкали, ўрта бўй, тўладан келган, бугдойранг киши шаҳдам қадам ташлаб улкан корпусга — ўз иш участкасига кириб келди. Коржомасини олиб кийинди. 3-механика-йигув цехи томон юрди. Ҳамкасбларидан бири уни завод партия ташкилотининг секретари сўраганини айтди.

Иш вақти тугагач, секретарга учрашди.

— Маслаҳатли иш чиқиб қолди, — деди партком секретари. — Сиз заводимизда энг илғор бригада бошлиқларидансиз. Кўп йиллик меҳнат тажрибангиз бор. Айтинг-чи,



Ф. Короткин. О на.

БАҲОР НАШИДАЛАРИ

кўшни бригаданинг қоқлиғига сабабни келишимиз керак.

— Ҳа, бу бригаданинг боши ташвишдан чиқмай қолди, — деди Раҳматулла. — Бир неча бор уларни социалистик мусобақага чақирдик, бўлмади. Йиғилишларда танқид қилдик, ўзгармади. Менимча, бригадир ишнинг кўзини билмаяпти.

Партком секретари ҳам шу гапни кутган эди.

— Фикримиз бир жойдан чиқди. Шу бригадага сизни ўтказмоқчимиз. — У вазият жиддийлигини тушунди. Таклифни рад этолмади.

Янги бригадир ишни интизомни мустаҳкамлашдан бошлади. Бригада аъзолари ўз ҳолича иш юритарди. Иноқлик бўлмагач, ишда унум бўлмайди-да! План бажарилмайди. Ой давомида аранг 17—19 та «СС—15а» маркали сепарат машина тайёрланади.

— Бу ахволда биз узоққа боролмаймиз, — деди бригадир тушлик танаффус пайтида ишчиларни йиғиб, — майда-чуйда ташвишлар билан кўп ўралашиб қоляпмиз, дақиқаларнинг қадрига етмаяпмиз. Шунинг учун ишимизда ҳам, маошимизда ҳам барака йўқ. Келинглр, астойдил меҳнат қилайлик.

Бригада аъзолари бир-бирларига қараб кўйишди. «Шу пайтгача удалай олмаган ишни наҳотки удаласак? Майли, ҳаракат қилиб кўрамиз». Биринчи кун ҳамма берилиб ишлади. Кечқурунга бориб қилинган меҳнат самараси дарров кўзга кўринди. Тўғри, бир оз чарчашди-ю, лекин иш унумини сезишгач, чарчокдан асар ҳам қолмади.

Ой давомида тайёрланган сепаратлар сони 25 донага етди. Ишлаша бўлар экан-ку! Шу тариқа бригада коллективи голиблар сафига чиқиб олди. Иил охирига бориб, ҳар ойда тайёрланаётган ускуналар 38 та бўлди.

Раҳматулла ака ишдан бўш пайтларини ҳам кўпинча ишчилар билан бирга ўтказарди. Меҳнат отпускаларида улар туристик йўланма билан Ҳиндистон, Туркия, Чехословакия, Венгрия, Польша каби ўнлаб чет мамлакатларга биргаликда саёҳат қилишди.

У қаерда бўлмасин, ўз касбига оид янгиликлар билан қизиқади, изланади.

— Иш юзасидан Янгийўлга борганим, — дейди Раҳматулла ака. — У ерда бир йигит билан танишиб қолдим. Эски қадронлардек келиб кўришди. «Кечирасиз, сизни танимадим», дедим у йигитга қараб. «Сиз ҳақингизда газета-журналларда кўп ўқиганман. Телевизорда бир неча бор кўрганман. Тўғриси айтсам, касбингиз менга ёқади. Илтимос, мени ўзингизга шогирд қилиб олинг. Армия хизматини яқинда битириб келдим. Сизни уялтирмайман».

Ҳабибулло исмли бу йигитнинг гапи унга ёшлигини аслатди. У ҳам Ҳожи акага: «Сизни уялтирмайман», деб сўз берганди:

— Қароринг қатъийми? — сўради Раҳматулла ака тортиниб турган йигитга қараб.

— Сўзим битта, — деди йигит.

Бригадир бу нотаниш йигитнинг сўзини ерда қолдирмади. Уша куни Янгийўлдан икки киши бўлиб қайтишди.

Ҳабибулло Иброҳимов, Фатхулла Норхўжаев сингари комсомоллар бугунги кунда бригаданинг пешкадам елесарларидан, улар устозлари билан ёнма-ён меҳнат қилишарди.

— Уч йил ичида устозимдан кўп нарсаларни ўргандим. Ҳамма яхши фазилатларни юқтирганги учун ундан мионатдорман, — дейди Ҳабибулло Иброҳимов.

Бригада коллективи шу кунларда 1986 йил ҳисобига меҳнат қилмоқда. Ҳар ойда пландаги 36 та ўринга 41 тадан сепарат машинаси тайёрланмоқда.

Раҳматулла Муҳаммаджонов жамоат ишларида ҳам фаол. Завод партия ташкилотининг бюро аъзоси, завод халқ контроли группасининг сифат бўйича комиссия аъзоси. Меҳнатқашлиги, инсоний фазилатлари унинг шогирдлари қиёфасида ҳам зухур топиб бораётир.

Омон НИЕЗОВ

Малика МИРЗАЕВА

ЛЕНИНГРАД ИЛҲОМЛАРИ

Жонбахш кўшиқ, бошландиғ қайдан? Остин-устин айладинг борим. Туғилдингми бир гўзал найдан, Боққан сари орти хуморим, Жонбахш кўшиқ, бошландиғ қайдан?

Қадим кеча, қадим сахарим, Қадимлардан яралган кўшиқ. Оқшомларим — ширин-шакарим, Оқшомларим — офатижон ишқ. Қадим кеча, қадим сахарим.

Ленинград кечалари, хей, Кўзларимда ҳайрат балкиган. Фарғонада кўшиқ бор шундай: «Оқу ойдин кечалар» деган — Ленинград кечалари, хей.

Сарҳад билмас Пушкин хаёли Сента боқиб бўлганда шоён, Хушдан йиқди тунлар жамоли, Менинг холим ўзимга аён. Сарҳад билмас Пушкин хаёли.

Бежиз сени севмаслар бунча, Бежиз халқинг қалқон бўлмаган. Ўзбекистон — она тушунган, Сен бўлмасанг кўнглим тўлмаган. Бежиз сени севмаслар бунча.



ЭКСКУРСОВОД ҚИЗГА

Надоша, ичингга сизмадинг бир дам, Бизларга юқтирдиг ойдин завқингни. Фарғонам меҳмондўст, сен эса ўқтам, Ушал кун англадим гўзал лавҳингни. Надюша, ичингга сизмадинг бир дам.

Завқлар осмонида чақнадик у кун, Зухра, Саодатой, Холис опалар. Дўстлик даврасида чехралар гулгун, «Андижон полкаси» янграб диловар, Завқлар осмонида чақнадик у кун.

Бир ёнда Дилбарой, бир ён Фотима, Кўшиқлар, рақсалр авжидан ошди. «Жаз»лари ўйноқи, «Вальси» жимжима, Туйғулар талошди, ақллар шошди. Бир ёнда Дилбарой, бир ён Фотима.

Оппоқ кечаларни қуйлаб, кўз-кўзлаб, Оппоқ орауларнинг шаробин тутдинг. Кун бўйи, тун бўйи шаҳрингни сўзлаб, Илҳом парисидай товляниб кетдинг, Оппоқ кечаларни қуйлаб, кўз-кўзлаб,

«Хур қизлар» қони бор томирларингда, Сен ҳам «Хур қизлар»нинг рамзи бўлиб юр. Ватан балкиб турсин кўз қирларингда, «Хур қизлар» шаънига манзур умр сур. «Хур қизлар» қони бор томирларингда.

Надоша, ичингга сизмадинг бир дам, Бизларга юқтирдиг ойдин завқингни, Фарғонам меҳмондўст, сен эса ўқтам, Ушал кун англадим гўзал лавҳингни, Надюша, ичингга сизмадинг бир дам.



НЕВА, НЕВА...

Нева, Нева, Нева, сизга мафтунман, Қудратинг олдида бош эгаман жим. Узим Фарғонада,

чорлоқлар Ватан

Айлаган бағрингда қолди-ку кўнглим. Оққуш пароходлар қаноти узра Тўлқинларинг қучди кўзаларим яшнаб. Оқимларга қарши сузгандан-суза, Суронли йилларни туйдим битталаб. Оқимларга қарши сузмоқ чўнг тарих, Сиру амолдингдан сўйлар ҳижоа. Кўсингизда қон оқди, қимлар уриб тиг, Қимлар кўкси этди сени ҳижоа. Соҳилларинг узра қаср, минорлар, Томчиларинг — кўз ёш, кечмиш талқининг. Қабрлар — жанг йиллар — очу наҳорлар, Тўлқинлар — мардларга соя-салқининг, Нева!

Нева!

Нева! Тинмас жонмисан?

Ҳамон оқимларинг мағрур, мардона, Элни оқ кийдирган пок имондинсан, Бор бўл, толеидан энтиккан ОНА!



ХАЙР, ЛЕНИНГРАД

Ўрмонларинг ниғоҳим олди. Еғоч уйлар — эртак кучоғи. Соқин қўллар ёдимда қолди Ва кўлданг ойинг ўроғи.

Шамолларинг солган ҳайқирик, Оқ қайининг сал титрашлари, Қўбўш нури нимранг ва илиқ, Кудўшларинг довдир рашқлари,

Миноралар, шох қасрлари, Ботқокларнинг сирли сукути, Яшил гилам: тул, майса бари, Ниғоҳимдан турарлар ўтиб.

Хуш қол, энди оққушранг кема, Хайр, энди сайхон, манзиллар. Ниғоҳимда улугвор Нева Ва қалбимда шимоллик дилбар. Фарғона

КЕЛИНЧАК

Сахар уйғонарлар, қовлилар тоза,
Юзлари гуллардан олар андоза,
Ҳусну малохати элда овоза,
Ўзбекистон келинчақлари.

Тандир-тандир нонлар ёпарлар зумда,
Қошлари ўсмадан сув ичар кунда,
Шафосатда ибрат бўлмакка ундар
Ўзбекистон келинчақлари.

Неки либос бўлса, энг соз тикарлар,
Қўшиқ керак бўлса, энг соз битарлар,
Босган изларини бўстон этарлар,
Ўзбекистон келинчақлари.

Кексани иззатда тутарлар доим,
Ибо-ҳаё билан ўтарлар доим,
Ерни вафо билан кутарлар доим,
Ўзбекистон келинчақлари.

Яхши келин деган номга лойиқлар,
Дилингиз яйрайди кўрганда ҳаргал.
Сўзалари ёқимли, ўзлари дилбар,
Ўзбекистон келинчақлари.

Наманган



Нодира РАШИДОВА

ЯНГРОҚ ҚУШИҚ...

Янгроқ қўшиқ бўлиб туғилганди у,
Қуёш тор бўлди-ю, сим бўлди нурлар.
Малҳам бўлиб дилга қуйилганди у,
Нур чертиб қўшиққа жўр бўлди еллар.

Тоғлар чўққисиди янгради қўшиқ,
Кезди далаларни бўлиб хиргойи,
Ошиб ўтди келса ҳар қандай тўсиқ,
Аммо авжда эди оҳанги доим.

Билмадим, не сабаб, не учун, билмам,
Қўшиқни тарк этмиш у янгроқ туйғу.
Янгроқлик мавжини эгаллаб алам,
Нолага айланиб қолди бир кун у...

Тошкент



ТАРИХ ГУВОҲИ

Бундан бир неча йил муқаддам В. И. Ленин номидаги Тошкент Давлат университетининг филология факультетининг студентлари билан Ленинобод областида озғани ижод намуналарини ўрганиш ва тўплаш мақсадида экспедиция уюштирган эдик. Студентларнинг бир гуруҳини аниқ вазифа билан Равот қишлоғига юбордик. Уша куни кечқурун университет талабаларидан бири муаллим, лекин ўша пайтда пенсияда бўлган Уринбой Абдуллаев ҳақида қизиқарли хабар топиб келди. Бошқа куни биз Уринбой ота (суратда: беқасам тўн кийган киши) билан

учрашдик. У киши ўзининг ўқитувчилик фаолияти, қийинчилик ва машаққатлар, маданий революция даврида ўз ҳамкасблари билан амалга оширган фидокорона ишлари ҳақида хикоя қилиб берди. Уринбой отанинг ўзи жонли гувоҳи бўлган, лекин айтилган пайтда тарих саҳифаларига айланиб қолган хикоялари талабаларда унутилмас таассурот қолдирди.

Уринбой отанинг 1932 йилда бир гуруҳ ўқитувчилар билан Ватанимиз пойтахти Москвага борганлиги ва Бутуниттифоқ оқсоқоли Михаил Иванович Кали-

нин билан учрашганлиги ҳақидаги самимий хикояси айниқса таъсирли эди. Халқ оқсоқоли ўқитувчилар билан илиқ ва кадр-донларча суҳбатлашган, оммани ёлпасига саводли қилиш йўл-йўриқлари ҳақида қимматли маслаҳатлар берган, сўнгра улар билан эсдалик учун суратга тушган. Бироқ йиллар ўтиши билан суратда акс этган бошқа ҳамкасабаларнинг исм-шарифларини унутганлигини айтиб, Уринбой ота кўп афсусланди.

Тарих лаҳзаларидан бирини ўзида ифода этган ушбу сурат алоҳида қимматга эга деб ўйлайман ва шу мақсадда уни «Гулистон» журнаliga хурмат билан тақдим этаман.

Суратда: Бутуниттифоқ оқсоқоли М. И. Калинин (чапдан учинчи) бир гуруҳ ўқитувчилар даврасида. Москва, 1932 йил.

Саттор ҲАЙДАРОВ,
ТошДУ доценти



ҲИСОБДОН ОДАМ

Бир гал Белград шахри ва унинг атрофларига қалин қор ёғди. Қуёш чарақлаб чиқishi билан қор эрий бошлади. Яна кўп ўтмай кўчалар муз билан қопланди. Телевидениенинг «Дневник» программасида ағда-

рилган ва пачақланган автомашиналар кўрсатила бошланди...

Қиш фасли қисқа бўладиган жойларда баъзан табиат қутилмаган ташвишлар келтиради. «Эҳтиёт бўлинг, йўллар музлаган!» мазмунидаги белгилар айниқса автомобил эгаларига кўнгилсизликлар олиб келиши мумкин. Бошқалар эса, киши қишнинг қилади-да, дейдилар.

— Йўқ, музлар тез эриб кетади, — дейди шунда кексалардан бири. — Чинакам совуқлар февралда бошланади.

— Нега? — деб савол бердилар унга.

— Буни Борис Колчицкий айтиди, — деб жавоб берди ҳалиги киши...

Белградда ҳақиқатан ҳам ёши 80 дан ошган шундай кекса киши яшайди. У жуда ёшлигида Югославияга келиб қолган. Эндиликда у об-ҳавонинг бир-икки ҳафта

кейинги ҳолатини олдиндан айтиб берадиган бюро хизматини ўтайди. Хикоя қилишларича, у кўп йиллардан бери бундан кейинги об-ҳавони аниқ айтиди ва айтганлари расмий метеорология хизмати бюросининг хабарларидан фарқ қилмайди. Қарининг нимага асосланиб гапиршини ҳеч ким билмайди. Балки суякларининг зиркираб оғриб қолганидан билар? Балки ўзининг кўп йиллик кузатишлари ва қадимий архивлардаги хабарларни ўқиб, шунга асосланиб сўзлар?

Буни ҳеч ким билмайди. Лекин яқинда «ТВ» деган ҳафталикнинг биринчи муқовасида қуйидагича эълон берилди: «Ваҳорғача бўлган об-ҳаво ҳақида Колчицкий сўзлайди». Уша журналнинг 1984 йилги сўнгги сонини саҳифасида эса, 1985 йил октябрда бўлган об-ҳавонинг тўла-тўқис графиги эълон қилинди.

УЧБУРЧАК ХАТЛАР

Онамнинг сандиқ очиб ҳар гал учбурчак мактубларни олиб, бағрларига босганларини, кўзларига суртганларини кўрадим. Қўлимга олмоқчи бўлардим. Бироқ онам: «Қўя қол, катта бўлганимда ўқийсан. Бу хатлар катта тоғангдан келган. Ҳали ёшсан», дердилар.

Мана, йиллар ўтди, мен ҳам улғайдим. Юрагимни тўлқинлантирган ўша учбурчак хатлар қўлимда. Вақт ўтиши билан улар сарғайиб титилиб кетган. Аммо ундаги ҳар бир сатр, ҳар бир сўз ҳарорат билан беомон жанг пайтида ёзилганини эслатиб туради. Бу хатларни қўлимга олганимда совет жангчиларининг сиймоси кўз ўнгимга келаверади.

«...— Мехрибон онажонимга, сингилларим Рисолат, Саломат ва Латофатга... Немис газавдалари билан жанг қилаямиз. Дushmanнинг ўт очиб нуқталари кетма-кет яқсон бўлаёпти. Бугун бир километрга олға силдик. Пулемётчиман. Бугун ўн душманини ер тишлатдим. Мендан асло хавотир олманглар. Насиб этса, Ғалаба кунида кўришамиз. Сизларнинг Юсуфянгиз.
1943 йил, сентябрь».

Бу хат нафақат оилада, балки бутун қариндош-уруғ, қўни-қўшнилари орасида такрор-такрор ўқиларди, кўпчиликнинг дилидаги ғуссаларни аритарди.

Эҳтиётлаб, ҳўрсиниб, хатларни ўқишда давом этман. Онамга, холамларнинг ҳар бирига алоҳида-алоҳида хат ёзилган. Мана, ўшандай хатлардан яна бири.

«Қадрли синглим Саломатга, онамга, Латофат, Рисолат сингилларимга. Мен соғ-саломат жанг қилиб юрибман. Синглим, нега сен кўп вақтдан буён хат ёзмайсан. Мен ташвишландим. Ҳаммаларингиз соғ-саломатмисизлар, тинчмисизлар? Онажоним яхши юрибдиларми? Бригадангизда ишлар қандай бораёпти? Пилла планини бажардингми? Хафа бўлма, синглим. Душманини тор-мор этиб, тез кунларда кўришамиз. Партияга ўтиш учун ариза бердим.

Дил саломни билан аканг Юсуф Екубов.
20 июнь 1944 йил».

Жасоратга, меҳнатга, матонатга ундовчи хатлар. Саломат ва Рисолатлар немис газавдаларига қарши, тинчлик учун, бахтиёр дамлар учун мамлакат ичкарисида меҳнат қилардилар. Уларнинг Ғалабага бўлган ишончи чексиз эди. Мардона жанг қилаётган акалари Юсуф ва унинг қуролдош дўстлари сафда ўзларини хиёс этиб, фидокорлик кўрсатар эдилар. Ахир, акаси синглиси Рисолат Лутфуллаеванинг колхоз правлениеси раиси этиб сайланганини эшитса ёки Саломатнинг пилла бригадасига бошчилик қилишидан огоҳ бўлса, бу нарсани янги жасоратга чорламасмиди?

— Қутилмаганда, бир кунни хат ташувчи одатдагидан бошқача мактуб ташлаб кетди,— деб хикоя қиладилар онам.— Ҳадик билан уни очдик. Бу командирнинг онам Икромга Маҳмудованинг номига йўллаган раҳматномаси эди.

«Хурматли Икромга Маҳмудов! Фронтидаги қисимизда хизмат қилаётган ўғлингиз Екубов Юсуф совет жангчисига хос мардонаворлик кўрсатмоқда. Барча тошшиқ ва буйруқларни ҳалол бажармоқда. Жуда интизомли. Шу кунларда немис-фашистларга қарши олиб борилган шиддатли жангларда жасурлик кўрсатгани учун ҳукумат мукофоти — «Жасурлиги учун» медалли билан тақдирланди.

Хурматли Икромга ая! Сиз она-Ватанга керакли шундай азамат ўғилни ўстиргангиз ва унинг ҳукумат мукофотига сазовор бўлгани билан фахрланишга ҳақлидирсиз.

Ўғлингиз хизмат қилаётган қисм номидан Сизни чин юракдан самимий табриқлаймиз. Мамлакат ичкарисида олиб бораётган катта ишларингизда улкан муваффақиятлар тилаймиз. Сизларнинг фидокорона меҳнатларингиз душман устидан қозониладиган ғалаба соатларини тезлаштиради.

Салом билан, 71-қисм командири капитан ГУШЧИН.

Командирнинг сийсий ишлар бўйича ўринбосари, гвардия капитани ЗИЛЬБЕРБРОНД
1944 йил, 11 май 1-Украина фронти».

Тоғамнинг жасорати ҳақида фахр ва ғурур билан кўшниларга, қариндош-уруғларга сўзлаб беради онам. Табаррук хатларни яна қўлимга оламан.

«Ҳозир оқшом. Оқшодан хат ёзаянман. Ҳамма ёқда шайқатсиз жангнинг асоратлари. Куйган боғлар, ўрилмай қолган доғлар, мажакланган тўплар. Бу дахшатлар юракларни ларзага келтиради. Лаънатли фашистларга нисбатан нафратимизни юз чандон оширади. Ҳаммаси учун қасос олашим. Бугун партия сафига кирман. Душман мудофасини ёриб бораёлмай. Она-Ватанимизнинг табаррук гулроғини оёқ ости қилишга йўл кўймаймиз. Украинанинг ҳар бир қарич эри учун жонимиз борича жанг қиламиз. Ер юзиде абадий тинчлик ўрнатиш

учун курашамиз. Онажон, мендан хавотир олманг.

Сизни соғиниб, ўғлингиз Юсуф
1944 йил, сентябрь».

Бу тоғамнинг бизга йўллаган сўнгги хати эди. Кўп ўтмасдан қувончларимиз, шодликларимиз ўрнини оғир дард эгаллади...

Энди Юсуфжон қайда, — у нола бўлиб қолди.
Шоҳи қийик, дўппи, тўн ордона бўлиб қолди.
Тилда дoston бўлдию мардона бўлиб қолди.
«Олисида қолган -болам», ох, ёниб она қолди.

Ватан учун қурбон бўлганлар хотираси абадийдир. Тиниқ осмонимизда қуёшнинг порлаб туриши, ҳазонсиз боғларимизнинг беғуборлиги, кулгимизнинг тиниқлиги, кунларимизнинг беэаволлиги, юракларимизнинг хотиржам уриши — бари-бариси Ватан химоячилари туфайлидир. Уларнинг жасорати, садоқати Ватанини севишга, ардоқлашга ундайди.

Ватан ва халқ ҳеч қачон ўз содиқ фарзандларини ёдидан чиқармайди. Уларнинг ўлмас сиймолари ҳайкал бўлиб юракларда, тилакларда қад тиклаб турибди. Улар қаршида ҳамisha таъзимдаимиз.

Эркатош ШУКУРОВА

Каттақўрғон



Дарс.

«ҚИЗИЛ ТОНГ» ҚИЗЛАРИ

Бирлашма комсомол комитети секретарининг қабулхонасида ўтирган икки қиз ўзаро нима ҳақидадир баҳслашаётганди. Хо-нага киришим билан уларнинг суҳбатлари бўлиди. Улардан би-рининг исми Дилбар, иккинчисининг исми Валентина экан. Дил-бар бироз тортиноқ, бу ерга ҳам иккилашиброқ келган кўринади. У комсомол комитети секретари-нинг ҳузурига кирмоқчи бўла-япти-ю нимадандир истиқола қи-лаяпти. Дугонаси эса унинг акси. Шўх, дадил қиз кўринади.

— Бизнинг никоҳ кечамиз би-рам жозибали ўтдики, келган меҳмонлар тўйимизга қойил қо-либди, — дея сўзини давом эттир-ди қувонч билан Валентина. — Тўйимиз фабрикада ўтди. Мадан-ият саройимизнинг вокал-чолғу ансамбли тўйимизни ўтказди. Бирлашма раҳбарлари ҳамма нарсга бош-қош бўлдилар. Мен улардан бир умрга миннатдор-ман.

Қизларнинг ёшлик шижоати, бахтиёрлик нафаси барқ уриб турган суҳбатига халал бермас-лик учун жимгина тинглаб ўтир-дим. Дилбар бу ердагиларни ўзи-нинг никоҳ тўйига таклиф этиб келган экан...

«Қизил тонг» ишлаб чиқариш бирлашмасининг ташкил этилган-ига 60 йилдан ошироқ вақт бўлди. 1924 йилда бу бирлашма бор-йўғи 40га яқин тикувчига эга бўлган кустарчилик типидagi корхонадан иборат эди. Энди-ликда бу даргоҳда уч мингга яқин турли миллат вакиллари хизмат қилишади. Уларнинг аксарияти ёшлар. Мавжуд тўққизта цехнинг 60 та бригадаси маҳсулот ишлаб

чиқариш пудрат усулидан фойда-ланади. Бу ўз-ўзини бошқариш, қолаверса, «ҳамма бир киши учун, бир киши ҳамма учун» деган шиор асосида тайёрлана-ётган маҳсулотнинг ҳам сонига, ҳам сифатига жон куйдириш демакдир. Шу кунларда бирлаш-мада ишлаб чиқарилаётган ялли маҳсулотнинг 62 фоизи сифат белгиси билан савдо тармоқлари-га чиқарилмоқда.

Фабрикада вақтдан ўзиб ишла-ётганлар сони тобора ошиб бора-япти. Пешқадам бригадаларга етакчилик қилаётган Алла Клей-шук, Роза Симинеева ва бирлаш-манинг Қўйлиқ филиалидаги Га-лина Анопа каби илғор коллектив ишчилари намунали хизмат қи-лаяпти. Малика Саодатова бош бўлган комсомол-ёшлар брига-даси тикувчилари ўзларининг шах-си тамғаси билан маҳсулот тай-ёрлашмоқда. Шуниси қувончли-ки, коллективнинг иш услуби ва тажрибалари бошқа бригадалар-да ҳам кенг қулоч ёймоқда.

— Дарвоқе, бу ерда ёш ишчи-ларга алоҳида ғамхўрлик кўрсат-илади. Ишимизда баракали кў-ним бўлиши учун билим юртла-ридан келган 465 комсомол ёшларни 165 мурабий ўз отали-рига олишган. Мурабийлик ко-

ғозагина эмас, амалда ҳам қатъий назорат қилинади, — дей-ди комсомол комитети секретари-нинг муовини Орузой Мўмино-ва. — Мурабийлар Советининг раиси Антонина Ахманова ҳар ой якунига кўра маъмурият олдида ҳисоб бериб боради. Энг муҳими, бу ерда мурабийлар билан шо-гирдлар амалга ошираётган иш-лар умумлаштирилиб, йил охири-да слёт ўтказилади. Утган йили бирлашма бўйича 32 тажрибали ишчимиз «Энг яхши мурабий» деган номга сазовор бўлди. Ору-зуой кечки тўқимачилик институ-тида таҳсил кўрар экан.

Биз Орузой ҳамкорлигида даз-мол босиш цехига йўл олдик. 80 дан зиёд хотин-қиз қўли-қўлига тегмай меҳнат қилишмоқ-да. Конвейерда оқиб келаётган турли бичимдаги пальтоллар на-вбатма-навбат уларнинг назора-тидан ўтиб, сайқал топаёпти. Маҳсулотларнинг бежиримлиги кўзни қувонтиради.

Биз Орузой Мўминова билан цех оралаб, директор алоҳида тилга олган 5-тикув цехига кўта-ридик. Цех смена технологи Вера Каншина учун поток линия-да тинимсиз иш бажараётган тикувчилар орасидан кимнидир кидирди.

— Юринлар.

У бизни эркаклар пальтосининг сўнги чокини қўлдан ўтказа-ётган Назира Ҳасанова олдига бошлаб борди. Назира опанинг ташаббуси ҳаммага маъқул бў-либди. У ўзи тикаётган пальтони қўлига олди.

— Мана шу кўриб турган маҳ-сулотнинг сиртки қисми чокини астарига қўл билан қўшлаб, кей-нигики бошлардик, — деди Нази-ра опа. — Бунга ҳар бир ти-кувчининг камида икки минут вақти кетарди. Тасаввур қилинг! Иш давомида бундай икки ми-нутлар ҳар куни, ҳар сменада давом этади: 1982 йилда бир куни иккинчи сменага 15 га яқин ҳаммасларимиз узрли сабаблар билан ишга чиқмай қолди. Вазият жиддийлашди. Олдимизда кон-вейернинг маромини бузмаслик вазифаси турарди. Бунинг чора-сини излаб топдик. Уша куни пальто чокларини тўғридан-тўғ-риги тикиб, тажриба учун техноло-гимизга кўрсатдик. Аввалига ишонишмади. Бошимизда туриб бир иккитасини тикдирди. Нуқ-сонсиз чиқди. Муҳими, тикувчи-дан қўл ва кўздаги мўлжалнинг аниқ харақатига боғлиқ, деган хулосага келдик ҳаммамиз. Мана, ўзингиз кўраёلسиз. Виргина биз-нинг цехимизда эмас, бу тажриба бутун бирлашмада кенг ёйилиб кетди.

Ҳа, Назира опа ҳақ гапни айтди. Меҳнатда жон куйдирган ҳар бир касб эгаси ишнинг осон, сифатли ва унумли бўлиш йўлла-рини кидириб топади. Бундай ташаббускор рационализаторлар бирлашмада кўплаб топилади.

Аҳмаджон САЙДАЛИЕВ



Курсантлар машқ пайтида.

Баҳром ҒОИИБ

НОМАЪЛУМ АСКАР СЎЗИ

Бобом Холиқ Рўзиметов хотирасига

«Бедарак кетди», — деб ўйлама, дилбар. Углинг галстугида қоним акси бор. Мендандир онамнинг сочидаги қор — Оппоқ бўлиб қолган эзгу ниятлар.

Белга қувват бўлиб йўлга бошлаган Отам қўлидаги ҳассаса бокқил — Унинг тик қаддига қаддим киёс кил. Хаёлларни қувла — кўзинг ёшлаган.

Жажжи чақалоқнинг қувноқ кулгусин Менинг меҳрим дей қабул эт, гўзал. Юрак уришимга ҳамоҳанг азал — Девор соатининг саси тинмасин.

«Бедарак» демагил, бу ўйни унут. Полким байроғида орузум намоён. Менинг шижоатим эттирар давом Байроқ қаршисиди бош эгган йигит.

ҚИШ — ҲАМШИРА!

Дарахтларнинг танига нина саячади аёв, Пуर्वикор тоғлар узра оппоқ қор жилваланар. Совуқдан муз қотали дарёлар тортиб саёв, Оқ халатин ёйиниб, Ер тақар кумуш камар.

Елқасига тиг солиб, кўклам уруғ сочамиз, Езда чопиб, сугориб, севмаймиз: кун ботгайдир... Қузда йигиб ҳосилни, тилиб кўкени очамиз, Қиш — ҳамшира, қор билан Ерни ўраб-боғлайдир.

КЕЛ!

Не савдолар солдинг бошимга,
Хеч ким билан бўлмайман эл.
Кел, чорлайман сени қошимга,
Дарёлардан, тогдан ошиб кел!

Гар шахд қилсанг йўқ хижрон —
харсанг,
Энди сенга теккизмайман тил.
...Сукунатда жим юраверсанг,
Дарё бўлар кўзимдаги сел.



ҚИЗЛАРИМГА

Меҳнатдан ёришган толейнгиз оқ,
Суянчиқ бўласиз юрта албатта.
...Кўёш нурун эмиб улгайинг тезроқ,
Қизларим, сизлардан умидим катта.

Ҳаёт ўргатади билмаганинги,
Сизни одам қилиш бўйнимда қарзидир.
Сизлар кўрарсиз мен кўрмаганларни,
Юксак юлдузларга бўлсангиз асир.

Дунё нотинч бўлса — катта айбдор — биз,
Егилса инсонлик шаънига аттанг.
...Менданмас, сиз халқдан кўп қарздорсиз,
Устозингиз Ленин, Партия, Ватан.

Ҳеч нени юқори қўймайсиз юртдан,
Биламан, бўлдурсиз унга чин фарзанд.
Мени бошин мағрур тутсин, десангиз,
Бўлинг ҳамма билан бир жон ва бир тан.

Меҳнат кучоғига киришг чарх уриб,
Тинглаб саҳроларнинг, чўлларнинг арзин.
...Сизнинг самимият, меҳрингиз кўриб,
Шунда «онаман» деб қувонсам арзир.



МАНЗАРА

Келажакни бағрида кучиб,
Бедор кезар гулгун кайфият.
...Дарахтларга яшил тўн бичиб,
Гулдан либос кийган табиат,
Гунчаларни кулгуга ўргат!

Шамолларнинг тили бор бийрон,
Ризқу рўзга лим-лим она-Ер.
Аламлардан бўлсанг ҳам гирён,
Одамларга қувончингни бер,
Нигоҳларда туғилар меҳр!



Алла айтар хушбахт бир аёл,
Тинчлик истар мулойим юзлар.
Орзу бўлиб туғилар хаёл.
Бедор боққан минг-минглаб
кўзлар,
Келажакка бахтини сўзлар.

Мард бўлсанг кеч ўқинч
бахридан,
То тонггача порлар чироқлар.
Она-Ернинг иссиқ бағридан,
Қайнаб чиққан зилол дебоқлар,
Ишончингни қалбида сақлар.

Истасанг бахт сен билан яшар,
Каптарларга тўлар бу осмон.
Кўёш билан уйғонган башар,
Сенинг олтин фикрингга посбон,
Сиз камалак йўлини тўсман!

Қувонаман соғиниб келсанг,
Енгиб барча тўсиқ-хавфларни.
Бу хаётни мен каби севсанг,
Йўқот ўздан майда гапларни.

Шухратга ким эришса осон,
Бўлмайди бахтли чинакам.
Сув ўрнида ичма сен қасам,
Бўлмаса ҳам айтганинг айтган.

Йўқотар ер мувозанат кучин,
Унутса рост сўзни лабларинг.
Ер шарини кафтда кўтаргувчи,
Сен олдисан катта сафларнинг.

Тўртқул.

АЁЛ ВА МАНГУ ЕДГОРЛИК

Кўклам бағри лолаларга тўлган бир фасл,
Қизғалдоқлар чулғар экан ернинг юзини,
Қизғиш денгиз тўлкинлари этганча асир,
Лозазор қирларга урар ҳар ким ўзини.

Улар билан мушфиқгина бир аёл елар,
Армонини митти чечакларга сўзлайди.
Гул кўтариб тош ёдгорлик ёнига келар,
Атрофдаги одамларни гўё сезмайди...

Ойдеккина қиз эди у ёноқлари ол,
Йигит уни мажнунова қолганда суюди.
Аммо уруш бошланди-ю: «Дилбарим, хуш қол,
Қайтаман», — деб йигит кетди,
Қиз қолди куйиб...

«Кут», деганди, қирқ тўрт йилки, кутяпти, мана,
Қирқ тўрт йилки, унинг барча умиди сағир.
Эҳтимол, у бўлар эди энг бахтли она,
Шамшод қаддин дол қилди-я ёлғизлик, сабр.


Билар, жангда ҳалок бўлган суюкли ёри,
Билар, энди уни қайтиб бермайди йиллар.
Аммо жангчи йигит руҳи қийнар аёлни,
Тош ҳайкалга тикилганча эзилиб йиғлар.

Аммо гоҳо икки қўли туғилару мушт,
Ёздан чиқар йиғлайвериб қолгани қариб.
Кўраяман, деб ўйлайди босиринки туш,
«Менинг умриммас бу ўтган, аламли, ғариб».

Ҳали замон келмаганлар келишар қайтиб,
Куйлаганча турналардай баҳор куйин хуш.
Ери келар унга томон қўшиғин айтиб,
Бу отилар бошдан тамом учиб ақду хуш!

Утиб кетавермайди эллик йил, юз йил,
У кутади шу ҳолатга тушганча ҳар гал.
Мард ўғлондан муқими ҳеч узмоқлик кўнгил,
Ахир унга Ватанига қўйилган ҳайкал!

Кўклам бағри лолаларга тўлган бир фасл...
Тошкент.



Хивада улуг олим Ал-Хоразмийга ўрнатилган ҳайкал.

А. Жданов фотоси

АМОЈЕТ иллюминаторидан водийга назар ташлаганмисиз? Атрофи пурвиқор тоғлар билан ўралган воҳа бутун борлиғи билан кўза олдингизда намоён бўлади. Асрий музликлардан, қорли тоғлардан, унгуллардан бошланган, улкан дарахт илдиэлари каби тармоқ отиб кетган жилғалар, ирмоқлар сойларга, дарёларга айланиб, водий томон интилади. Бу жўшқин ҳаёт томирлари қуйида азим Сирдарё билан, навқирон сунъий дарё — Катта Фарғона канали бағрига сингиб кетади.

Икки нахр оралиғида эса водий Мирзачўли — Марказий Фарғонанинг асрий қумликлари ўрқач-ўрқач барханлари билан ястаниб ётади. Марказий Фарғонани водийнинг ўзига хос чорраҳаси дейиш мумкин. Бу ерда Фарғона, Андижон, Наманган областларининг боғроғлари, пахтазорлари, полиз пайкаллари бир бирига туташади. Уч область чўлқуварларини учраштириб турадиган бу овлоқ манзил хали хариталарда қайд этилмаган бўлса-да, чўлни бўстонга айлантириш ишқи билан яшаётган, номлари фахр-ифтихор билан тилга олинаётган бунёдкорлар учун муқаддас манзиллардан бирига айланиб қолган.

Утган чорак асрдан кўпроқ вақт мобайнида кум барханлари чекиниб, бу ерда уч область деҳқонлари меҳнатининг самараси бўлган пахтазорлар, боғ-роғлар, обод посёлкалар вужудга келди. Эндиликда бу ер водийнинг чинакам пахта базасига, шириншакар мева-чева, полиз маҳсулотлари макони айланди. Республикаимиздаги жами сугориладиган ерларнинг 1,5 процентини ташкил этадиган бу воҳа Ўзбекистонда тайёрланаётган пахтанинг салкам 10 процентини етказиб бермоқда!

Еш Совет ҳокимияти элдингизга оёққа тураётган дастлабки йиллардаёқ, улуг дохийнинг назари Туркистонга тушди. 1918 йилнинг март ойида Владимир Ильич Мирзачўл ва Далварзин чўлларини сугоришга доир лойиҳа муҳокама қилинган Халқ Комиссарлар Советининг махсус комиссияси мажлисига раҳбарлик қилган эди. Мамлакат бошидан кечаётган қийинчиликларга қарамай, орадан икки ой ўтар-ўтмас Туркистонда сугориш ишлари ва уни ташкил этиш учун 50 миллион сўм пул ажратиш тўғрисида декрет чиқарилди. Бу тарихий ҳужжатга шахсан Владимир Ильичнинг ўзи имзо чекди. Шу маблагнинг бир қисмига Учқўрғон дашти (Марказий Фарғонанинг шимол-шарқий қисми)дан 10 миң десятина ер ўзлаштириш ҳам кўзда тутилган эди.

Биз учун қадрдон тарих бўлиб қолган бу воқеаларга қайта-қайта мурожаат этганимиз сари, унинг янги қирралари мазмуни намоён бўлаверади. СССР Халқ Комиссарлари Совети хузуридаги Меҳнат ва Мудофаа Совети В. И. Ленин кўрсатмаси билан 1923 йилнинг кузига «Туркистондаги ирригация ишлари тўғрисида» қарор қабул қилди. Шу қарорнинг амалга оширилиши туфайли 20 йилларнинг охирига келиб, республика бўйича ўзлаштирилган 36 миң гектар ернинг 7 миң гектари Марказий Фарғона бағридан очилган қўриқ ерлар эди. Уша йилларда ишга туширилган 22 километр узунликдаги «Янги Фарғона» канали Шаҳрихондан Езёвонга оби ҳаёт етаклаб келди. Бу иш чўлга бошланган ҳужумнинг дебочаси эди.

Марказий Фарғонани ўзлаштиришнинг ўзи бўлмади. Асрлар давомида эгасиз ётган бу кенгликларни ўзлаштириш учун янгича усул, тажриба ва матонат керак эди. Одам ўтиб бўлмас ботқоқликлар, мавсумий саёз кўллар йўқотила бошланди. Сизот, шўр сувлардан халос бўлиш учун коллекторлар хизмати зарур эди. Уша йиллари бунёд этилган Сарижўга, Шимолий Бағдод, Езёвон, Аччиқкўл коллекторлари чўл бағридан ҳар секундада 60 кубометр сувни чиқариб ташлай бошлади. Бу эса 100 миң гектар ерни ўзлаштириш, боғу роғларга, поёнсиз экинзорларга айлантириш имконини берди. Қисқа вақт ичида чўл бағридаги коллекторлар-

МЕЛИОРАЦИЯ ВА ХОСИЛДОРЛИК

нинг узунлиги 400 километрга етказилди. Улуг Ватан урушигача бўлган дастлабки ўн йилда (1931—1941 йилларда) фақат Марказий Фарғонанинг ўзида 71 миң гектар ердан фойдаланилди. Ҳукуматимиз бу ишларга 66 миллион сўм капитал маблаг сарф этди. Айниқса, 45 йилдан бери деҳқонлар измида бўлган Катта Фарғона каналининг ишга туширилиши бежон воҳага янгидан ҳаёт ато этди.

Қўриқ юзлаб қаҳрамонлар номини элга танипти. Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, СССР Давлат мукофотининг лауреати Машраб Раҳимқулов, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Василий Кормилаев, шунингдек, Иван Баранов, Деҳқонбой Асқаров сингари ўнлаб, юзлаб чўлқуварлар номи қўриқ ерларни ўзлаштириш тарихи билан ҳамбарчас боғланиб кетган. Ҳозирги кунда Фахриддин Шамсуддинов, Солижон Охунбобоев сингари қўриқ фидойилари номи билан совхозлар, чўлда бунёд бўлган кишлоқлар аталмоқда.

Олтимишчи йилларга келиб, Марказий Фарғонани ўзлаштириш янги босқичга кирди. Энг аввало, янги ерлар очиш, ирригация-мелиорация ишлари тўласича давлат бюджетига ҳисобига бажариладиган бўлди. 1953 йилда тузилган Марказий Фарғона ерларини ўзлаштириш бўйича колхозлараро Совет базасидан «Андижанводстрой» ва «Наманганводстрой» трестлари ажралиб чиқди.

Марказий Фарғонада ўзлаштирилган янги ерларга Катта Андижон канали (дастлаб Марказий Фарғона канали дейилган) суви келтирилди. Бу канал биринчи йилиёқ бир

неча ўн миң гектар ерни оби ҳаёт билан таъминлашни яхшилаш имконини берди.

Бутунги кунда азим Сирдарё, Катта Фарғона ва Катта Андижон каналлари, уларнинг ўнлаб ирмоқлари қадимий чўл сийнасини гуркираган бўстонга айлантириб турибди. Сирдарёга қурилган Абдусамад насос станцияси ҳар секундада 15—20, Сирдарё насос станцияси 10 кубометр атрофида сув чиқарапти. Киров районидаги «СССР 60 йиллиги» совхозы территориясида қурила бошланган Сирдарё насос станциясининг иккинчи навбати ҳам секундига шунча сув чиқаради.

«Солижонобод» совхозининг экин майдонлари тўласича Катта Андижон каналидан олинаётган сув билан сугориляпти. Бу ерда қурилган «Солижонобод-1», «Солижонобод-2» насос станциялари қўриқ ерларга ҳар секундада қарийб 4,5 куб-метр сув етказиб бермоқда. Шунингдек, Жанубий Фарғона каналидан қурилган Повулгон, Файзобод, Қува-1, Қува-2, Катта Фарғона каналидан қурилган Раққон, Нурсух насос станциялари ҳар секундада узатиб бераётган ўнлаб кубометр сув ҳам Марказий Фарғонадаги янги ерларни яшнатиш, пахта ва бошқа экинлар ҳосилдорлигини оширишга хизмат қилмоқда. Охунбобоев райони территориясида Катта Фарғона каналига янги насос станцияси қуриш ишлари жадал суратлар билан давом этаяпти.

1976 йилда қўриқ хўжаликларни комплекс тарзда бунёд этиш усули кенг қўлланилиб, Охунбобоев районидаги «Солижонобод», Езёвон районидаги З. Ғаниев номи ва Олтиариқ районидаги «Олтиариқ» боғдорчи-



Рассом И. Циганов. Туроб Тўла шеърлар китобига ишланган суратлардан.

лик-узумчилик совхозлари каби дастлабки қўриқ хўжаликлар ташкил этилган эди. Ер ўзлаштирилгани билан саҳий сийнасини оча бемас экан, буни Евёвон районидagi З. Ғаниев номи совхоз мисолида яққол кўриш мумкин. Қўриқда очилган мазкур хўжаликнинг ташкил этилганига 6 йил бўлди. Ана шу олти йилнинг дастлабки уч йили хўжалик тарихида ижобий ўзгаришлар, истиқбол сари дадил қадам ташлаш йиллари бўлди. Бироқ кейинги йилларда кўриқдаги бу совхоз қоқоқлашиб қолди. Мана, уч йилдирки, совхоз пахта тайёрлаш планини бажара олмайди. 1984 йилда ҳам бласти-миздаги 9 та қўриқ хўжалик ичида фақат шу совхоз йиллик плани уддалай олмайди.

Хўжаликнинг қоқоқлар сафига тушиб қолишига нима сабаб бўлди? Мутахассисларнинг фикрича, барча нуқсон хўжаликни йириклаштиришдан бошланди. 1982 йилнинг эрта баҳорида хўжаликка Евёвон районидаги «Евёвон» совхози, Тошлоқ районидаги «Фарғона», «Ленинград» ва Ленин номи колхозларга янги ўзлаштирилган ерлар олиб берилди. Бу майдонлар юқоридаги хўжаликларнинг асосан полиз маҳсулотлари ва ем-хашак етиштирувчи ерлари эди. Совхоз маъмурияти эса, 586 гектар майдонни ҳайдаладиган ер сифатида қабул қилиб олди. Шундан 400 гектарига пахта экиш планлаштирилди. Бу майдонлардан хўжалик 710 тонна «оқ олтин» топиши лозим эди. Афсуски, уч йилдирки, хўжалик янги қабул қилинган ерлардан 300 тонна ҳам ҳосил олишолмапти.

Хўжаликда янги ерлар ҳисобига ташкил қилинган 2-бўлимда ҳам шундай аҳволга тушиб қолишнинг асосий сабаби ерларни ўзлаштиришдаги палапартишлик, қабул комиссияларининг шомша-шошарлиги сабаб бўлмоқда. Чунки бу ерлар қисман ўзлаштирилган бўлса ҳам мелиорациялаш даражаси маромига етказилмаган, сув таъминоти тўла йўлга қўйилмаган.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XVIII пленуми қарориди мавжуд аҳволга алоҳида эътибор жалб қилинади: «Ирригация системаларини лойиҳалаш ва уларни ишлатишдаги хатолар, ерларнинг шўр ва зах босиши сабабли республикада кейинги вақтларда ҳайдаладиган, аммо фойдаланилмаётган майдонлар анча кўпайди. Ер фондининг, ихота дарахтзорларининг сақланиши учун контроллик сусайтирилган, талайгина майдонлар шамол эрозияси, гармселлардан зарар кўрган. Суғориладиган экинзорларнинг талон-тарож қилинишига, мелиорация жиҳатидан тайёрланмаган майдонларга экин экилишига йўл қўйилмоқда».

Ҳақиқатан ҳам номигагина барханлари текисланган ерларда ҳали маданий экинлари ўстириш имконияти йўқ. Чунки бу майдонлар хўжаликларнинг ўз кучлари ҳисобига тайёрланган. Ирригация шохобчаларини бунёд этиш, сизот сувларини чиқариб ташлайдиган зовурлар қазишга мутлақо эътибор берилмаган. Бунинг устига, бу майдонларга сув келтириши лозим бўлган ягона бетон ариқ ҳам ора йўлда қолиб кетган.

Тажрибага кўра республикамизнинг бошқа қўриқ зоналарида ўзлаштирилган ерларда дастлаб ер ўзлаштирувчиларнинг ўзлари деҳқончилик қиладилар. Ерларнинг мелиоратив ҳолати яхшилангач, экин экиш имконияти вужудга келтирилгач, бурюртмачиларга, колхоз-совхозлар ихтиёрига топширилади. Бу ерларда эса тракторлар, бульдозерлар янги ўзлаштирилган майдондан олиб чиқиб кетилиши биланок чўлқуварлар ихтиёрига ўтказиб юборилган.

Янги ўзлаштирилган ерларда дастлаб чўл шароитига, қумлоқ ерларда яхши ўсадиган, ҳосил берадиган экинларни ўстириш тажрибаси одат тусига кирган. Бундан 7—8 йил аввал совхознинг 1-бўлимидаги Раҳматжон Ҳожиматов бошлиқ бригада майдонларида дастлаб шולי етиштирилган эди. Эндиликда ана шу майдонлардан муттасил мўл ҳосил олинмоқда. Уттан йили шу шוליпойлардан

40 центнерга етказиб чўл пахтаси олинди. Демак, чўлқуварлар томонидан синалган бу тажрибани 2-бўлимда ҳам қўллаш керак. Бу ерни экишга мослаштиришнинг энг оддий усулларидан биридир.

Бўлимда ихотазорлар барпо этишга, мавжудларини парвариш қилишга эътибор берилмаган. Ҳозир ҳам аҳвол шундай. Чўлқуварлар ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш учун биринчи галда шир қумларни 18—20 сантиметр қалинликда унумли тупроқ билан аралаштиришлари керак бўлади. Бунинг учун эса маҳсус — мелиоратив отряд ташкил этилиши зарур. Совхозда эса бундай имконият йўқ. Ҳар йили янги ерларни ўзлаштиришга 200 минг сўм атрофида капитал маблағ сарф этилади. Мелиорацияланган ерлар унумдорлигини ошириш учун эса умуман маблағ ажратилмайди. Бундан ташқари, шу майдонларни сув билан таъминлаш масаласини кўриб чиқиш лозим.

КПСС Марказий Комитетининг 1984 йил Октябрь пленуми ана шундай муаммоларни ҳал этишнинг ёрқин йўлларини белгилаб берди.

Водий қўриғи — Марказий Фарғонада


ташкил этилган давлат хўжаликлариди пахта ва бошқа қишлоқ хўжалик ҳамда чорвачилик маҳсулотлари етиштиришнинг катта резерв ва имкониятлари бор. Деҳқончилик ишларини интенсификация, янги ўзлаштирилган ерларда мелиорациялаш, комплекс механизация ва химиялаштириш ишларини кенг қўламда олиб бориш эвазига ҳосилдорликни муттасил ошириб бориш, сарфланган куч ва маблағлар самарадорлигини кўпайтириш кўзда тутилмоқда.

Кейинги йилларда қўриқ ерларда янги тармоқлар ҳам ривожланмоқда. Қўриқ меҳнаткашлари жамоат чорвачилигини барқарор ривожлантириш йўлида куч-ғайратларини сарфлаяптилар. Дончилик, сабзавот, мева, полиз маҳсулотлари етиштириш ҳам йил сайин кўпайиб бормоқда.

Бир сўз билан айтганда, КПСС Марказий Комитетининг Октябрь пленуми қарорларидан руҳланган чўлқуварлар партияси белгилаган ойдin йўлдан истиқбол сари дадил одим ташламоқдалар.

Набижон СОБИРОВ,

СССР Журналистлар союзининг аъзоси,
«Коммуна» газетаси ходими.



Жанубий Фарғона канали таъмир қилинган, янада тўлиб оқди.

УЗУК
ТАҚИЛГАН
САБЗИ

нинг мўл бўлиши хурсандчилиги устига йўқолган узукнинг топилиши ҳам кўшимча қувонч бўлди.

Суматралик мауғли

Яқинда Суматра оролининг жанубий қисмидаги чангалзорда Имията исми 12 яшар қизча топиб олинди. Индонезиянинг Антара агентлиги хабарига кўра, қизча бундан етти йил муқаддам йўқолган ва ота-онаси уни ўлган гумон қилиб юришган.

Имиятани чангалзорда овчилар кўриб қолишган ва дастлаб уни орангутан маймуни деб ўйланган. Шуниси қизиқки, қизча топиб олинган жой унинг тутилган уйдан аттиги ўн тўққиз километрга узокдадир.



«Комсомольская правда» газетасининг 1984 йил 27 ноябрдаги сониди йўқолиб қолган узук ўртасида ўсган сабон ҳақида ёзилган эди. Худди шундай воқеа ўтган йил кузда Павлодар шаҳри атрофидаги қишлоқлардан бирини ҳам содир бўлди. Уй бекаси баҳор пайтлари ўз боғида никоҳ узугани йўқотиб қўйганини айтиб юрди. Кузга келиб сабони қавланаётганда ҳосил

ТУНГИ КЕЧУВ

«АМУ» РОМАНИДАН ПАРЧА



9 ЧИГИНИ айтсам, ешлигимда хўп эси паст, довдир бўлган эканман. Эси паст бўлмасам, Ҳожиқул понсодам ичкүёв тушаманми! Куёв бўлганда ҳам, сон кирмаган, еттинчи куёв! Понсод олти қизини жойи растон қилиб, энг кенжа, эркасини ёнидан кетказишга кўзи киймай юрганида мен сабил оёғининг тагидан чиқиб қолганман. Куёв эмас, батрак керак эди унга, ҳа. «Уғлим, ўғлим» қилиб суйдай элитиворган-да каминани, ялтоқининг найрангини қаёқдан билай, ақл ўртададиган отам ёки акам бўлмас.

Бу гапларни энди гапиряпманку. У гаплар, нима, йигитчиликда. Уйланиш ўзи бўлармиди у замонларда. Бўйдоқ ўтган қилчдай йигитлар сонини эди. Бу ёқда бизга бўлса — текин тўй, текин хотин. Ҳар қандай дономан деган мағрур йигит ҳам лаққа тушиши ҳеч гап эмас. Менга ҳам: «Етимчага ана омаду мана омади!» деб ҳасад қилганлар озмунча бўлмаган.

Хатча ҳам лахча чўғ эди-да ўзи. Чимилдикда биринчи кўришимизу бир умрга чипша ёпишдик-қолдик бир-биримизга. Ҳозир у, маймоқ супурғига ўхшайди бизнинг кампир; у маҳаллар, жуссаси кичиклигини айтмасангиз, мана шу Зулайхонинг қуйиб қўйган нуҳхаси эди, мен сизга айтсам! Отаси «Олакўзи!» деб жеркарди жаҳли чиқанда. «Ола» эмиш, қуралай дейдилар бунақангиз кўзини, акаси!

Хизматкорлар қаторида кўп юрмадим. Бир йил деганда коптокдай ўғил туғиб берди қуралай кўзим. Азалдан қизлар бозори бўлиб кетган понсод хонадониди бу — мисли қўрилмаган воқеа эди. Қариб қолган Ҳожиқул яна меросхўр неварасининг оёғидан сув ўтириб ичмас эди, холос. Уғилча туфайли бизнинг ҳам обрўйимиз ошиб, «бўтам-бўтам» бўлиб қолдик. Мундай макъе, мундай муомала бизга ҳам хуш ёкиб, етимчалигу ичкүёвлик эсданок чиқиб кетди. Хонадонда «кадрдон» лигимизга ўзимиз ҳам ишониб кетиб, чўпон-чолликка гоҳо буйруқлар берадиган бўлдик, «кичкина хўжайин» дейишарди хизматкорлар.

Қайнатамиз оқ ятак, оқ лозим, умуман ҳаммиса оплоқ кийиб юрадиган халта соқолли, биткўза, пакана, ичидан пишган, фитна-

роқ одам эди раҳматлик. Понсод деган лақоби отасидан қолган, ўзи шунчаки бой, олтини-етти сурув қўйи ёзин-қишин Шеробод чўллариди ёйилиб юрар, бор бойлиги ҳам шу эди чамамда.

Кўп ўтмай, жажжи меросхўрнинг қувончлари ҳам татимай қолди Ҳожиқул понсодга. Бир минг тўққиз юз йигирма еттинчи йил эди-да. Унга ўхшаганларнинг пайтавасига қурт тушган пайт. Бизнинг қайната ҳам ҳаловатини йўқотиб, камгап бўлиб қолди, кечалари туриб қаёққадир кетар, ташвишдан чарчаб, кўзалари ичига тушиб қайтиб келар, намоз ўрнига чўт қоқиб алланималарнинг ҳисобини қилар, мен билан ҳам илгаригидай очилиб гаплашмас эди.

Ажабо, одамни мол-дунё ер экан. Кўзидан уйку қочиб, бемаҳал мункайиб қолди Ҳожи. Раҳим келганидан, нима деса шуну қиладиган бўлдим. Бир куни ярим кечаси ётоғимга кириб: «Кетамиз, ўғлим», деса: «Хўп бўлади», дебман. У чўп бўлиб қолган, хансирар, орриқ юзида соқоли селкиллар эди холос. Охири чорага аҳд қилганлиги биллини турар эди.

— Қаёққа, дада? — деди қўрқиб кетган қизи менинг ўрнимга, кўрпанинг тагидан.

— Ауғонга... — деди понсод сирли қилиб. У вақтлар «Ауғон» дейиладиган жой ҳақиқатан унинг ўзи учун ҳам сирли, бир-бирлардан эшитиб билинган номаълум бир юрт эди.

— Нима учун, дада? У қанақа жой? — деди хотиним уялишни ҳам унутиб, кўрпани очиб ташларкан.

— Жим ёт, сенинг ақлинг етадиган гап эмас, дориломон жой, муслмонобод! — дея жеркиб берди қайнатам. Узим ҳам хангманг бўлиб қолибман, лекин қарши гап айтолмасдим.

Саҳарлаб хонадонда хотин-халаж, бола-чақа орасида йиғи-сиги бошланди. Табиийки, мен, йигит киши, улар томонда бўлмай, ота ёнига кириб, жиқидий тус олишим керак. Дўқ қилдик, овута бошладик, гоҳо шафқатсиз бақириб-жеркидик, ишқилиб, оилани аста-секин сафарга тайёрладик.

Мен нима қилаётганимни ҳам билмайман, мутёғ, понсод қўлида гўё бир ўйинчоқ... Эси пастлигим мана шу ерда яна бир марта биллинди. Ахир сўрамайманми: қаёққа? Нега? Мен нима қиламан у бегона юртда? Болам бор, хотиним бор, туғилиб ўсган жо-

йим бор, ота-боболаримнинг тупроғини ташлаб қаёққа бораман? Мени биров кет депманми? Сизга ўхшаб, қуядиган мол-дунёйим бўлмасми?! Сизнинг ҳам... белингиз оғрибдими бу мол-дунёга! Золим отангиздан қолган меросда. Шамолдан келган шамолга кетса кетибди, садқаисар. Эл-юрт ахир битта бўлади. Ватангадоликнинг ноини қаттиқ дейдилар, кейинги пушаймон ўлдирди одамни. У ерларга бехатар етиб бориш ҳам ўзи бўлмайди, ўша муслмонободда ҳам сизга биронинг кўзи учиб турган бўлмас керак...

Бу гапларни энди айтяпманку. У маҳалда эса... Мен аҳмоқ безабон йиғи-сиги, дод-вой ичиди қайнатамнинг буйруғини бажарардим. Чолнинг талвасали бе-раҳмлиги менга ҳам ўтди, Хатча шўрлик ҳам мендан безиллаб қолди, гўдагини кўксига босганча, қилган ишларимга тушунмай, йигидан қизарган кўзлари билан тикилиб тургани турган эди боқиш.

Биз бир ҳафта деганда туғатадиганимизни тудик, йўқотадиганимизни йўқотдик. Камбағал бўлсанг кўчиб боқ, дейди. Шошилишда қанча мулк сочилиб қолиб кетди, эсизгина осойишта тирикчилик, ўрганилган файзли хонадон энди алғов-далғов, фаришта си қочган, ҳаммаёқ хонаварон, ўлик чиққандай совуқ, хувиллаб ётар эди.

Ҳожиқул понсод кимларнидир ёллади, кимларнидир сотиб олди, ўзи, иккита хотини, бир-иккита хизматкори, қимматбаҳо буюмлари билан олдинроқ жўнайидиган бўлди. Гулмат кимор деган чўпон бор эди, ўша билан биз қўйларни ҳайдаб, тайинланган жойга кейинроқ етиб борар эканмиз. Менга сал жон кирди; Гулматга ишонса бўлади — иккита бўри билан якка ўзи олишиб тирик қолган! Ўзи юпунгина кўринса-да, ман-ман деган киморбоз бойваччалар уни кўрганда зириллаб туради. Унда ҳалол бўлмасам ҳам, тегиримондан бутун чиқадаган таваккалчи. Понсодга қўлбола паром ўтадиган пасткам жойни ўша топиб берибди. Миш-мишларга қараганда, Қаршининг қайсибир бойини ҳам ўша кичикдан ўтказиб юборган экан.

Уйда ҳамма иш менга қолди. Хотин-халажнинг оғзини тийиш, йиғи-сигини босиш... Понсод қочган кечаси Хатча шўрликини боласи билан чиркиратиб дўппослабман. Умиримда хотинимга қўл

кўтарган одам эмасдим. Менга бир қор-қол бўлди, қандайдир қимматбаҳо бир нарсамни йўқотдим, шафқатсиз, асабий, бемехр бўлиб қолдим. Нимагадир, кимданбир ўч олишим керақдай, қовоғимдан қор ёғиб, қалтираб юрардим, кечалари шаррос тер босганча тўсат ўрнимдан туриб совуқ сув ичаман, бунинг устига Гулмат кимор мени «бой ота, бой ота» деб калака қилади, барига чидадим-да, қаранг.

Қўйларни ҳайдаб йўлга чиққаннимизда менинг аҳволим бундан ҳам бадтар бўлди. Гулматга нима, унинг ишлари «ғарткам»! Қалтис ишларга суяги йўқ бир сўққабаш беғам. Менинг эса хотиним, болам ёнимда. Сурув кетига юрган иккита чўлик билан битта кемшик чўпонни ҳам қайнатамдан олган пулларига Гулмат ёллаган, ўзининг юриш-туриши таралла-бедад. Ташвишу азоблар менинг бошимда. Мени «бой ота, бой ота» дейдию, ўзи хўжайин, хотинимга ҳам буйруқ беради: ўчоққа ўт қала, шўрвани ос... Хатча боқиш куни билан от устида йўл юриб, кечалари қўй соғари, пишлоқ солади, бола боқадим... Хайриятки, гўдакчаси тетик, мени кўрса тугмадеккина бурнини жирийиб илжайгани илжайган. Кўзалари чарос. Йўл азобини тортиб оёқдан қолганда бирдан-бир қувончимиз шу. Хатчани аяйман, бир-биримизга тикилишамизу кўзларимиздан орзу-умидларимизни ўқиймиз: бу укубатлар ҳам ўтар-кетар, қаерда бўлса ҳам манзил топиб, шу чакалоғимизнинг йигит ёшини кўрсақ, армон ушлар, бу кунимиздан бадтар бўлмасмиз ахир...

Гулмат бўза ачитиб ичади, саксовул соясида ётиб мўйлабини қайчлайди. Бу чўли маликда билмадим кимга зарур экан Гулмат киморнинг пардоз-андози. Қирғоққа етганимизда бир кеча йўқ бўлиб кетди. Кейин итдек тилkini осилтириб қайтиб келдию, иккинчи кечаси қўйларни яна пастга қараб ҳайдадик. Азонда куюқ кампизорга келиб тагин тўхтадик. Гулмат яна йўқолиб кетди.

У ёллаган, сотиб олган одамларини топиб, ишни пиштиб келгач, роса ётиб бўза ичди-да, чўликларга топшириқлар берди. Аму бу ерда саёз оқлар, ясси қирғоқ шовуллаб ётган чексиз қамишзорларга туаташиб кетган эди. Қош қорайганда шу қамишзорларни ораб, айланма — субр йўллардан қўйларни ҳайдаб

дарёга чиксак, пиеда ҳам юриб ўтса бўладиган савёлик ойдинда жимирлаб бехатар оқиб ётибди, нариги қирғоқнинг қамишзорлари қорайиб кўриниб турибди! Мен аввал ҳайрон бўлдим: нахотки шунақа осон бўлса кечув?

Жиним севмай қолган Гулматга муносабатим ўзгарди. Мен унинг биларгонлигига, тadbиркорлигига қойил эдим. Ойдинда сувга тушишимиз билан сурувларни иккига бўлди-да, бир бўлагини чўлиқларга топширгандан кейин, бир бўлагининг ҳаракатини тўхтатмай, шопилинч буйруқларини эълон қилди; олдинда оқ серка билан кетаётган чўтир чўлиққа «дадил бўл!» дея бўза ичирди, ярим товушда «қуррей, қуррей!» қилиб, карвонни сувга солди. Биз отга юклаган бешигу қора кумғон, яна аллақанча лаш-луш билан орқада эдик. Қўй жонивор кечаси маърамас экан, бир-бирининг ҳидини олиб жипс юради, поданинг кучли вишиллаган манча нафаси эшитиладди холос. Қоронғи туннинг чексизлигидан бу овоз ҳам қамишзорнинг шовуллаганига қўшилиб йўқ бўлиб кетарди. Сув совуқ бўлса ҳам, ҳаяжондан қизиган баданларимизга қор қилмади, оқим кучли эмас, баъзан тиззадан, баъзан белдан, таги кумлоғу тошлоқ, сурувлар гоҳ юриб, гоҳ сузиб нариги қирғоққа булутдай силжий бошлади. Кечув салкам бир чақиримча экан шекилли, ярим кечага бормай оёғимиз қаттиқ ерга тегиб, қушдай енгил тортидик. Лекин мен ич-ичимдан бунга негадир ҳали ҳам ишонқирамас эдим, мудҳиш бир хавотир ичим-

ни таталайверди.

Чиққан жойимиз ҳам говлаб ётган қамишзор эди, оёқ ости негадир юмшоқ, зах, созликми нима-бало... Субр йўллардан яна анча юрдик, қўйларнинг туёғи ботиб, кетидан силкиб сув чиқар эди, силжиш жуда секинлашди, пода изидан халқоб қалқиб, биз қамишзорни ёриб юришга, бошқа йўл солишга мажбур бўлдик. Бу азоб эди, юзларимиз тилиниб, ёқаю қўйиларимизга ёпишқоқ «султон» уруғию тунги курт, хашорат тўлиб кетди. Болани чакмонга ўраб олганман, чориг тўла эди, баданим қичийди, орқада от етаклаган Хатча ҳансрайди, йикилади, қўлтиридан кўтараман, «чиди! чиди!» дейман ичимда унга ҳам, ўзимга ҳам. Бироқ бир пастандан кейин маълум бўлдик, бу азоблар ҳали ҳолва экан.

Ишонқирамаганим, ичимни талалаган ҳалиги хавотир асосли бўлиб чиқди. Бир вақт тонг бўзарабошлаган томонга қарасам, не қўз билан кўрайки, нариги қирғоқ ўрнида дарёнинг ўзи хира ойдинда кўнғир тусга кириб даҳшат билан тўлғаниб оқиб ётибди. Миямга санчилган фикр шу бўлди: биз ҳали дарёни кечиб ўтмаган эканмиз, унинг асосий чуқур жойи олдинда, биз турган ер эса ўртадаги қамишзор орол экан. Гулматнинг айтишича, бу орол ҳамма вақт бундай юзага қалқиб турмайди, кўпинча сув остида ётади. Ҳозир эса бирдан-бир қулай пайт: дарёнинг деярлик ярмини пиеда ўтдик, ярми эса — энг чуқур, хатарли жойи — анча тор. Уни махсус одамлар ясаган қўл-

бола солларда кечиб ўтилади. Ҳақиқатан ҳам, турган жойимиз омонат эди, оролниг чет-четида гоҳ сув кўпайиб, қамишларни тўлқин ювиб турибди. Оёқ босган еримиз асли тупроқ эмас, чирмашиб кетган илдишлар чириндисида иборат бўлиб, кучлироқ тўлқин келганда оқим морумида қалқиб-қалқиб кўяди. Мен бўшашиб кетдим. Сол ишончли бўлсин-да ишқилиб, бу ер қилқўрикнинг ўзгинаси экан-ку! Орқага қайтиш йўқ, узок қолиб ҳам бўлмайди, худо, ўзинг асра, Гулмат қиморнинг қалтис таваккалчилигидан жоним безиллаб қолди.

Рўпарада ҳақиқий Аму, сернайранг, мудҳиш дарё. Бу ерда унинг эни икки юз қадамгина бўлса ҳам, чуқур, зим-зиё қатъидан чиққан совуқ нафас, ғўё ўпқондай, ўзинга тортиб туради. Оқим тез эмас, лекин салмоқли, теран. Унинг қулоққа машғун эшитиладиган бетиним шовуллаши нариги номаълум, қоронғи қирғоқдан акс садо беради. Ваданим жунжикиб, жимирлаб кетди.

Сол эллик қадам пастроқда, қамишзор панасида экан, уни Гулмат билан бориб кўрдик, текширдик. Дарё ёқасида яшовчилар орасида махсус «солтерақ» ўстириб сотадиганлар бўлади. Улар йўнилмаган ҳодаларни бир-бирига пишқиб арқон билан боғлаб, сол созлайдилар. Икки эски, бир янги солни бир-бирига тиркаб катта паром ясалган эди. Йўғон ҳодаларга миҳланган тахта майдон бесўнақай лапанглаб, шалоп-шалоп тебранади. Менинг дарров бошим айланиб, кўнглим бехузур

бўлди. Лекин паром катта, пишқиб, тевараги гир айлана тахта тўсиқ, Намхуш пайраха ҳидидан кўнглим бироз жойига тушди. Нариги соҳилга тортилган салки арқонлар дарё ўртасида гирдобли тўлқинларга урилиб солланиб ётар эди.

Гулмат болта тутган, юзларини соқол босган иккита ярим яланғоч одам билан нарироқда узок сирлашиб, ниманидир ҳал қилди-да, чўлиқларга буюрди:

— Бошланглар!

Бурни иягига тегай деб турган кемшик чўпон «ҳайт!» деб, бўрибосарни гир айлантириб югуртукур катта қамишзорни пайҳон қилиб гужанак бўлиб ётган сурувлар бетоқат қўзғалди. Чўтир чўлик, суяги синиқ бақувват ўсмир бола оқ серкани шохидан сўдубра тахта тўсиқнинг дарвозадек очик жойидан ичкарига киргизган эди, кетидан қўйлар тўхтовсиз лойка анҳордай оқиб қираверди. Жониворлар туёқ остида тақур-жуқур қилиб нотаниш янграган товушдан хурка-пуса, бир-бирларига тигиз қикиниб, айлана тўсиққа тумшуклари билан тақалганча, майдонни бир пасда тўддиришди. Менинг чамамда, уч юзга яқин қўй тамом сигиб кетди, эшик ёнида от билан юкларга, яна ўзимизга ҳам супадеккина жой қолди.

Тўлгандан кейин паром сал чўкиброқ салмоқ билан лапанглади. Тонг билан бирга бўзариб, кўнғир тусга кирган қудратли дарё омонат оролни бутун сирли ташвишлари билан бирга ютиб юборгудай, таҳдид соларди. Менинг юрагимга ғулув тушди:



А. Холиқов чизган расм.

ҳозир хайрлашамиз, бу тупроқда бизни сўнгги марта кўрган одамлар билан ҳам ажрашамиз, мана-ви жонининг қадрига етмаган Гулмат, мана-ви нотаниш чўпону чўтир ўсимир, хатто болта тутган сирли, серсоқол одамлар кўнглимга қадрдон туюлиб кетди. Ота-боболар хоки-поки, кеचир бизни, туюхимиздан ўт...

— Улигимиз бегона ерларда қолиб кетадиган бўлди-и-и... — деб ҳўнграб юборди Хатча, бу худди менинг ҳам кўксимдан чиққан нола эди, кўз ёшимни зўрга тийдим.

Паром яна бир лапангайди. Бу — тўлқин. Сув кўтарилапти чамаси, оқим кучаяпти. Виз ҳали тахта майдонга чиқмаган ҳам эдик, Хатча қаёқданир боласи билан овора, Гулмат вақтни бой бермай, ўзининг одамлари билан арқонга ёпишди...

Худди шу маҳал... Шу зум ёдимда қолган, бошқасини эс-эс биламану, шу зум худди кечагидай ёдимда: олдинда, паромнинг энг олди томонида бир нараса қарсиллаб, нимадир «шалоп» этиб сувга тушди. Кимдир жонжақ билан бақира бошлади. Бу ўсимир чўлик эди шекилд. Кейин бериқоқда кемшиқ чўпоннинг хунуқ товуши эшитилди. Гулмат ҳам ўша томонга отилди, мен орқасидан югурдим. Паромга чиқиш билан пайқадиқим, олдинги томонда тахта тўсиқнинг бир жойи кўйларнинг силжишиданми, нимадандир синиб, тасодифан ўша жойга тўғри келиб қолган оқ серка сурилиб сувга тушиб кетибди. Виз ақинлашганда серка орқасидан кўйлар битта-битта ўзини дарёга ташлаётган экан. Кемшиқ томоғи йиртилгудай бўлиб чўлиққа бақира, бола эса фалокат жойига яқин турган бўлса ҳам, кўйлар орасидан ўтиб боролмас, кўлларини ёйиб, ожизлигини тўшунтирмоқчи бўлар эди. Кўйлар биқинма-биқин уймалашган. Чўлиқ уларнинг сиртидан босиб ўтишга ҳам уриди, лекин йиқилиб, кўйлар оёғи остидан турулмай қолди. Сурув ҳамон сурилар, дарёга энди битталаб эмас, бешталаб-ўнталаб ташлашар эди, орқадагилар тирбанд эрғашиб, сурилиб, ўша томонга тигиз оқиб борар эди. Тўхтатишининг ҳеч қандай иложи йўқ. Виз уёқ-буёққа югурдик, лекин на бу талвасадан, на бақир-чақириндан бирон фойда эди, анқайиб қотиб қолдик. Енимда Хатча ўқиб йўғлар, Гулмат сўқинар эди. Миямга ҳеч бир фикр келмади. Чўкиб кетган серка кетидан бутун пода ўзини сувга ташлапти, биз ожиз, эс-хушимиз оғиб, қараб турибмиз. Дарё юзи қорайиб қолди, онда-сонда кўйларнинг сузиб бораётган бошлари кўринади, лекин оз, улар ҳам нарироққа бориб кўринмай кетаётди. Гирдоб ютаятипти подани! Тўсиқнинг синган жойидан қора оқим ҳамон дарёга оқмоқда. Энди майдон очилиб,

у ерга яқинлашмиш ҳам умкин бўлиб қолди. Аммо ҳеч ким бормади. Фойдаси йўқ, бу оқимни тўхтатишга уриниш беҳуда, ўзингни суриб олиб тушиб кетиши умкин, холос. Бир қарашда ҳам — тенгиси фидокорлик маназ-расига ўшайди, кўйлар не учундир ўзларини қурбон қилишаяпти. Аслида эса бу — шу қадар маънисиз... — Бу кўй дегандан ҳам аҳмоқроқ жонвор йўқ экан, ёпирай!!!

— Чўкиб кетишаяпти! — деб ингичка йиғи товуши билан кичирди кемшиқ чўпону.

Инсоннинг ожизлигини қаранг. Салмоқ билан келган совуқ, қорамтил тўлқинларда пода-пода кўйнинг ғарқ бўлишини томоша қилдик. Жонворлар жон асраш учун охири нафасига уриниб, жон талвасида кучсиз матраб чўкишаяпти, бақувват кўчқорларнинг яқна-дуккам қора қалалари ҳам кучли оқим билан узоқ-узоқларга қориб, кўзга кўринмай кетишарди. Манзаранинг дахшатлилигидан ўзимиз руҳан хориб, тиззаларимиз қалтираб, қарахт бўлиб қолган эдик. Воқеани баҳолаш, бунинг учун кимнидир айбашга уриниш, мунозара, жанжал бошланиши керак эди, йўқ, бир-бирларимизнинг кўзаларимизга тикилганча, айтгани гап тополмай туравердик, узок турдик. Хувиллаб қолган паромда кўй кийи аралаш зардобдай сарғич сув қалқиб, ҳар жой-ҳар жойда ҳалқоб-ҳалқоб бўлиб ётарди.

Кимнинг бошида нима хаёл — билмадим, мен бирданга гадо бўлиб қолган қари Ҳожиқул понсодни йўлар эдим. Энди унинг Гулмат билан муомалалари қандай бўлади?.. Айтгандай, Гулмат... у ҳозир ўзининг болта тутган сирдошлари билан ҳисобикитоб қилиши керак. Қўлида қурол бор. Яна бир фожеа кўзгаб юрмаса бу қиморбоз...

Шу пайт орқамизда Хатчанинг нохуш, ваҳшиёна чинқириги эшитилди. Бу шундай овоз эдики, баримиз ҳамма нарсани бирдан унутиб, орқага қайрилдик. Юрагим шув ётдию, мен ҳам беихтиёр ўша томонга интилдим. Енгил туман турган зах қирғоқда тонг ёришган эди, йиқила-сурила етиб борсам, Хатча телбадай кўллари ни ёйиб, уёқ-буёққа югургилаб юрибди.

— Войдод! Шўрим қуриб қолди-и-и!

— Хатча!

— Шу ерда эди! Вешик шу ерда эди! Болагинам шу ерда эди-и-и! — Унинг бир оёғида лой маҳси, сочлари тўғиб кетган, қўлида йиртик рўмоли ҳилпайради, соҳил бўйлаб қоқина-сурила югурадию яна орқасига қайтади, бақириб томоғи қуруқшаб кетган.

Ҳамма шу ерга тўпланди. Ҳамма қудратли тўлқинларини зимдан юмалатаётган соқин дарё юзига, унинг қора-кўнғир тусдаги узоқликларига кўз ташлади. Хат-

ча бўлса, бежо кўзлари билан менга бир боқди-да, тикка дарёга қараб чопди. Сувга энди тиззалдан кирганида қаёқданир пайдо бўлган Гулмат унинг камзулидан ушлаб қолди:

— Қаёққа! Эси паст хотин! — дея қирғоқ томонга силтаб ташлади.

Балчиққа юзтубан тушган Хатча жон-жаҳд билан ўрнидан туриб, парвонадай яна ўзини дарёга урди. Бу сафар унинг йўлида мен пайдо бўлган эдим. Қулоқлашлаб юз-кўзи аралаш солган эканман, хотин бечора ҳов нарига бориб узала тушди.

— Бола қани, манжалақи!?

Жаҳолатда ақл қочганид, одамлар бўлмаганда шўрликни тепкилаб ўлдириб қўйишим ҳеч гап эмас экан. Фожеа устига юз берган бу янги фожеа ҳатто бегона одамларни ҳам қарахт қилиб қўйди-да.

— Қаерда эди? — деди Гулмат.

Хотин қонга, лойга белаган юзини аранг кўтариб, қирғоқдаги кичик яланглиқда боланинг ювиб қамшига ёйилган йўғракларини имлаб кўрсатди. Демак, бешиқ шу ерда бўлган, Хатча болани белаётганида паромдаги ваҳимали суронга қараб югурган кўйлар воқеаси билан алаҳиб, она шўрлик бешиқни бир зумгина ёдидан қочирган. Бу вақт ичиди суви ошиб келаётган дарёнинг бебош тўлқини тебраниб турган соҳилдан бола билан бешиқни шундоқкина «ювиб» олиб кетган. Тахмин шундай, бу эндиликда ҳаммага аён эди. Шундай бўлса ҳам, яна ҳамма, ўлганнинг устига тепган қўлик, қарийб ҳушсиз ётган онага тикиларди, «Болани ҳам қолдириб кетади!» дея ғазабланишарди.

Кимдир белдан сувга кириб, соҳилга яқин жойларни айлиниб ҳам чикди, бири негадир узоқларга бориб қайтди, югуриб қамшизорни кезди.

Ҳамма бугунги ҳалокатли воқеалардан толиққан, қасофатли тонгининг нохуш асорати юзларни толгин, заъфарон қилиб кўрсатар, ҳеч кимнинг ҳеч нарсига ҳафса-ласи қолмаган эди. Биринчи бўлиб мен эс-хушимни йиғдим. Хотинимни урган кўлимни қаёққа яширишни билмай, Хатчага яқинлашдим. У зах қирғоқда юзини қумга босиб ётар, ҳолсизликдан товуши тинган, фақат вужуди қалтираб, чуқур ўқинишдан кўкси қалқиб-қалқиб тушар эди. Бўлар иш бўлди, алаимини енгиб, чўккалаб, хотиннинг бошини тиззамга кўтардим. Унинг қарашида маъно йўқ, кўзлари очиқ бўлса ҳам ҳеч нимани кўрмаётгандай атрофдаги одамларга телбанамо тикилди.

— Боламини бешиққа белаган эдим... — «Одамлар, менга ишонинглар» деб айнаётгандай аста гапирди у. Кейин яна бирдан хунук чинқириб юборди. — Бо-

ламини бешиққа белаган эди-и-и-и!

Мен энди астойдил дахшатга тушдим. Телба бўлиб қолса, нима қиламан... Қўйлар кетди, бола кетди. Энди хотиндан ҳам ажра-сам... — Хатча... Хатча! Эсингни йиғ, Хатча! Кечир мени, сен айбдор эмассан, Хатча...

Бу меҳрли сўзалардан жиндай дармонга кирган хотин яна дод солабошлади, дарёни лаънатлади, йўлга чиққан қунимизни лаънатлади, бу хосиятсиз тонгга лаънат ёғдирди, меҳр сочиб турадиган, ўйноқи шуъладайгина кулгичли жувон юзи хунук бўлиб кетди. Туриб яна дарёга талпинди, базўр ушлаб қолдик.

— Энди мен бу ёруғ дунёда нима қиламан, дадаси!.. — унинг сувга ташлаш нияти астойдиллигини сезиб, икки қўлидан маҳкам тутдим, қаёққа боришни билмай, паром томон сурадим. Бошқалар ҳам буни табиий деб билиб, ўша томон силжишди, човғум, кийим-бош, туғунларимизни ёнимизга олиб келиб бердилар. Тахта тўсиққа сузиб ўтирдик, шу ер қуруқроқ эди. Менинг фикри-зикрим Хатчада. Жинни бўлиб қолмаса бўлгани.

У яна дармонини йўқотди, йиғлагани кўзида ёш ҳам йўқ эди, бошини этагимга олиб, титроқ вужудини чопонимга буркаб ўтирдим. Шунда ҳамма воқеалар, қолтоқдеккина, чарос кўзли ўғил-кам бирдан кўз ўнгимга келиб, ўзимни туюлмай йиғлаб юбордим, кўзимга ҳеч нарса кўринмас, хаёлимда бирон фикр йўқ эди...

Бир вақт қарасам, паром силжи кетаяпти, дарёнинг ўртасига бориб қолибмиз. Ўғра! Қаёққа борамиз, қаёқда қоламиз, энди менга барибир. Вағримда иссиқ жон, Хатча шўрликкинам омон бўлса бас. Қисмат дегани шу экан, уни ўзгартириб бўлмайди, деганлари рост. Атрофда Гулмат йўқ эди, хайрлашмади ҳам, балло қаоздан нари секин қочиб қолди шекилли. Майли, у ҳам пешона-сиданини кўрар...

Қирғоқда бизни понсоднинг одамлари кутиб олишди. Менинг Хатчадан бўлак қайғум йўқ эди, пиёда аллақаёқларга олиб кетишди, пасткам йўллардан узоқ айлантиришиб, кечкурун юкларимизни туяга ортишди. Кейин отда, эртасига аравада, ишқилиб, мана шу Қуйи кишлокқа етиб келдик.

Хатча энди қайнотамдан кўрқар эди. Ота-бола учрашганда, хотинимга қарасам, ёрб... ўн тўққиз яшар хотинимнинг сочлариде оқ толалар!.. Шум хабар Ҳожиқул понсодни ҳам тамом қилди. Қалтираб, кизини қалтаклай олмади ҳам. Мен шу кундан бошлаб унга тамом бегона бўлиб қолдим.

Дорилмон мусулмонободга кўп азоб ва кўп умидлар билан етимизни чол биз келгандан кейин узоқ яшамади. Ундан кейин қай-ноналарим ҳам бирин-кетин оламдан ўтишди.



БУВИСИННИНГ ҚИЗИ

ИНТЕРМЕДИЯ

Шинамгина айвон. Уртадаги хонтахта атрофига атлас кўрпача тўшалган, чойнакда чой дамлоғлик, хонтахта устидаги дастурхонга ширмой нонлар, мева-чева қўйилган. Дока рўмонининг учини икки қифтидан ошириб ташлаган буви нон ушатиб, ўзига-ўзи гапирди.

Буви. Ҳўб замонлар бўлди-да, қани энди бир думалаб ўн беш яшар бўлиб қолсам юлдузларга ўзим учсам. Ойнаи жаҳондан ўзим ўргилай, уйимда бутун оламни кўриб ўтирсам-а! Ҳа, буларнинг ҳаммаси илмнинг хосиятидан. Нима қилай, вақтида ўқий олмадим, илми бўлганимда қатнайдиган поезд ўйлаб топардим. (Кампирнинг невараси Турсуной ҳовлиқиб кириб келади).

Турсуной. Бувижонимдан ўргилай. (Кампирни қучоқлаб юзларидан ўпади). Мен-чи, бувижон, айтаверайми, уришмайсизми?

Буви. Айтақол, қизим, нахотки, сенинг қувончингга шерик бўлолмасам. Айтақол, жон қулогим билан эшитаман, ишқилиб яхшиликми?

Турсуной. Ҳа яхшилик, бувижон, агар яхшилик бўлмаса, гапирмас эдим.

Буви. Қизим, мени кўп қийнамай, айтақол, ма, кинога пул. (Нимчасининг чўнгагидан пул чиқариб узатади).

Турсуной. Оббо, бувижон-ей, доим яхши гап топиб келсам,

бир сўм берасиз-а. Бугунги суюнчили гапим уч сўм туради. Қани, учни чўзинг-чи, бўлинг, вақтим йўқ, синфдошларим қараб қолди. Ҳиндча фильмга бормоқчимиз.

Буви. Ҳа, шайтон-е, майли, бу сафарча айтганинг бўлақолсин, лекин билиб қўй, бундан кейин бир сўмдан ортиқ бермайман. (яна икки сўм беради).

Турсуной. Гап мана бундоқ бўпти-да, бувижонимдан ўзим ўргилай. Қулоғингизга айтаман, хозирча сиз билингу мен билай, зинхор аям билан дадамга айта кўрманг. (Кампир, неварасининг орзига қулогини тутди). Аттестатни олгандан кейин дугоналарим билан механизаторлик курсига кириб ўқимоқчимиз. Ўқишни битириб, тўрт қаторли машинада пахта териб, донг таратмоқчимиз. Шахарлик қизлар ҳам механизатор бўла оlishини бир кўрсатиб кўяйлик. Қачонгача «нозик оyim» деган гапни кўтариб юрамиз.

Буви. Вой ўлмасам, нималар деб валдираяпсан, сендан қанака механизатор чиқсин. Ўзингга бир қара, шамол турса осмонга учиб кетасан-ку, бу нозик қўлларинг қандай қилиб бахайбат машинани эплайди? Колхозчи қизларга ўзингни тенглаштирма, улар тоғни урса талқон қилади. Ҳар кимнинг ўз ўрни бор, шуни қулоғингга қуйиб ол.

Турсуной. Бувижон, жуссамга қараб мени ерга урманг.

Мард киши майдонда синалади. Қўлларим нозик бўлса ҳам, метиндек бақувват.

Буви. Вой ўлмасам, ҳушингни йнгиб ол, қизим, даданг ўзи ишлаётган институтга ўқишга жойламоқчи-ку, ўзбошимчилик қилма. Даданг эшитса, худди балога қоласан-а.

Турсуной. Урта мактабни битирувчиларнинг бир қисми комсомол йўлланмаси билан катта қурилишларга, биз эса механизаторлар мактабига ёзилдик. Биз ҳам чўл ерларни ўзлаштирамиз, пахта экамиз. Қароримиз қатъий! (Турсуной хандон отиб қулади-да, бувисининг икки юзидан чўл-чўл ўпади). Мен кетдим дугоналарим кутиб қолишди. (У югурганча чиқиб кетади. Бир оздан кейин эшик очилиб — бувининг келини Ҳалима кирди).

Ҳалима. Ассалому алайкум, ойижон. (Она келинининг кириб келганини кўрмайди ва саломини ҳам эшитмайди. У бир нуқтага тикилганча ўтиради). Ойи, сизга нима бўлди, тинчликми?

Буви. Утакамни ёраёздингиз-ку, мен келдим десангиз бўлмай-дими?

Ҳалима. Нега хаёлингиз парижон, бирон гап бўлди?

Буви. Ҳеч гап бўлгани йўқ. Шунчаки ўзим. Армиядаги набирам кўз олдимга келувди-да. Қузда қайтиб қолса керак-а, жуда соғиндим.

Ҳалима. Гап буёқда денг. Ойим тўшмагур-ей, невараларингизни жуда эркалатиб юборгансиз-да. Турсуной келди? Бугун уларда катта йнгилиш бўлибди. Турсуной сўзга чикди, деб эшитдим.

Буви. Ҳа, сўзга чиқса чиққандир. Назаримизга илмаган маҳмадона «жиблажибон»ингдан кўп гап чиқадиганга ўхшайди хали.

Ҳалима. Дадасининг кизиди. «Кичкина деманг бизни»... дегандай, у жуда бало.

Буви. Дадаси ҳар холда эркак киши, бўйи теракдек бўлмаса ҳам, мияси ўткир.

Ҳалима. Шуни билсангиз, бас, қизбола бўлса ҳам эпчил, ўз ишига пухта.

Буви. Нима бало, она-бола келишиб олганмисизлар!

Ҳалима. Нимани?

Буви. Нимани бўларди, ҳалигини-да.

Ҳалима. «Ҳалиги» деганингиз нимаси?

Буви. Ўқишга кетишни.

Ҳалима. Ҳеч нарсадан хабарим йўқ.

Буви. Ҳа, муғомбир-ей, мени лақиллатмоқчимисиз. Ҳали ўғлим келсин, иккалангнинг бир адабингни бердириб қўяй.

Ҳалима. Тўшунтириброк айтинг, нима гап?

Буви. Хабарлари йўқ эмиш! Ҳозир ўзингиз айтиб турибсиз-ку, қизим мактабда сўзга чиқибди, деб. Балки, нима гапирганиниям билмайман, дерсиз. Билиб қўйинг сууюкли неварам врач бўлади!

Ҳалима. Э... хали гап буёқда денг, уйга келсин, бу маҳмадона билан гаплашиб қўяман!

Буви. Вой соддалигим қурсин. «Аям билан дадамга айтманг», деган эди-я, ундан балога қоламан. Жон болам, мен айтганимни унга билдирманг, дадасига ҳам айтманг. Ўзи гап очиб қолар.

Ҳалима. Ҳа, майли, дадаси хал қилсин. (Ичкари уйга кириб кетади).

Буви. Вой, ўлай, нима қилиб қўйдим. Неварам олдида субутсиз бўлдим-ку. Ишни бузиб қўйдим. (Ўйланиб қолади. Кейин ўзини қўлга олади). Бўлди, гап битта, агар ота-онаси рози бўлмаса, неварам билан қишлоққа ўзим кетаман, дейман. Ҳа-да, кетаман, ахир неварамнинг иссиқ-совуғидан хабар олиб турадиган одам ҳам керак-ку. Ҳали бақувватман, керак бўлсак, ўғлим билан келин олдимизга борар. Неварам ёш бўлса ҳам ақли тўла, ғайратчан-да, худди бувисининг ўзи, ўргилиб кетай неварагинамдан. (Урнидан туриб, ичкари уйга кириб кетади).

Анвар САИДУМАРОВ




А. Жданов фотозғолди

Сыр...




Акмал ИКРОМОВ




Йўлдош ОХУНБОБОВ



Файзулла ХУЖАЕВ



Усмон ЮСУПОВ




ПАХТАКОР ҚИЗ ОИША.

РАССОМ А. ВИНЕР АСАРЛАРИДАН
НАМУНАЛАР




ЧУПОН.



Қизил кўйлакли қиз.



ОНА.



ТЕМИРЧИ.

Совет ҳукумати Ҳиндистоннинг собиқ бош министри, мархума Индира Гандининг ялпи тинчликни ва халқлар хавфсизлигини, СССР ва Ҳиндистон ўртасидаги дўстлик ва ҳамкорликни мустаҳкамлаш ишидаги хизматларини ҳисобга олиб, унинг хотирасини абадийлаштириш тўғрисида қарор қабул қилди.



Индира ГАНДИ.

(ПУБЛИЦИСТИКА)

Махмуда УМАРОВА

Ярим тун. Мусаффо осмон бағридан ойдин нур эланмоқда. Бу дилбар осойишталикни кўшни ховлидан аёл кишининг: «Тўйиб кетдим шафқатсизлигиндан», — дея солган фарёди ва чақалоқнинг бўғиқ чинкириги бузиб боради. Кўни-кўшниллар ширин уйқудан даҳшат ва нафрат билан уйғонишди. Кўшни хонадондаги бу гала-говурга ҳеч ким бефарқ қарай олмасди. Ҳаммамизда нафрат ва ҳадик туйғуларни алангалади. Бу воқеалар маҳаллада отнинг қашқасқидай танилиб қолган А.нинг хонадонига бўлаётганди. Бундай маврусиз «томоша» биринчи марта содир бўлаётган эмасди. А. билан маҳалла комитетда бир неча марта юзмаюз суҳбат ўтказилган. Кўпчиликнинг хузуридан тава-тазарру қилиб чиқиб кетган «шоввоз» кўп ўтмай яна «ўз ўзанига» тушиб оларди. Ичиб келиб, аризмаган нарсдан баҳона қидириб, хотинига дардага қилади, гуноҳсиз болаларни силтаб ташлайди. Хонадонига бирор киши бош суқиб тартибга қақирса, ҳақорат қилади. Эрталаб эса, яна ҳамнишгадй «халим йигит»га айлаиб қолади. Қулоқларим остидан ҳамон зорланиб, маст эрининг пойинтар-сойинтар сўкишларидан зада бўлган аёлнинг оху нолаюси, қаердадир қаровсиз азобланаётган чақалоқнинг чинкириги кетмасди.

Бутун вужудим титраб, устимдан муздек сув қуйиб юборилгандай, азойи-баданам музлаётгандай ҳис этдим ўзимни. Кўз ўнгимда бундан йнгирма йиллар муқаддам бўлиб ўтган даҳшатли бир воқеа намён бўлди...

Маҳалламизда Н. исмли руҳан заиф бир йигит бўлгучи эди. Уни кўрганлар афеус билан бош чайқашарди. Одамларнинг айтишича, у йигитнинг отаси ёшлигидан ичкиликка берилган. Йигитнинг бегубор болалиги маст отанинг уйда кўтарган доимий жанжал ва бақирёқ-чақирёқлари остида ўтган. Уша машғум мухит эса, ёш организмга салбий таъсирини ўтказган эди.

Шу воқеани эслар эканман, бугун тунда чинкирган чақалоқнинг тақдир мени ташвишга солди. Оилада бўлаётган бу кўнгилхираликлар унинг руҳий оламига таъсир этмасмикан. Бунинг учун кимни айблаш керак бўлади? Фаровон, бахтли, тўқин-сочин, озод замонда яшаб, яхши кунларнинг қадрига етмаётган тўқлика-шўхлик қилган, ҳаром йўл билан пул топиш йўлига ўтиб олинб, оила аъзолари олдига оталик ҳиссини, субутини йўқотиб қўйган жоҳил эркакким?

Ҳамонки, эр оила боши экан, оиласининг қандай бўлиши, бола-чақаларининг юриш-туриши, ўзининг обрў-эътибори учун ҳар жиҳатдан масъулдир. Шундай экан, висол оқшомдаги ахду ваъдалар, вафо ва садоқат ҳақидаги оташин сўзлар, ўша қарсбадабанг базмда икки ёшга билдирилган ишончлар, истақларнинг қадри неча пул бўлди?

Наҳотки, шундай шахслар ақл-идрокини, иродасини жиловлй олмаса. Бола-чақасининг ризқини қийиб, айш-ишрат, ошхўрлик ва бир култур ароқ илинжида ўзларини ҳар куйга солса. Мабодо ўшандай шахслар хотиним бир этак бола билан қаёққа ҳам кетарди, хотин-хотинлигини қилади, десалар, ярим тунда гўдақларининг ширин уйқусидан асабий уйғонишини ўткинчи нарса деб ўйласалар, адашадилар.

Ўз тақдирини бир умр унинг тақдирини билан боғлаган нозикноҳ қалбга сабабсиз сочилган газаблар, ноҳақликлар, ҳақорат ва зулмлар «кўнгилсизлик» уругини сепмай қолмайди албатта. Аёл кўнгли жуذا ҳам нозик, таъсирга берилувчанлигини ҳар бир инсон ҳисобга олиши зарур. Ҳар куни турмуш ўртоғи ишдан қайтгач, кулиб боқадиган кўзларни хомуш, ял-ял ёнган яноқларни синиқ, илиқ табассум инъом этувчи лабларни табассумсиз ҳис этиб кўрин-а! На қадар даҳшат!

Йиллар ўтар, «ёшлик» қилиб таъзирини еган ота ҳам тавбасига таянар. Аммо фарзандлар-чи? Уларнинг қалбида оиладаги нотинчлик, ота-оналар ўртасидаги кўнгилсиз муносабатлар қолдирган «ҳосила» қандай бўлади? Шундай мухитда ўсган фарзанд албатта тошбағир, гап уқмас, ичкиликка, кўполликка, лоқайдликка, шафқатсизликка мўйил бўлиб улғаяди.

Шу нарса аниқки, виждон қийноғи, азоби, ҳамма ҳукмлардан кўра олийроқдир. Лекин орамиздаги айрим шахсларнинг шу ҳукмга маҳқум бўлишини кутиб ўтириш ҳар жиҳатдан жамият учун зарарли. Бунинг учун вақт кутиб ўтирмасдан ўртоқлик судларининг ролини ошириш керак. Келажакимиз эгалари бўлган ўғил-қизларимиз таълим-тарбиясидаги нуқсонларнинг олдини олиш зарур. «Бола бошдан» деганларидек, унинг кўнглига ёшлигиданоқ яхшилик, инсонийлик, поклик уругини экиш керак. Оила жавобгарлиги, оталик ҳисси туйғуларини оила аъзоларида шахсий намуна билан тарбиялаб борадиган одатланиш яхши самара беради.

Доно халқимиз: «Арпа эксанг, арпа оласан, бурдой эксанг, бурдой оласан», деганда турмушдаги оилавий муносабатларни инobat-га олмаганмикан?

«Известия» газетасининг ўтган йили 114-сонда эълон қилинган «Мўъжазавий хотира» сарлавхали мақолада бухарестлик инженер Мирче Стоенескунинг ажойиб хотирага эга эканлиги, унинг бир эшитганда 250 тадан 300 тагача сўзни эслаб қолиб, қайтадан айтиб бера олиши ҳақида хикоя қилинган эди.

Ростов университетининг студенти Арам Гукасян газетига ёнган хатига ўзи ўқётган университетини юридик факультетда татлим олаётган Самвел Гарибяннинг хотираси бундан ҳам кучли эканлигини хабар қилади.

Шундан сўнг «Известия» муҳбири Г. Губанов Самвел Гарибян билан учрашиб, газетая у ҳақда мақола ёзди. Куйида маъжур мақолани эътиборингизга ҳавола қилаемиз.

Ростов шахрида Самвел Гарибяни эслаб топиш қийин бўлмади. У Тбилиси шахридан уч юз километр наридаги район маркази — Ахалкалада туғилган. Ҳозир эса юридик факультетнинг бешинчи курсида ўқимокда.

— Хотирамнинг бундай хусусияти қачон маълум бўлди, дейсизми? — дея савол оҳангига тапирарди Самвел. — Яқинда, бир ярим йилча бўлди. Ойимнинг айтишича, менинг бобом куннинг ва туннинг исталган вақтида Владимир Ильич Лениннинг Тўла асарлари тўпламига киритилган ҳар қандай мақоланинг номини айта билган. Эҳтимол, бу хусусият менга бобомдан ўтгандир.

— Бухарестлик инженернинг хотира қобилияти хусусида нима дея оласиз?

— Афтидан, бизлар «ҳамкасб»га ўхшаймиз. Масалан, предметларнинг, аниқ нарсаларнинг номларини ифодаловчи сўзлар хотирамда тез қолади. Хусусан, стол, коньяк, от каби атамлар. Субстанция, политекономия, идеализм сингари мураккаброк атамаларни эслаб қолиш эса бироз кийинрок.

— Сиз қандайдир, масалан, рўзгорга оид нарсаларни қайд этиб борасизми?

— Телефон номерлари, адресларга ўхшаш кундалик эҳтиёж



Самвелнинг розилигини олгач, у билан 2-область касалхонасининг бош врач В. Ануфриенко хузурига бордик. Терапевт-психиатр, медицина фанлари катедрати Е. Цуканова бизнинг иштирокимизда Гарибян билан суҳбатлашди. В. Ануфриенко икки-уч секунд пауза қилиб, 102 тагача сўзни ўқиди. Самвел эса кўзини қўли билан бекитиб, ҳалиги сўз-

ХОТИРАСИ МУСТАҲҚАМ КИШИЛАР

учун керакли атамаларни хотирамда яхши эслаб қоламан. Агар менга юзта бир-бирига боғланмаган сўзларни айтиб ёдирса, шу сўзларни олти ойдан кейин ҳам худди шу тартибда ёдан айта оламан. Бир йилдан кейин эса, ҳар бешинчи сўзда адашишим мумкин.

— Шунча кўп сўзни эслаб қолиш қийин эмасми?

— Ҳар бир сўзга қилишга интилайман. Хотирамнинг ўзи бунга табиий равишда бажаради. Ҳа, дарвоқе, ўзимга ёққан нарсаларни яхшироқ эслаб қоламан. Хотирамнинг кучи албатта, ўқишда ҳам қўл келаяпти. Келгусида — ишда керак бўладиганларини, масалан, Жиноят кодекси қондаларини мияга жойлаб бораймман.

— Геометрик образларни-чи? Уларни ҳам эслаб қолаоласизми?

— Бу борада атайин машқ қилганим йўқ. Агар 50—60 та фигурани чизиб кўрсатсангиз, унга бир кўз югуртириб, бир-икки минутдан сўнг номларини кўрсатилган тартибда айтиб бера оламан.

ларни эшитди. Кейин эса уларни адашмасдан айтиб берди.

— Хотира инсон психик фаолиятининг энг мураккаб функцияларидан биридир, — деди Е. Цуканова. — Психологлар унга нерв системасининг тажрибасини ифодаловчи хусусиятдир, деб қарайдилар.

Маълумки, ҳар уч кишидан бирининг кўриш ва эшитиш хотираси яхши тараққий этган бўлади. Бу эса уларнинг баъзиларига муайян фаолият билан шугулланиш имконини беради, айримларда табиий маълумотлар кўп тўпланади. Одатдаги одамлар эса 4—5 марта қайтарилганда 10—15 сўзни (бу ҳам ҳамма вақт эмас) эслаб қолиб ёдан айта олади. Демак, Гарибяннинг хотираси қанчалик кучли эканини кўриб турибиз.

Олимлар Самвелнинг розилигига билан унинг қудратли хотирасининг «механизмларини» ўрганишга ҳаракат қилмоқдалар. Бундай хотира эса табиатнинг унга ато қилган ўзига хос тухфасидир.

ҚАРШИ ЧЎЛИ МУАММОЛАРИ

Машинада кенг асфальт йўл бўйлаб Ульянов райони томон бораяпмиз. Рўпарадан пахта ортилган улкан машиналар кетма-кет келарди.

— Бу пахталарни қаерга олиб боришарди? — дея қизиқиб сўрадик ёнимиздаги шофёр ҳамроҳимиздан.

— Шахрисабз пахта заводига бўлса керак.

— Ульянов районининг ўзида пахта заводи йўқми?

— Завод-ку бор-а, аҳтимол, қуввати етишмас. Тағин, ким билади дейсиз.

Йўл-йўлакай туғилган бу саволга районга етиб боргач жавоб топармиз, деган фикр кўнглимиздан кечди.

Район партия комитетининг биринчи секретари Фармон Омоновнинг кабинетидан районининг ишлаб чиқариш шароитлари ҳақида қисқача суҳбатлашдик.

— Район Қарши чўлини ўзлаштириш имконияти ҳисобига 1970 йилнинг октябры ойда ташкил этилган, — дея вазмин гап бошлади секретарь. — Пахтачилик — ишлаб чиқаришнинг етакчи тармоғи. Масалан, 1984 йилда 19 минг 280 гектар ерга пахта экилди. Унинг асосий қисми ипак пахта эди. Лекин ўтган ёзнинг ҳаддан ташқари иссиқ келиши, бунинг устига икки ой давомда узлуксиз ҳуруж қилган гармсел гўза шоналарининг бир қисмини тўкиб кетди. Оқибатда ҳосилнинг чўғи биз кутанча бўлмади. Районда пахта тайёрлаш йиллик плани бажарилмади, давлатдан қарздор бўлиб қолдик... Ишлаб чиқаришда чорвачилик, пиллачилик, дончилик, мева ва сабзавот ҳам маълум салмоққа эга. Ун биринчи беш йилликнинг якуловчи йили — 1985 йилда ишлаб чиқаришнинг барча соҳаларида бурилиш ясаш ҳаракатидамиз. Худди шу ниятда кузги-қишқи тадбирларни ушшоқлик билан ўтказдик, ҳар бир хўжаликнинг имкониятларини қайта-қайта чамалаб, аниқ режалар белгиладик.

— Қабул пунктларингиздаги пахта анча узоққа — Шахрисабз заводига ташилаётган экан. Сизлардаги пахта заводининг имконияти чекланганми?

— Афеус, шундай бўлаётир. Ёмонлаш эмас-ку-я, олдинги раҳбарлар ишга бир томонлама қарашган, — деди койиниш оҳангига Фармон Омонович. — Ҳар бир иш ўз вақтида пухта режалаштирилиб амалга оширилмаган. Мана, пахта заводини олинг. Район ипак пахта етиштиришга ихтисослаштирилди, деган фикр билан завод цехлари фақат ингичка толали пахтани ишлашга мослаб қурилган. Ваҳоланки, хўжаликларда 10 минг гектардан ортиқроқ майдонга ўрта толали, яъни оқ пахта экиллапти. Мазкур майдондан олинган ҳосилни қайта ишлайдиган цех йўқлигидан уни пахта тозалаш сананои ҳодимлари биздан қарийб 150 километр узоққа — Шахрисабз пахта заводига ташишмоқдалар. Бу эса ортиқча харажат, оврагарчилик. Бошда заводда ўрта толали пахтани тозалайдиган битта цех қурилганда олам гулистон эди. Биз пахта тозалаш сананои трестидан шундай цехни қуриб беришни талаб қилдик. Бу иш ўтган мавсумда кеч бошланиб, нихоясига етмай қолди. Лекин бу йилги мавсумда, албатта, цех ишга тушади.

Райондаги илғор хўжаликлардан бири — «III Интернационал» совхозида бўлиб, унинг раҳбарлари ва мутахассислари билан қилган суҳбатимизда ҳам Қарши чўлини ўзлаштириш билан боғлиқ бўлган муаммолар ҳақида гап борди.

Суҳбат мазмунини изоҳлашдан олдин хўжалик ҳақида қисқача ахборот беришни жоиз деб биламиз. Совхоз иқтисодий жиҳатдан бақувват: 2 минг 500 гектар майдонда пахта экилади. Бу ерда қишлоқ хўжалигининг чорвачилик, пиллачилик сингари тармоқлари ҳам катта салмоққа эга. Хўжаликнинг йиллик даромади қарийб 12 миллион сўмини ташкил этади.

Шу ўринда оддий муқоасага эътибор беринг. Хўжаликнинг бир ишловчиси 1969 йилда ойига ўртача 49 сўмдан иш ҳақи олган бўлса, бу микдор 1983 йил якунига келиб 204 сўми ташкил этган. Совхозда ишчилар учун шинам дала шийпонидан тортиб барча қудайликларга эга бўлган мухташам Маданият саройигача мавжуд. Хўжаликка Улуг Ватан уруши ветерани, аниқроғи, Белоруссиядаги партизанлар ҳаракатининг фаол иштирокчиси, омилкор коммунист Қаҳқор Турсунов ўн беш йилдан бери раҳбарлик қилмоқда.

— Бундай ҳисоблаб кўрсак, — деди Қаҳқор Турсунов Қарши чўлининг ўзлаштирилиши хуеусида гапираркан, — чўл кўйида

Муҳокама, мулоҳаза, мунозара

ватанпарварлик ҳаракати бошланганига мана 23 йил бўлапти. Шу муддат ичиде 200 минг гектардан ортиқроқ ер ўзлаштирилибди. Партия ва ҳукуматимиз чўлқуварларга ҳамма шарт-шароитларни яратиш учун маблағни ҳам, техникани ҳам, қурилиш материалларини ҳам аямалдилар. Қарши чўлини ўзлаштириш бошқармасига уюшган мутахассислар, инженер-техник ҳодимлар чинакам фидойиллик кўрсатдилар ва кўрсатмоқдалар. Улар ҳақида дostonлар битса арзийди. Лекин, очғини айтганда, область партия комитетининг баъзи собиқ раҳбарлари чўлини ишчи кучи — одамлар билан таъминлаш, улар учун уй-жой шароитлари яратиш ҳақида етарли гамхўрлик қилмадилар. Чўлқуварлар учун уй-жой эмас, кўпроқ айш-ишрат қилишга мўлжалланган махус чорбоғлар, мухташам ҳаловатхоналар қуришга эътибор бердилар. Масалан, собиқ Толлимаржон районида ташкил этилган совхозларга аҳоли зич жойлашган бошқа районлардан кўчиб келган кишилар ялланг далада, чайдаларда истиқомат қилишди. Уй-жой шароити ҳақида гамхўрлик бўлмагач, улар яна қайтиб кўчиб кетишга мажбур бўдилар.

— Қаҳқор ака, сизларда ишчи кучи етарлими? — директорни савол билан яна гапга тортидик.

— Бу саволингиз билан менинг эски дардимни қўзғадингиз, ука, — дея қандайдир ички куйиниш хиссиёти билан гапга тушиб кетди директор. — Чўлни ўзлаштиришда унга туташ бўлган эски хўжаликлардаги мавжуд одам кучидан фойдаланишда ҳам тўғри иш тутилмади-да. Мана, бизнинг «III Интернационал» совхозини олинг. Хўжалигимиз 1974 йилгача қолжоз эди. Уша йили совхозга айлантирилди. Ҳозир хўжалигимизда 1200 хонадон яшайди. Ишчи кучи кўп. Шунга қарамасдан олдинги раҳбарлар 5000 гектар кўрик еримизни янги ташкил этилган Автономов номи совхозга зўрма-зўраки олиб беришди. Бу ер ўзимизга керак, уни ўзлаштириш учун кучимиз ҳам, техникамиз етади, деб ўша вақтда область партия комитетида муурожаат қилдик. Афеус, илтимосимиз инобатга олинмади. Ваҳоланки, хўжалигимизнинг куч-қуввати ҳозиргидек 2500 гектар ерда эмас, балки 5000 гектар ерда пахта етиштиришга бемалол етади. Қўшимча еримиз эса йўқ. Қўшни Автономов номи совхозга эса ўша вақтда Янкабоғ районидан кишилар кўчириб келинган эди. Баъзи раҳбарлар бизнинг еримизга кўз тикмасдан, кўчма хўжаликлари сал нарироқда — чўлининг ичкарироғида жойлаштирсалар айни муддао бўларди-я... Қарши чўлига туташ бизниқига ўхшаган эски хўжаликлардаги потенциал кучлардан фойдаланишда ҳам тўғри йўл тутилмаганига ачинасан киши. Хуллас, баъзи эски раҳбарлардан янгиларига оғир «мерос» қолди-да...

Ульянов районида бўлиб ўтган ана шу суҳбатлардан кейин Қарши чўлидаги хўжаликларда бир неча йил аввал кўрган-кечирганларимиз қайтадан хаёлимизда жонланди.

...1981 йилнинг айни ёзи эди. Собиқ Толлимаржон районидаги янги «Коммунист» совхозида Убекистон Компартисии Марказий Комитетининг аъзоси Адолат Носирова бошлиқ бригада пахтазорларини кўздан кечирдик. Кенг пайкал четидеги қамиш чайлада уч-тўрт киши нонушта қилиб ўтирарди. Тўрда ўтириб суви қочган нонни ушатаётган отахон ўзини чирокчилик «Очилбобо» деб, ёнидаги ёш йигитларнинг бирини жияним, иккинчиси эса неварам, деб таништирди. У чўлга Чироқчи районининг Охунбобоев номи қолхозидан — ўзи сал олдинроқ, харбий хизматдан қайтган ёш жигарлари эса кейинроқ, бобосининг даввати билан келганини айтди.

— Ҳозирча, қийинчилик бўлса ҳам чайлада яшаб, пахта етиштиряпмиз. Ахир, яхши уй-жойлар ҳам қурилиб қолар, — деб ўзига-ўзи тасалли берганда ўшанда Очилбобо.

Кейинги марта борганимизда Очилбобони ҳам, унинг жиянларини ҳам учратолмадик. Шамолда хасларга тўзғиб кетган чайланинг сўнпайган ҳодалари турарди.

Бригада бошлиғи Адолат Носировадан: «Уша чирокчилик қадрдонларингиз қани?» деб сўрадик.

— Уй-жой бўлмагач, юртларига қайтиб кетишди, — деди у, нумаданга хижолат тортгандек оҳиста. — Очилбобо дехқончиликнинг сирини биладилардан эди-да. Ёнидаги ёш жиянларининг ғайратини айтмайсизми... Бизга эса энди қийин бўлиб қолди. Совхоз раҳбарлари бўлса ўзларини ўйлайди, — дея гапига ачиниб илова қилди Адолат.

Ўтган йил кузида Ташкентда Адолат Носировани учратиб қолдик. Илгарироқ бошқарладан унинг олдинги жойига — Чўли Бегимкулов номи совхозга қайтиб келиб, бригадирлик қилаётганини эшитгандик. Шунинг учун Адолатнинг эски дардини янгилашга истихоло қилдик. Бироқ унинг ўзи гап очиб қолди:

— Янги, «Коммунист» совхозида ишларини унча юришмади. Хабарингиз бор, четдан кўчиб борган кишилар ҳадеганда уй-жой қурилавермагач, эски жойларига кўчиб кетишди. Ҳозир олдинги жойимда — Чўли

Бегимкулов номили совхозда ишлабман. Чўлга одам керак, одам!... Акс ҳолда...

Адолат яна нималардир демокчи бўлиб оғиз жуфтлади, лекин қандайдир истиҳола билан ўзини гапдан тийди.

Ҳа, бу қиз партия ва ҳукуматимизнинг Қарши чўлини ўзлаштириш ҳақидаги қақирғига жавобан узоқ Сурхон соҳилидан отилиб чиқиб, Қарши чўлига келди. Чўлда ташкил топган тўнғич хўжаликлардан бўлган Чўли Бегимкулов номили совхозда дастлаб ҳисобчи, кейин бир неча йил пахтачилик бригадири бўлиб ишлади. Олий маълумотли иқтисодчи-агроном сифатида ҳосилдорликни кескин кўтарди. Совхозда кўп ва арзон пахта етиштириш учун бошланган ватанпарварлик ҳаракатининг ташаббускорларидан бири бўлиб эл ўртасида танилди. Шу эътиборнинг рамзи ўлароқ Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг аъзо-си қилиб сайланди. Сўнгра бригадасини шогирдларидан биринга қолдириб, ўзи собиқ Толлимаржон районда ташкил топган янги «Коммунист» совхозига катта ният билан қанот кокиб борди... Ҳукуматимизнинг қатор орденлари билан мукофотланди.

Биз сал кейинроқ боғдорчиликка ихтисослаштирилаётган «Ширинобод» совхозига бўлганимизда эса, яна бир таажжубли ҳолга дуч келдик. Хўжаликда уруғ етиштириш планига кўра анча жойга тарвуз экилган.

Совхознинг бир гуруҳ ишчилари машинада тилими тилини ёрадиган ширин тарвузларни олиб бориб, ўткир тигли кесув ускунасидан ўтказмоқда эди. Тарвузнинг уруғи сим тўрда қолиб, кип-қизил шарбати нишабликдаги чуқурликка оқиб, ерга — тупроққа сингиб борарди.

Биз таажжубдан ўзимизни тутиб туролмадик:

— Бу, исрофгарчилик-ку, ахир тарвуз шарбатидан ширин, шифобахш неъмат борми?!

— Давлатга тарвуз уруғи топширишимиз керак, этини эса саришта қиладиган жой йўқ. Облаstdаги консерва заводларида бунга мосланган цех ҳам йўқ экан, — дея ўзича изоҳ берди ўша ерда ҳозир турган хўжаликнинг мутасадди кишиларидан бири.

— Қанча уруғ олмақчисилар?

— Бир тонна тарвуздан ўрта ҳисобда уч-уч ярим кило уруғ чиқади, — бамайлихотир жавоб қилди ҳалиги киши.

— Уч килограмм уруғ деб бир тонна ширин шарбатни ерга оқизаямиз дег.

— Наилож, мажбуримиз. Зиммамизда план бор...

— Нима планларингизда аҳолининг эҳтиёжи ҳисобга олинмаганми?

— Нима қилайлик, планни бажар деб, қисташади-да...

Бу «муаммо»ни ҳазм қилолмай В. И. Ле-

нин номидаги Бутуниттифок Кишлоқ хўжалик фанлари академиясининг Урта Осиё бўлимига қарашли, Қамашчи райондаги Карл Маркс номили илгор уруғчилик совхозининг директори Рашид Норбўтаев билан яқинда учрашиб қолганимизда шу ҳақда гап очдик.

— Афсус, ҳануз бизда ҳам, «Ширинобод» совхозига ҳам, областдаги бизникига ўхшаш бошқа хўжаликларда ҳам «уруғ етиштирмамиз» деб, минг-минг тонналаб тарвуз шарбати нобуд бўлаяпти, — деди у афсус билан. — Совхозимизда тарвуз шарбатини консерва қиладиган бирорта цех курайлик, деган илтимос билан биз Мева ва сабзавот хўжалиги министрлигига шахсан икки-уч марта мурожаат қилдик. Лекин натижа бўлмади. Мана, кейинги 1984 йилги мавсумда ҳам хўжалигимизда етиштирилган 1400 тонна ширин лалми тарвузнинг шарбати шу тарика нобуд бўлди. Тарвуз шарбатидан ўз кучимиз билан бироз киём ҳам тайёрлаб қўрдик. Лекин ускуна, идиш йўқлигидан бу ишни урдалаш қийин бўлди. Ахир, республика Мева ва сабзавот хўжалиги ҳамда Тайёрлов министрликлари, уларнинг жойлардаги идораларининг кўп сонли ходимлари, мутахассислари, аллақачонлар етилган ана шундай масалалар устида бош қотирсалар бўлмасмикан?..

Дарҳақиқат, совхоз директорининг гапида катта ҳақиқат бор. Партия ва ҳукуматимиз диёримиздаги дашту чўллارни ўзлаштиришга халқимизни даъват этар экан, уни комплекс, яъни кўп тарафлама ўзлаштиришга эътиборимизни тортмоқда. Демак, минглаб гектарлаб зар тупроқли янги ерларимизда етиштирилаётган мева, сабзавот, турли хил полиз маҳсулотларини аҳолига тўла-тўқис етказиб бериш ҳозир номлари тилга олинган министрликларнинг вазифаси-ку!

«Хар бир республика ва областда, хар бир районда белгиланган тадбирларни, — деб таъкидлади КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўртоқ К. У. Черненко партия-миз Марказий Комитетининг Октябрь пленумида сўзлаган нутқида, — рўёбга чиқаришнинг маҳаллий ишлаб чиқариш ва табиий иқлим шароитларини эътиборга олиб, аниқ планини белгилаш ва амалга ошириш керак». Партияимизнинг ҳаққоний бу кўрсатмаси барча партия ва совет ташкилотлари ҳамда кишлоқ хўжалик идоралари ходимлари учун дастуриламал бўлмоғи лозим.

Яна Қарши чўлини ишчи кучи — одамлар билан таъминлаш масаласига келсак, бу жиҳатдан республика партия ва ҳукуматининг Қашқадарё, Сирдарё ва Жиззах областларини ишчи кучи билан таъминлаш ҳақидаги қарори айни муддао бўлди. Бу, ўз вақтидаги умумхалқ аҳамиятига эга бўлган муҳим амалий тадбирдир. Чўллардаги хўжаликларни одам кучи билан таъминлаш масаласида Фарғона областининг Сирдарё областини, Андижон областининг Жиззах областини ва Наманган областининг Қашқадарё областини оталиққа олиши кўпнинг кўпдан ўйлаган истаги эди. Бу олижаноб ташаббус бизда энди республикамиз чўллари бирварақайига гуллабди, деган фахрланиш туйғусини туғдириш билан бирга, яқин йиллар ичида ўқувчи-студентларнинг ўқиши, шаҳарлик ишчи-хизматчиларнинг иши ҳам бир маромада йўлга қўйилди, деган ишончни туғдиради. Биз ҳали тилга олган Қарши чўли муаммоларини ҳал этиш ҳам энди осон кўчади, албатта.

Демак, мазкур областлардан чўлларга кишиларни кўчириш ва уларни янги хўжаликларнинг жонкуар ва муқим ағаларига айналтириш ташвиши билан болғиқ бўлган муаммоларни ҳал этишга маҳаллий партия ва Совет ташкилотлари ушқоқлик билан ёндошишлари лозим.



Республикамиз меҳнаткашлари шу йил 24 февраль куни Ўзбекистон ССР Олий Совети ва маҳаллий Советларга сайловларни юксак сийсий активлик ва меҳнат гайрати вазиятида, социалистик демократияни янада ривожлантириш шариоитида, партияимизнинг XXVI съезди, КПСС Марказий Комитетининг кейинги Пленумларининг қарорларини, ўртоқ К. У. Черненконинг йўл-йўриқлари ва тавсияларини муваффақиятли равишда амалга ошириш, КПССнинг XXVII съездини ва Буюк Ғалабанинг 40 йиллигини муносиб кутиб олиш учун кураш муҳитида яқдиллик билан ўтказдилар.

Суратда: республикамиз пойтахтидаги Ленин район Совети депутати, ишчи Омонулла Нуруллаев (чапдан учинчи) Тошкент шаҳар 110-мактаб ўқитувчилари Лидия Сильченко, Замира Алимова ва Нина Маркеева билан ўзаро суҳбатда.

В. Мосин фотоси.

Шумурод СИДДИҚОВ

«Гулистон» журналининг махсус мухбири



ХАЁТНИ УМРГА ЭТИБ ҚИЕС...

Хаётни умрга этиб мен қиес, Сизга соддагина бир сир айтаман. Дунёда умрнинг маъноси нима? Бунинг жавобини топдим сиздан ман.

Яшашнинг маъноси сизда намойён, Умр эмас, дейсиз фақат яшамоқ. Одам бўлмоқлик бу — киши ўзига Тирликлик чоғида ҳайқал ясамоқ.

Ҳар кимса ўз умри, бахти, тақдирин Ҳаётга ўйлайди-ю, ўзи яратар. Ҳаёт тўлқинида жўш урган киши Халқ меҳрин ўзига тортар, қаратар.

Бу азият умрнинг қадрига етмоқ Ҳаргиз, яратмоқ ва кунт демакдир. Одаминг бўлишининг бир маъноси шу: Ҳалол меҳнат қилиб, ҳалол емакдир.

Бу улуг даврнинг тилсимотини Яратган ижодкор, яратувчимиз. Бир сиким тупроқдан бир атак олтин Ундириб олувчи «кимёгар» биз, сиз.

Бу улуг замонга умримиз пайванд, Унинг нафасидан топдик эътибор. Ундаги ўтажак ҳар лаҳза, онда, Яна зўр бахтимиз, шуҳратимиз бор.

Бу кунлар биз учун шундай мўътабар, Бу маъно менга ҳам, сизга ҳам аён. Умрлар соядай из солмай ўтса, Сизга ҳам, элга ҳам, юртга ҳам зиён,

Ҳа, шундай, азизим, укам, фарзандим, Қадрига етайлик ҳар бир айёмнинг. Биз дохий Лениннинг авлодларимиз, Оқлаб яшамоқ шарт бу улуг номни.

ОНАМГА

Мен тугилиб эсим киргандан буён Кечирдим икки зўр мотам, аламин. Бирини ёш эдим — отам ўлган он, Жуда оғир тортдим бу галги гамни.

Эй, меҳрибон она! Сиз орамизда — Йўқсиз демокликка бормайди ҳеч тил. Урнингиз тўрибди оиламизда, Сизнинг зиёратга отилмоқда дил.

Эй, меҳрибон она! Бутун оила Тополмадик сизни таърифлашга сўз. Қанча мактасак ҳам, гапирсак ҳам кам, Расмингизга қараб тўймайди бу кўз.

Эй, меҳрибон она! Сиз бетоб бўлганда, Дардингиз баробар тортган эдим мен. Умримни бермоққа рози эдим мен, Лек умр беролмай ўзни едим мен.

Меҳрибон эй она! Сизни йўқотиб, Дафн этдик гўё юрак кўрига. Йўқ, сиз тирикдайсиз, куёшдек балкиб, Чикиб бормоқдасиз уйнинг тўрига.



КҮНГЛИНГИЗ ТҮК БҮЛСИН...

Абдуразақ тоғ қишлоқларининг бирда ўсиб-улгайди. Серикор Лангар тоғи этаклариди айловларда мол боқиб юрар экан, тоғда қазилма ишларини олиб бораётган геологларга хавас қиларди. Айниқса тоғ порглатувчиларининг меҳнати унга гаройиб туюларди. Тор, илон изи йўллардан ўрма-лаб бораётган юк машиналарини кўрганда эса, бу ерда ишлайдиган хайдовчиларнинг чақдаслигига, жасурлигига қойил қоларди.

Бу туйғу уин Лангар Кон бошқармасига етаклади. Рахбарлар бошқарманинг фабрикаларидан бирда слесарь бўлиб ишларини тақлиф қилишди. Чунки у мактабда шу касб бўйича ҳам маълумот олган эди. Тез орада фабрикадаги технологик жараёнларни пухта ўрганди. Оралдан кўн ўтмай, уин слесарлар бригадасига бошқиб этиб тайинландилар. Кунларнинг бирда бригадир Абдуразақ Мухаммадиев фабрика директори ҳузурига кириб, хайдовчилар курсида ўқиб нияти борагини айтди. Директор йигитнинг раъйини қайтармади. Лекин ўз вақтида тадбиркор кадрин кўлдан чиқаргиси ҳам келмасди.

— Майли, ука, курсни битиргач, яна ўзимизга қайтарсан, автотранспорт цехи хайдовчиларга муҳтож, — деди директор синовчан назар билан. Абдуразақ жилмайди. Унинг чехрасидан: «Кўнглингиз тўк бўлсин...» деган маънони уқиб олиш мумкин эди. Курсни тугаллаб қайтгач, автотранспорт цехи бошлиғи унга кабинаси йўқ, мотори очиб ташланган машинани рўйнара қилди. Афтидан, кимдир бу машинани тузатишга роса уринган, лекин эшлай олмай ташлаб кетган эди. Унга анча вақтдан буён кўл урилмаганилиги сезилиб

турарди. Машинага юргани ачишди. Уша кунёқ ишга киришди. Меҳнат, машаққатга тўла кунлар ўтди. Ниҳоят, синов муваффақиятли ўтди. Бирор ҳафтадан кейин у машинани цех ҳовлисига хайдаб чиқди. Энди унга фабрика учун қазилма ишлари олиб борилаётган участкадан юк ташиб келтириш тоширилди. Дастлабки кунларда анча қийин бўлди. Зеро, хатарли тоғ йўллариди машина рулини бошқариш тажрибали хайдовчилардан ҳам доимий хушбўйлик талаб қиларди. У ўз касбига қаттиқ боғланиб қолди. Ихтиёридаги техникани эҳтиётлаш, белгиланган топшириқни муддатда, бехато адо этиш унинг одатига айланди.

— Ҳозирги ҳамкасбларимизга Лангардан Оқтошга «УралЗИС»да юк ташиганмиз, десам, ажабланишарди. Аммо шундай қилиш керак эди. Ҳозир шароит анча яхши: йўллар асфальтланган, — дейди у. — Ихтиёридаги «КраЗ» билан пландаги 16 тонна ўрнига 28—30 тонна юк ташиялман.

Иш куралиниг саз бўлса, машаққатинг оз бўлади, дейди халқимиз. А. Мухаммадиев ўзига ишониб топширилган техниканинг ҳаммиша кам-кўтсиз, тўла қувват билан ишларини таъминлаб, беш йиллик планини уч йилда адо этди. Шу кеча-кундузда у 1987 йил хисобига юк ташимокда.

Абдуразақ ака меҳнат фаолияти давомида кўнлаб шогирдлар тайёрлади. Ун иккиччи беш йиллик хисобига меҳнат қилаётган Иброҳим Холбоев, Фахриддин Хусанов ва Холбой Гадоевлар Абдуразақ акани гамхўр ва меҳрибон мурабий сифатида жуда хурмат қиладилар. Шуниси қувонарлики, улар айна пайтда устозлари билан бир сафда меҳнат қилмоқдалар. Қали ҳам шогирдлар иш жараёнида бирон-бир муаммога дуч келишса, унга маслаҳат солишарди.

Тадбиркор шофёр бошқарётган «КраЗ» автомашинаси ҳамон ян-ялғайди. Бу машина техник хисоб-китобларга кўра, 200 минг километр йўл босгач, капитал ремонтга топширилиши керак эди. Бирок унинг тадбиркорлиги, давлат мулкани кўз-қорачуқидай асраб-авайлаш, вақ-

тариди. Машинага юргани ачишди. Уша кунёқ ишга киришди. Меҳнат, машаққатга тўла кунлар ўтди. Ниҳоят, синов муваффақиятли ўтди. Бирор ҳафтадан кейин у машинани цех ҳовлисига хайдаб чиқди. Энди унга фабрика учун қазилма ишлари олиб борилаётган участкадан юк ташиб келтириш тоширилди. Дастлабки кунларда анча қийин бўлди. Зеро, хатарли тоғ йўллариди машина рулини бошқариш тажрибали хайдовчилардан ҳам доимий хушбўйлик талаб қиларди. У ўз касбига қаттиқ боғланиб қолди. Ихтиёридаги техникани эҳтиётлаш, белгиланган топшириқни муддатда, бехато адо этиш унинг одатига айланди.

Абдуразақ акани актив жамоат ташкилоти сифатида ҳам кўпчилик хурмат қилади. Ун икки йилдирки, район партия комитетининг аъзоси. Хатирчи район партия конференциясида сўзга чиқиб, ўзи меҳнат қилаётган корхона фаолиятидаги ютуқ ва камчиликлар ҳақида очик гапирди. Лангар кон бошқармасидаги ишлаб чиқариш воситаларининг анча эскириб қолганини, умуман, корхона айна пайтда қайта таъмир қилиниши лозимлигини айтди. Кўтарилган бу масала атрофича ўрганилди. Ҳозир бу муаммонинг барфарф этиш чоғида-тадбирлари белгиланаётди.

Партия ва ҳукуматимиз коммунист А. Мухаммадиевнинг меҳнатдаги жасоратини муносиб тақдирлади. У «Меҳнат шуҳрати» ордени билан мукофотланди. Тўқкисанчи, ўзини беш йиллик голиби ишонларни, СССР Қурилиш материаллари саноати министрлигининг фахрий ёрликлари билан тақдирланди.

Лангар посёлкасида бўладиган тўй-маъракалар Абдуразақ акасиз ўтмайди. Чунки у ишлаб чиқаришдагина эмас, балки кунлик турмушда ҳам ҳамюртларининг гамхўри, маслаҳатгўйи, ёшларининг мурабийи-си, оқил онла бошлиғи ҳамдир. Етти фарзанди бор. Катта ўғли Абдурахмон, қизи Махбуба олий ўқув юртида тахсил олишмоқда. Кичик фарзандлари мактабда, болалар боғчасида тарбияланишмоқда.

...Абдуразақ Мухаммадиев измидики кўдратли «КраЗ» автомашинаси Лангар тоғ йўлида гуриллаб борапти. Автомашина гўё уфқ сари ўрлайди. Энди бу йўллар уни чўчқитмайди. У гоҳо кабинадан бош чиқариб, ялониан йўлдан изма-из келаётган ҳамкасбларини кузатади. Улар учун ташвишланади. Буни сезиб ҳамкасб шогирдлари ҳам сигнал беришарди. Бу билан улар: «Кўнглингиз тўк бўлсин, устоз», дегандай бўладилар.

Ризо ХУДОЙҚУЛОВ
Навоий области



Жанубий Сахалин атрофидаги сувларда майда селъ баликларини ошлаб юрган «Сурек» музхонали кичик кема баликчилари наватбадга ордан қайтиб, тўрни куруқликка ағдара бошладилар. Баликларни катта-кичиклигига қараб ажратиш бошланди. Шу пайт денгизчилар баликлар орасида билганглаб ётган... кулранг китни кўриб, хайратга тушдилар. Капитан А. Храмов тўрни қайтадан сувга тушириш ва жонивория кутқаришга буйруқ берди.

Яқинда Жанубий Курил оролларида ҳам худди шу

тахлитдаги воқеа юз берди: баликчилар Екатеринбургга буюзининг квадратларида бирини анчагина денгиз мушукларини кўрдилар. Барча жониворлар курак оёқларини жон-жаҳдлари билан қимирлатиб, тинимсиз тиширилдилар, лекин ўринларидан қимирлай олмас эдилар. «Балки улар тўрға қамалиб қолишгандир», деб тахмин қилди Храмов. Кема ўз йўлини ўзгартириб, жониворларга яқинроқ борди. Моторли қайқачани сувга туширдилар. Кема капитанининг тахмини тўри чиқди. Денгиз мушуклари тўрдан кутқариб юборилди.

АФРОСИЁБ МУЗЕЙИ

Самарқанд шаҳрига киреверишда кўчанинг икки чети бўлиб ястаниб ётган асрий тепаликларга кўзингиз тушади. Эътибор бериб қарасангиз, уларнинг мураган, кўчиб тушган жойларида сопол идиш ва ганчкорликка оид парчаларни кўришингиз мумкин... Ана шунда беихтиёр хаёлга толасиз. Бир вақтлар шу тепаликлар ўрнида катта, обод шаҳар бўлганлигини хаёлан тасаввур қиласиз.

Ҳа, бугун Афросиёб номи билан кўпнинг эътиборини тортаётган ана шу тепаликлар Самарқанд музейининг сирли бир қисми бўлиб қолди. Тепаликлар қанчалик кўп ўрганилгани сари Самарқанд ҳақидаги тарихий далиллар шунчалик бойимоқда.

Тарихий тепалик бағридаги мухташам бир бинода музей таш-

қил қилинган. Бунда шаҳар ўтмишидан, ҳаётидан, ажодларимиз касб-коридан гувоҳлик берувчи юзлаб ашёвий далиллар мавжуд.

Музей 1970 йилда Ўзбекистон ССР Фанлар академияси Археология институтининг бўлими сифатида таркиб топди. Ҳозир музей Самарқанд Давлат бирлашган тарих ва архитектура ҳамда бадиий музей қўриқонаси ихтиёрига ўтказилди. Музейда Афросиёб шахрининг барпо этилиши — эраимдан олдинги VI асрдан то мўғул истилочилари томонидан вайрон қилинишигача бўлган даврга оид экспонатлар ўрин олган. Музей доимо чет эллик туристлар ва бошқа саёҳатчилар билан гажум. Утган йилнинг ўзига 100 мингдан ортиқ меҳмон бу музей билан танишди.

— Коллективимиз музейни

турли экспонатлар билан бойитиш мақсадида изланмоқда, — дейди музей директори Раҳим Қодиров. — Археология институтининг мутахассислари Афросиёб вайоналаридан топилаётган турли хил буюмларни пешма-пеш таъмирлаб, музейга тақдим этишмоқда.

Маълумки, Афросиёб номи тарихда турлича талқин қилинади. Маҳмуд Қошғари ва Юсуф Хос Ҳожиб берган маълумотларга кўра, Афросиёб туркий халқлар хоқони бўлиб, Алп Эртўнга номи билан машҳур бўлган. Фирдавсийнинг «Шоҳнома» асарига Афросиёб туронлик қаҳрамон ва саркарда сифатида тилга олинди. Баъзи манбаларда эса, Афросиёб қора сув ёнидаги шаҳар маъносини билдиради (форсчада афро — шаҳар, сиёб (сиёҳоб —

қорасув). Уша даврда шаҳарнинг шимолидан Сиёб ариғи ўтган. Шаҳарнинг номи ҳам ана шундан олинган деб тахмин қилинади.

Музейнинг биринчи залида милoddan аввалги VI—V асрларга оид археологик топилдиқлар қўйилган. Экспонатлар орасидаги оддий сопол идишлар, тошдан ясалган турли буюмлар ва қуроллар халқ орасида ҳунармандчилик эндигина шакллана бошлаганигидан далolat беради. Тарихий манбалардан маълумки эраимдан олдинги 329 йилнинг баҳорида Искандар Зулқарнайн (Александр Македонский) шаҳарни забт этиб, вайрон қилди. Унинг моддий, маданий бойликларини бузиб ташлайди, талон-торожни авж олдиради. Ана ўша даврга оид қадимги бактрияликларнинг тангалари, баъзи сопол буюмлар ҳам эътиборга моликдир.

Иккинчи зал шаҳарнинг қалин мудофаа деворлари намуналари билан бошланади. Девор катта-катта хом гиштлардан тикланган бўлиб, ҳар бир гиштга ўзига хос рамзий белги қўйилган.

Маълумки, Самарқандда турли даврда турли хил дин мавжуд бўлган. Музейдаги зардуштийлик динига оид бой материаллар томошбинда катта таассурот қолдиради. Одамлар ўша вақтларда ер, сув, олов ва ҳавони муқаддас деб билганлар. Шу боисдан улар ўлган кишини кўммас, сувга ташламас ва оловда куйдирмас эдилар. Махсус жойларда лаҳмлар барпо этилиб, мурда шу ерга қўйиларди. Бош суякларни эса асувара (кути)ларга солинарди. (Музейда кути қопқонининг катталаштирилган нусхаси сақланмоқда. Асл нусхаси эса Ленинграддаги Эрмитажга қўйилган.)

Улуғ Ватан урушидан кейин Ўзбекистон ССР Фанлар академияси Тарих ва археология институти олимлари украиналик археолог А. И. Тереножкин раҳбарлигида бу ерда кенг қўламли ишларни олиб бордилар. Афросиёбнинг энг пастки қатламларидан милoddan аввалги VI—V асрларга тааллуқли буюмлар, уй-жой харобалари топилди. Зардуштийлик динига мансуб оташдон, яъни сифиданган муқаддас жой ҳам аниқланди. Одамлар бу ерда қурбонлик қилиб, унинг марказидаги махсус жойда олов ёққанлар ва сифинганлар. Оташдоннинг асл нусхаси ҳам музейдан жой олган.

Учинчи залда томошабин милoddan кейинги VII асргача бўлган давр билан танишади.

Араблар фотиҳи Қутайба Самарқандга ёрдамга келаётган Фарғона ва Шош қўшинларини енгач, ноилож қолган суғд хоқими Гурак Қутайба билан сулҳ тузишга мажбур бўлади. Шаҳар ичкарасини арабларга бўшатиб беради. Музейдаги археологик топилмалар истилочиларнинг маданий ёдгорликларга катта зиён етказганлигини кўрсатади.

Ҳақиқатан ҳам V-VI асрларда Самарқандда савдо-сотиқ ва маданият нисбатан тараққий этган. Уша асрларга оид бўлган деворга солинган суратлар бу ерда маданият, рассомлик санъати ҳам ўсганлигидан гувоҳлик беради.

МАКТУБ

Кексалар номидан ёздим бу хатни,
Кампирлар ҳам бордир, чоллар нафақат.
Ўرғулай давлатдан, билар иззатни,
Ойма-ой узмасдан тўлар нафақа.

Бизда ҳам бор эди чақмоқ шиддати,
Меҳнатдан қочмадик, ишладик ҳалол.
Бор экан умринг даври, муддати,
Ушбу кун кўчага чиқмоқ ҳам малол.

Қир ошиб борардик бўлса кўпқари,
Йўл юриб билмасдик чарчаш нелиғари.
Йўқдир қурдошларнинг энди кўплари,
Энди қадамлар ҳам ваэини ва секин.

Танбур, най куйини биз кўраимиз хуш,
Қўмасаркансан ҳазини куйини бу ёшда.
Давроним ҳамманинг бахтин берди қўш,
Қадрини тенг қилди юксак кўёшга.

«Шашмаком» тингласак Алимаҳсумдан,
Е айтса газаллар Орифхон Ҳотам,
Дил қўруғу бўлади сув ичган қумдай,
Мириқар уларни эшитган одам.

Қийин, уйда қолса кишининг ўзи,
Келину ўғиллар кетади ишга.
Ойнав жаҳонни кўрмас қундузи
Виз каби қартайган чоллардан бошқа.

Кинога, концертга хоҳиш-ку йўқроқ,
Уларга боришар тўп бўлиб ёшлар.
Ойнав жаҳонда бизга дурустроқ
Фурсат ажратсангиз, кўрсак ёнбошлаб.

Майли, «Ушшоқ» бўлсин, бўлсин
«Муножот».

Ҳаммаси гўдакдай аллалар бизни.
Ҳаёл ойнамизда яшариб ҳаёт,
Эслаймиз бош ирғаб ёшлигимизни.

Неваралар қайтар маҳали эса
Розимиз, кўрсатинг кино, мультфильм.
Шунгача чолларбоп нарсалар бўлса,
Ютқазмас эдингиз, директор — иним.



Назар ШУКУР

МАНГУЛИК

Тош жангчилар қору ёмғирда
Милтиқларин туришар ушлаб.
Ростлаш учун нафасин бир дам
Ҳайиқмасдан қўнади қушлар.

Қад кўтарган майдонда улар
Мангуликнинг туоб шаққини.
Тинчлик куйи — одамларнинг-у
Автоларнинг сурон, шовқинини.

Гул қўямиз ҳар кун пойига,
Тош жангчилар сукутга толган:
Урушга йўл қўйманг, деб улар,
Ҳайкалларга айланиб қолган.



Уша даврларда қасрларни безаш, деворларга турли нафис суратлар солиш анъанага айланган.

Тўртинчи зал марказий зал ҳисобланади. Маълумки, 1966—1968 йилларда археологлар VII асрда Самарқанд ҳукмдори Ихшид саройининг харобаларини очган эдилар. Археологик қазилар Ихшид саройи деворларида турли тарихий воқеалар тасвирланган суратлар билан танишишга имкон берди. Марказий залда эса сиз ана шундай деворий суратларнинг нуسخаси билан ҳам танишасиз.

Биринчи деворда тўй сафари акс эттирилган. Энг олдинда бўйнига катта кўнгирак тақилган оқ филда келин бормоқда. Маликани отларда уч канизак кузатиб бораётир. Улардан бирининг юган ушлаган чап кўлида сугд тилида «Малика канизаги» деб ёзилган. Сарой вақилларида кейин туяларда икки киши келаяпти. Иккови ҳам қимматбахо тошлар билан жило берилган кийимда, беллари килич ва ханжар тақилган. Улар оқрасида оғзи оқ мато билан боғланган бир бола қушларни кузатиб турибди. Бу манзара ўша даврда хўжайинни ёки муқаддас нарсани хизматкорлар «харом» нафаслари билан бўлмағаслиги учун уларнинг оғзини боғлашдек ярамас одат кенг тарқалганлигидан нишонандир.

Деворнинг марказий қисмида подшо қабулхонасида элчиларни кутиб олиш маросими тасвирланган. Қимматбахо кийимлар кийган элчилар гуруҳларга бўлиниб келмоқдалар. Афсуски, суратда подшо тасвири ўчиб кетган. Фақат сарой аъёнлари, хитой, корейс элчилари турли совға-салом билан ҳукмдор ҳузурига ташриф буюрганлиги ҳолати сақланган.

Урта Осиёда IX аср бошларида ҳокимият сомонийлар кўлига ўтди. Бу даврда Афросиёб шаҳри ҳам тез тараққий қила бошлади. Кулолчилик, металл эритиш, меъморчилик ва савдо-сотик мислсиз даражада ўеди. Музейнинг иккинчи қаватидаги экспонатлар ана шулар ҳақида маълумот беради.

XI асрда эса Самарқанд кўчманчи турклар — қорахонийлар сулоласининг пойтахти эди. Бу даврда шаҳар янада кўркамлашди. Хусусан, работ — шаҳарнинг ташқари қисми кенгайтирилди. Шахристон (шаҳар маркази) территориясида янги-янги хунармандчилик устaxonалари, ҳаммомлар, масжидлар қурилди. Афросиёб кулоллари томонидан ишланган бежирим, нафис сирли идишлар, нақшлар ўзининг тиниқлиги ва мазмундорлиги билан кишининг эътиборини жалб этади. Бу безаклар ўша даврдаёқ бўёқларининг шаклига мослиги, рангларининг ёрқинлиги ва нафислиги билан жаҳонга доврुक таратган.

Хуллас, қадимий ва навкирон шаҳар Самарқанд этагидида Афросиёб музейи ҳамюртларимиз эътиборини ҳам, хоржий саёхатчилар диққатини ҳам тортмоқда. бу ерда бўлган ҳар бир киши хаёлан мוזийга саёхат қилгандек бўлади.

Адхам ҲАЙИТОВ,
Нормухаммад САЙФИДИНОВ



नावويЙ «ВАҚФИЙЯ»СИ

Азиз ҚАЮМОВ,
филология фанлари доктори

Исроил
ШАМСИМУҲАМЕДОВ

Хирот шаҳрининг шимол қисмида Гозургоҳ номли тоғ этагидан Навоийга бир ер берилган эди. Бу ернинг ҳавоси тоза, тоғдан шўх шовқин билан наврўзий суви оқиб тушади. Аммо бу гўзал табиат бағрида Марғоний кушқи деб аталган гоёт бир хароб эски иморат бор эди. У ерда фақат кўршапалаклар яшардилар, деворлари нураб кетган эди. Бу иморатнинг бузуқлиги бебахт ошиқларнинг кўнгли каби эди, деб ёзади шоир.

Навоий ўша иморатни бутунлай буздириб ташлади. Унинг ўрнига шинам ва кўркам бир мадраса қурдирди. Бу илм даргоҳида ўқийдиган толиби илмлар ва дарс берувчи мударрислар учун уйлар, улар учун зарур бошқа жойлар бунёд этди. Йўллар солдирди. Дарахтлар ва гуллар эрдирди. Энди бу жойда Ҳиротнинг гўзал ва кўркам бир илм даргоҳи пайдо бўлди. Марғоний кушқининг харобалари ўрнига қурилган бу мадрасага Навоий «Ихлосия» деб от қўйди. Унинг қаршида қад кўтарган хонақоҳ эса «Халосия» деб аталди.

«Ихлосия» мадрасаси ҳақиқий илм даргоҳи эди. Навоий мадраса мударрислари ва талабаларига барча шарт-шароитларни яратиб, уларга ўз ҳисобидан йиллик маош ва «стипендия» тайинлаган. Шоир ўзининг ер ва боғларидан тушадиган даромадларни ана шу мадраса ва унга қарашли бошқа жойларнинг харажатиини қопламққа вақф қилиб берган. Бу даромадлар эса унга тегишли ер-сув, дўкон ва боғлардан чиқар эди.

Навоий ўзининг ана шу хайрли ишларини «Вақфийя» асарига баён қилган. Бу асарда шоир ўз ҳаёти кечималарини ифодалади; мому мулкни эзгу максалларга сарф этганини бирма-бир кўрсатади. Асар гоётда мароқли. У содда ва таъсирчан кучга эга. «Вақфийя»да бу хусусида айтилган сўзларга эътибор беринг: «...маош мазрааси ёбис қолмасун деб, бирор нима зиротқа иштиғал кўргуздум... тенгри иноятидан кўп мақсуллар ҳосил ва ганиматлар вусил бўла қиришти. Бу жумладин ўз маошимга сойир авомдин бирининг маоши ўтгунчи иссиг-совуғ дафъи учун бир турма тўн дағи мунга муносиб еммак қонёб бўлуб, қолгониниб баъзисин ул ҳазратнинг мулозамати маслаҳати учун, келиш — борушқа... сарф қилдим... Ва баъзиниким, жамий маунот ва борча таклифотдин ортти, биқои хайр

бино қилдим... (...маош экинзори қуруқ қолмасин деб озгина дехқончилик билан шўғулландим... тенгри инояти билан кўп мақсуллар ҳосил бўлди ва мевалар олинди. Ана шулардан ўз тиркичилигим учун оддий бир одамнинг тиркичилиги ўтнингга етарли, иссиг-совуқдан асровчи бир жуфт тўн, яна шунга яраша овқат билан чекланиб, қолганларининг бир бўлагини у ҳазратнинг керакли ишлари ва яхшилиги учун, бориш-келишга сарфладим... Ва тиркичиликка керакли барча нарсалар ҳамда ҳамма керакли ишлардан ортган бир бўлагига яхшилик бинолари қурдирдим...» Шундан маълумки, Навоий ўз даври учун жуда прогрессив ишларни амалга оширган.

«Вақфийя»нинг кириш қисми — «муҳоддимот»дан сўнг вақф қилиб ажратилган нарсалар рўйхати, яъни «махдудот» келади. Унда Ҳирот шаҳри ва унинг атрофида шоирга тегишли бўлган барча дўконлар, ер-сув, боғ-роғлар аниқ санаб ўтилган. Уларнинг мажмуи қуйидагича: 24 та дўкон, 4 та тим ва тимча, 490 жериб ер ва боғлар, икки қориз ва бошқалар. Шуларнинг барчаси вақф қилиниб, қози муҳри билан тасдиқланган.

Демак, «Вақфийя» биринчи навбатда ҳужжат бўлиб ҳисобланиши керак, аммо биз учун у етук бадийи асар, Навоий ва унинг даври ҳақида кўп маълумотлар берувчи манба сифатида қимматлидир.

Асримизнинг 70-йилларига қадар Навоийнинг ушбу асарини ўрганишга эътибор берилмай келинди. Бу асарга оид дастлабки тадқиқотни академик В. И. Зоҳидов эълон қилган. 1977 йили нашр қилинган «Ўзбек адабиёти тарихи»нинг II жилдида ҳам «Вақфийя» хусусида махсус боб бор.

Навоий ижодида бағишланган барча тадқиқот ва илмий оммабоп асарларда «Вақфийя»да келтирилган маълумотлар, яъни Навоийнинг эл, ижод аҳлига ғам-хўрлиги, бу борада ўз ҳисобидан амалга оширган хайрли ишлари қайд этиб келинган.

«Вақфийя»нинг махсус тадқиқот объекти бўлмай келганининг бир сабаби — унинг илмий-танқидий матни тузилмаганлигида эди. Энди бу иш амалга ошган. «Вақфийя»нинг кенг китобхон-

лар оmmasига етиб бориши мақсадда уни эски ўзбек тилидан ҳозирги ўзбек тилига ўтказилди. «Вақфийя» рус тилига ҳам таржима қилинди.

Навоийнинг «Вақфийя»си — хилма-хил аҳамиятга молик асар. У даставвал, шоирнинг таржимаи холи тўғрисида муҳим маълумотлар берувчи ҳужжат. «Вақфийя» тўфайли бизда Навоий ва Ҳусайн Бойқаро ораларидан муносабат ҳақида тасаввур пайдо бўлади.

Асарда муҳим масала — Навоийнинг Самарқандда яшаб турган вақти, унинг Ҳусайн Бойқаронидан Ҳуросон тахтини эгаллаганидан кейинги давридаги кайфияти, аҳволи руҳияси ҳақидаги тасаввуримизни бойитувчи жуда кўп фактик материаллар бор. Ҳақиқат, Навоийнинг аввалида узлатга чекинмоқ қаёлида бўлганлигини, Ҳуросондаги сўнги воқеалар тўфайли ўз режаларига катта ўзгариш киритганидан огоҳ бўлмаси. Навоий энди одил шох бошчилигида халқпарвар бир давлат қуришга бел боғлайди. Бундан ташқари, шоирнинг шох хизматида қанчалик қийинчиликларга учрагани ва бошқаталай масалалар асар муаллифининг ўз тилидан баён қилинган.

«Вақфийя»дан бизга яна Навоийнинг Ҳуросон давлатида тулган мавқеи, шоирнинг ободончилик ва илму-маърифат йўлида қилган хайрли ишлари маълум бўлади.

Ушбу асарда Навоий ўзининг дунё ва жамият тузиллишига оид мулоҳазаларини баён этган. Унинг таъкидлашича, олам ва одам аҳлини бошқармоқ учун юксак даражали бошлиқ даркор. Бундай бошлиқларга диёнатли ёрдмчилар керак. Жамиятда муҳим мавқега эга бўлган катта ижтимоий гуруҳлар бор эди. Ана шу гуруҳлар ичидан муносиб номзодларни танлаб, мамлакатни идора қилишда фойдаланмоқ керак. Бошқа ҳар бир умумий ва жузъий ишларга ҳам бошқарувчилар қўйилиши керак.

Навоий жамият ҳаётининг турли кўринишларини, феодализм жамиятининг турли табақалари ҳаётини ростгўйлик билан тасвирлаб берган.

«Вақфийя» бизга XV аср Ҳирот топографиясига оид муҳим маълумотларни ҳам беради. Асарда Навоийга тегишли боғ ва ерларнинг қаердалиги, дўконлари мавжуд маҳалла номи, кўчалар, дарё ва ариқларнинг номлари тилга олинган. Масалан, ушбу географик номлардан Гозургоҳ, Мурғани, Наврўзий, Инжил, Нетьмато-

бод, Хумиоли ва бошқа талаб мисолларни келтириш мумкин.

Навоийнинг бу асари бизга у яшаган даврдаги ҳаётнинг иқтисодий томонларини ҳам яққол кўрсатиб беради. Ҳаётнинг нақадар оғирлигини, бойларнинг маишатдаю камбағал бечораларнинг хору зор бўлганларини биз шоирнинг қиёсий мисолларида яққол кўрамиз. Масалан, бир томонда — сарой мансабдорлари, амирлар айш-ишрат билан банд. Мамлакатда бойлик далалини осмон экинзори каби кўкартириб, бадавлатлик маҳсулларини йиғувчи катта ер эгалари, яна йилига ҳар суруғ (пуда)дан миңглаб қўзи олиб, бунга қаноат қилмайдиган чорвадор бойлар ҳукм ўтказадилар. Иккинчи томонда эса камбағал, қашшоқлар. Улар хорликнинг жун қийимини ёпиб, ожизликда кун кечирадилар; осмон каби икки букилиб эртадан кечгача бошоқ териб, рўзгор тебратмоқ учун арағ бир ҳовуч донга эга бўладилар. Ночорликдан баъзилар фарзандларини гаровга қўядилар. Қўринадики, Навоий халқнинг оғир ҳаётидан бевосита хабардор бўлган, бу кўрinishларни ўз ҳаёти ва иши тажрибасидан нусха кўчириб тасвирлаган.

Навоий Ҳусайн Бойқаро ҳокимияти халойиқ ва адолат ишига хизмат қилмоқ учун кулай шароит туғдиради, деб ишонар эди. Шунинг учун у подшоҳ тайинланган вазифада сидқидил билан хизмат қилди, эл мушкулини осон қилмоққа чин юракдан интилди. У доим зулм ва бидъатга қарши курашди. «Вақфий»да қўйидаги сўзлар учрайди: «Илиғидан келганча зулм тигин ушотиб, мазлум жароҳатиға интиҳом марҳамани қўйдим». Демак, Навоий қўлидан келганча зулм тигини синдириб, мазлумларни химоя этишга ҳаракат қилган. Халққа кўрсатган ёрдамидан, яхшиликларидан бирор миннат, ғарзининг учқун ҳам бўлмаган. Бу ҳақда шоирнинг ўзи бундай дейди: «Бу ишлар балки муздпарварга миннат дағи туттилар қабул этмадим».

Қўринадики, Навоийнинг тутган йўли адолатпарварликнинг олиёй қўрinishи эди.

«Вақфий» — наср ва назмда ёзилган бадиий асар. Унинг насрий матоси ғоят бадиий. Асарда ишлатилган сажъ усули шоирнинг юксак насрнавислик маҳоратини ақс эттиради, бизда XV аср Ҳирот адабий муҳитидаги ўзбек насри тўғрисида тасаввур туғдиради.

«Вақфий»даги шеърлар насрий мазмунининг шеърый шарҳидир. Уларнинг таъсир кучи ғоят зўр. Ҳар бир мисрада шоирнинг эҳтиросли қалб овози эшитилиб туради. Шеърларда баён этилган кайфият, руҳ ўзининг самимияти, ҳаққонийлиги билан ана шундай куч касб этади. Бу шеърларга Навоий назмининг узвий бўлаги сифатида қараш лозим.

Бу кичик бир асар — классик адабиётимизнинг катта маҳорат ва бой мазмунга эга бўлган қимматли адабий ёдгорликларидан бири. У ҳам адабий, ҳам тарихий асар ва муҳим автобиографик ҳужжат сифатида қадрлидир.

КЎРКАМ ВА МАЗМУНЛИ

СОВЕТ кишиларининг турмуш тарзи такомиллашиб боргани сарини, улар амалга ошираётган меҳнатнинг ҳарактерига хос байрамлар, анъаналар ҳам янгича мазмун касб этаётир. Утмишда дин таъсирида бўлган маросимлар, урф-одатлар ўрнига турмушимизга мазмундор ва ранг-баранг замонавий анъаналар кириб келмоқда. Ҳар бир маросим ва байрам ижтимоий ҳодиса сифатида ўзига хос хусусиятларга эга.

Кундалик турмуш тақозоси билан ҳаётга кириб келаётган маросимлар турмушимизни маънавий жиҳатдан тўлдирди, мустаҳкамлайди. Шунинг учун ривожланган социализм шароитида кишилар кайфиятини, дунёқарашини шакллантирадиган анъаналарнинг таркиби топиши табиий ҳолдир. Вужудга келаётган социалистик анъаналар совет турмуш тарзининг ижтимоий-ахлоқий, эстетик идеалларини, хулқ-атвор намунасини, кишиларнинг меҳнатга бўлган муносабатини мустаҳкамлайди.

Антогонистик синфлар пайдо бўлгач, анъаналар, маросимлар эксплуататорлар манфаатиға бўйсундирилди. Миңг йиллар давомида маросимлар ҳукмрон ижтимоий онг шакли, идеология ва дунёқараш структурасига айлан-тирилди. Байрамлар, маросимлар, диний ғоя ҳис-туйғуларини шакллантирадиган воситаға бўлиб келди.

Буржуа жамиятида диний маросимлар билан бир қаторда,

диний бўлмаган маросимлар ҳам мавжуд. Капиталистик дунёда буржуа ғояларини, тушунчаларни пропаганда қиладиган, ижтимоий муносабатларни — эксплуататорлик моҳиятини ниқоблайдиган ана шундай маросимларға катта ўрин берилмоқда.

Тарих саҳнасида пролетариатнинг пайдо бўлиши оламни социал жиҳатдан ўзгартириб юборди. Онгли пролетар муҳитининг пайдо бўлиши янгича муносабат маросимларини шакллантира бошлади. Совет ҳокимиятининг биринчи йилларидаёқ В. И. Лениннинг имоси билан 60 дан ортиқ декрет эълон қилиниб, уларда совет маросимчилиғига алоҳида эътибор берилган эди. Социализмнинг ғалабаси, янги анъаналар ва маросимларни ҳам вужудга келтирди. Бу анъана ва маросимлар ўзида янги турмушнинг, одамлар ўртасидаги янги муносабатларни, кишилик сифатларини, коммунизм ишига садоқатини, ватанпарварлик, интернационализм, коллективизм, меҳнатсеварлик ғояларини ақс эттиради.

Меҳнатга коммунистик муносабатда бўлиш ҳаракати, намунали жамоат тартиби жамият ҳаётининг ҳамма соҳаларида юқори даражада маданиятга эришиш учун курашини тақозо этади. Шунинг учун ҳам республикамизнинг барча областларида, жумладан Самарқанд областида янги маросимларни ҳаётга синдириш, бутунги кун талабига жавоб бермайдиган диний урф-одатларга чек қўйиш тадбирлари кенг амалга оширилмоқда. Бу ишга жамоат муассасалари, совет

Турмуш ва маданият

ташкilotлари, жамоатчиликнинг кенг қатлами жалб этилган. Давр тақозоси туфайли турмушимизга кириб келаётган анъаналар билан боғлиқ масалалар область партия комитетининг бюросида, шаҳар, район партия ташкilotлари, колхоз ва муассаса партия ташкilotларининг йиғилишларида кенг муҳокама этилиб, уларнинг таъбиқ этилиши систематик равишда таҳлил қилиб борилади, бу анъаналарнинг меҳнаткашларға маъқул тушган шакллари оммалаштирилади.

Областининг бир неча районларида, хўжаликларига бу соҳада олиб борилаётган ишлар, ўтказилаётган тадбирлар таҳсинга сазовор. Чунончи, Жомбой районида — Жданов номи, «Правда» колхозларида диний қондаларсиз маросимлар ўтказиш, бу маросимларни меҳнаткашларнинг жипислиғини янада мустаҳкамлаш, илгор кишиларнинг ишини улуғлаш, исрофгарчиликка қарши кураш, оила мустаҳкамлигини ошириш, Улуғ Ватан уруши қатнашчилари, меҳнат ветеранлари, меҳнат илгорлари билан учрашувлар уюштириш, йиғитларни Совет Армияси сафига тантанали кузатишга бағишланган тадбирлар анъана бўлиб қолган. Бу тадбирларға колхоз правленесининг, кишлоқ Советларининг раислари, партия ташкilotларининг секретарлари, жамоатчи раҳбарлар бош бўладилар. Бундан тўрт йил олдин Жданов номи колхоз правленесини раисининг маданий ишлар бўлимиға ўринбосари лавозимига қўйишда Жонгул Ваҳриева тайинланган эди. Ж. Ваҳриева иш фаолиятининг биринчи кунларидан бошлаб меҳнаткашларнинг истак ва мақсадларини, оила шароитларини ўрганди, маросим ўтказмоқчи бўлган колхозчиларнинг ҳар бири билан суҳбат ўтказди. Диний маросимларға майллари борлар билан учрашди, ўтказилаётган диний маросимлардан ҳар томонлама устун, таъсири кучли бўлган тадбирларнинг планларини ишлаб чиқди. Тез орада ҳамма учун ибратли, харажатлари ўта кам, аммо эстетик жиҳатдан мукаммал ташкил этилган бир неча намунали тўй ўтказилди. Омма иштирокида ўтказилган тадбирларнинг моддий, маънавий, тарбиявий, эстетик, ахлоқий жиҳатлари таҳлил қилинди. Авваллари қиз тўйлари тўққиз босқичда ўтказилар, уч-тўрт кун давом этар эди. Натижада тўй эгалари учун катта-катта харажатлар бўлар, кўпчилик тўй маросимлари билан бўлиб, меҳнатни ёдларидан чиқариб қўйишар эди. Тўйдан сўнг эса узок муддат қарз тўлаш машмаси оилаларни моддий жиҳатдан исканжага солиб қўярди. Ҳозир



Тошкент Тўқимачилик комбинатиға қарашли учинчи тўқувчи фабрикасининг ишчиси Кимё Иброҳимова.

Р. Нуритдинов фотоси
(ЎзТАА)

УМР КИТОБИ

Ўзбекистон ССР халқ артисти Муҳитдин Қори-Екубов ҳаёти ва ижодига бағишлаб яқинда Ғафур Гулом номидаги нашриёт босиб чиқарган китоб кўпгина фотолар, тарихий ҳужжатлар

справка ва гувоҳномалар, санъаткорни билган, у билан бирга ишлаган дўстларнинг хотиралари, санъаткорнинг ўзи ёзиб қолдирган «Таржимаи ҳол» идан парчалар, газеталарда ўша йиллари



босилиб чиққан хабар ва мақола-лардан ташкил топган. Октябрь инқилоби куёши ўзбек совет маданиятига мислсиз ривож берди. Инқилобдан кейин ўзбек совет маданияти тарихида уч улуг санъат намояндасининг номи айниқса кенг тарқалди. Улар: Ҳамза Ҳакимзода Нибёзий, Маннон Уйғур ҳамда ўзбек музыкали театрининг асосчиси Муҳитдин Қори-Екубовдир.

Муҳитдин Қори-Екубовнинг ижодий фаолияти ниҳоятда серқирра эди. У халқ қўшиқлари билан бирга катта опера асарларида марказий ролларни мароқ ва маҳорат билан ижро этган, Лемешев, Козловскийлар сингари қудратли овози билан халқ ичида машҳур бўлган эди.

«1956 йил қиш кунларининг бирида мазкур монография муаллифи (Л. А. Авдеева) билан бўлажак китоб ҳақида суҳбатлашиш учун ЎзССР халқ артисти Қори-Екубов Санъатшунослик институтига келди, — деб ёзади Л. А. Авдеева китобга ёзган сўзбошисиди. — Биз у билан йил давомида: кишда унча қулай бўлмаган, ҳозирда унинг номи билан аталаётган Ўзбек Давлат филармонияси фойесиди, баҳорда Инқилоб хиёбонида, ёзда М. Горький паркида юриб бир неча бор суҳбатлашдик. Институт ходимлари ўша пайтлар «Ўзбек совет театри» деб номланган кўп томликнинг I томи учун материаллар тўплаётган эдилар. Муҳитдин Қори-Екубов 20-йилларда саҳнага қўйилган «Фарҳод ва Ширин»,

«Лайли ва Мажнун», «Ҳалима», «Аршин мол-олон» спектакларида яратган образлари ҳақида сўзлаб берди.

Кейинроқ биз унинг ижоди ҳақида кишига алам қиларли даражада жуда оз нарсани сўраб билганимиз маълум бўлди. Афсуски, энди у билан суҳбатлашиб, бошидан кечирганлари ҳақида сўраб-билиб бўлмади. У энди орамизда йўқ, кўп маълумотлар ўзи билан кетиб қолган эди. Шахсий ва Давлат архиви фонди материаллари устида етти йил сабр-тоқат билан қилинган меҳнат орқасида ушбу мажмуа дунёга келди».

Китобнинг кириш қисмида ЎзССР Фанлар академиясининг мухбир-аъзоси М. Раҳмоновнинг халқимизнинг юрагига сингиб кетган бу улкан санъаткор ҳақида ёзган сермазун очерки берилганки, уни ўқиб, қалбингиз ажиб туйғуларга, фахрга тўлади.

1925 йилда Муҳитдин Қори-Екубов Парижда ўтказилган Жаҳон декоратив санъат усталарининг I концертида катнашгани ҳақида ҳам материаллар қизиқарли ҳикоя қилади. Унинг ёнида Тамарахоним, Уста Олим ва бошқалар ҳам бўлган. Франция бўйлаб ўзбек санъатининг гўзалликларини кўз-кўз қилган фарғоналик санъаткор ўзбек совет маданияти шон-шарафини кўтарди. У чет элда Ҳамзанинг инқилобий қўшиқларини ижро этиб, улуг рус композитори Сергей Рахманиновнинг ҳам олқишига, ҳайратига сазовор бўлган эди.



Келажакнинг мутафаккирлари.

КОМИЛ ЕРМАТОВ

Кечмишларим



САНЪАТКОРНИНГ ЙЎЛИ

— Исминг нима, бўтам?
— Комил, тақсир, — деб очик чехра билан жавоб қилдим...

— Агар янглишмасам, сен исмининг охириг қарфини тўғри талаффуз этаркансан. Е менга шундай туюлдими?

— Ҳа, айта оламан: «лом»... Шунда домла менинг кўлимни маҳкам чангаллаб ўслаб олдида, бармоқларимни кўздан кечираркан, бош чайқаб деди:

— Кофирга ўхшаб тирноқларингни ўстириб юргани уялмайсанми, бадбахт?!

Шундай дея туриб у бармоқларимни нисоли исканжага олгандек маҳкам қисиб ушлади-да, иккинчи кўлига мен сабоқ ўрганаётган тахтакачи олиб, тирноқларимни мўлжаллаб туриб бир туширди. Шу биргина зарбанинг

ўзида, оғриқдан кўз олдим қоронғилашди, нафасим қайтиб кетди, хатто «дод» деб кичкиришга ҳам мажолим қолмади.

Ўзбек ва тожик кино санъатининг асосчиларидан бири, атоқли кинорежиссёр, Социалистик Меҳнат Қахрамони Комил Ерматовнинг «Кечмишларим» («Возвращение») номли хотиралар китоби 1980 йили Москвадаги «Искусство» нашриётида чоп этилган эди. Санъаткорнинг кайноқ меҳнат ва ижодга нисбатан меҳрмуҳаббатга тўла ҳаёти, шунингдек, Урта Осиёда Граждандлар уруши воқеалари ва Улуғ Октябрь инқилоби галабаларини мустақамлаш йўлидаги курашлари акс этган бу китоб кўпчилик орасида катта қизиқиш уйғотди.

Утган йили Комил Ерматовнинг мазкур китоби Рафур Ғулум

номидаги Адабиёт ва санъат нашриётида Ўзбек тилида нашр қилинди. Китобда санъаткорнинг болалик ва ўсирилик йиллари, юксак гоёларга қаттиқ эътиқод боғлаб, босмачиларга қарши кураш жангу жадалларида иштирок этгани, кино санъатига кириб келиши гоёт кизиқарли, ўрни келганда ҳазил-мутўйба билан хикоя қилинади.

«Кечмишларим» китобининг асосий қисмида ўзбек кино санъатининг тугилиши, тараккий топипи, «Алишер Навоий», «Осиё устида бўрон», «Дўстлар қайта учрашганда» сингари Бутуниттифок ва жаҳон кино санъати олтин фондидан жой олган картиналарнинг яратилиш тарихи ҳақида хикоя қилинади. Муаллиф ижод машаққатлари хусусида ёзар экан, гоҳо-гоҳо ўзида юз берган иккиланишларни, муваффақиятсизликка учраган, хатога йўл қўйган пайтларини айтишдан тортинмайди. Бу ҳолат эса, китобнинг ниҳоятда самимий ёзилганлигидан далолатдир.

Китобни ўқиб, ундаги суратларни томоша қилган китобхон атоқли санъаткорнинг гоёт мазмуни, ибратли умр кечирганига амин бўлади. Китобнинг сўнгги — «Ўтмишга қайтиш» бобиде Комил Ерматов шундай деб ёзади: «Ингирма биринчи фильмимни тугатдим, ингирма иккинчи фильмимни суратга олишга киришайман. Мана шу иш билан бир пайтда хотиралар китобимни ҳам чоп қилдираяман».

Ижод ва меҳнат билан тўла

ўтган бундай мазмуни умр шаримиз учун, айниқса ижодкор ёшларимиз учун яхши ибратдир. Китобга сўз боши ёзган атоқли рус кинорежиссёри Сергей Герасимов санъатнинг боқийлиги хусусида сўзлаб шундай дейди ва бу билан ёш авлодни меросга муносабат кўрсатишда тўғри йўл тутишга чақиради: «Ҳар бир янги авлод, ўзидан олдинги авлод бунёд этган маънавий бойликдан фойдаланган ҳолда санъатнинг умумий хазинасига ўз шахсий улушини қўшади. Шундай бўлган, ҳозир ҳам шундай, бундан кейин ҳам шундай бўлиб қолади. Умуман, мажозий маънода оладиган бўлсак, санъаткорларнинг янги авлоди оталарнинг қудратли билакларидан мадад олган ҳолда қад кўтардилар, ўз навбатида, пайти келганда, булар ҳам ўзларидан кейинги ёшларга айнан шу тарзда таянч бўладилар. Бу мангу ўринбосарлик жараёни қанчалик муваффақият ва уйғунлик билан амалга оширилиши ҳам олдинги, ҳам кейинги авлодга бир хилда боғлиқдир».

Комил Ерматовнинг «Кечмишларим» номли китоби қалин чарм муқовада, шунингдек, супер муқовага ўралган ҳолда чоп этилган. Унга муаллифнинг ҳаёти ва ижодида оид 48 саҳифалик суратлар ҳам илова қилинган. Қисқаси, китоб халқимизнинг атоқли санъаткорга бўлган ҳурмат-этиборига муносиб равишда нашр этилган. Асарни Қодир Мирмуҳамедов Ўзбек тилига таржима этган.

(боши 28-бетда)

ана шу тўйларни икки боқичда ўтказишга ҳаракат қилинаёти. Оқибатда, тўй харажати ўрта ҳисобда беш-олти минг сўмга арзонлаштирилди. Жонгул Бахриевнинг энг катта ютуқларидан бири тўйларда диний уфр-офат, ақиди аралаштирмаслиги бўлди.

Қаҳрамон она Физола она Боймуротова яқинда келин туширди — ўғли Шариф шу колхозлик Мукалдас исмли қизга уйланди. Физола она қувончининг чеки йўқ.

— Янгича тўйнинг афзал томонлари жуда кўп экан, — дейди у. — Ортиқча расм-русумлар деб пешона тери билан тўпланган маблағлар беҳуда сарфланар эди. Энди ҳамма фарзандларимни янгича тўй қилиб, уйли-жойли қиламан.

Яқинда Ж. Бахриева ташаббуси билан колхозда янгича маросимларнинг шакл ва методлари хусусида семинар ўтказилди. Сут соғувчи Сочбиби Ражабова, меҳнат ветерани Ашурой Маматова, 10-бригада аъзоси Куролой Раҳимова сўзга чиқиб, янги аъёналарнинг афзаллиги, аҳамияти ҳақида гапирдилар.

Сўнгги йилларда тўйларимиз хусусида анча намунали тадбирлар амалга оширилди. Бундай аъёналар тобора кундалик турмушимизга сингиб бораёпти. Вироқ ўтказилаётган дафн маросимлари борасида бирор аниқ тадбирлар ишлаб чиқилмаёпти. Мазкур колхозда бу масалага ҳам эътибор билан қаралмоқда.

Ҳўжалик раҳбарларининг ате-

истик тарбия ишида актив қатнашишлари катта самара бериши Жомбой районидagi «Правда» колхозининг раиси Борат Нодиров фаолиятида яққол кўринди. У киши раҳбарига эмас, балки тадқиқотчи ҳамдир. Колхозчилар фикрини, уларнинг кайфиятини, психологиясини яхши ўрганади. Пропагандист сифатида у қайси аудиторияда қандай атеистик проблема ҳақида лекция ўқисини билади. Колхоз территориясида «муқаддас» саналган жойлар ҳам бор эди. Раис бу жойларнинг тарихи билан қизиқди, билган нарсаларини қарияларга тушунтирди. Келишган ҳолда шу жойлар бузилиб, ўрнига Улуғ Ватан урушида ҳалок бўлганларга ёдгорлик ўрнатиш ғоясини ўртага ташлади. Колхоз партия ташкилоти, район раҳбарлари, жамоатчилик уни қувватлади. Ҳозир ёдгорлик ўрнатиш билан жой омвий тадбирлар ўтказилаётган, колхоз ёшларининг Совет Армияси сафига тантанали кузатиладиган, Ғалаба куни, Наврўз ва шунга ўхшаган тадбирларни нишонлайдиган, одамларнинг хордиқ чиқарадиган, келин-куёвлар зиёрат қиладиган масканга айлантирилган.

Атеист Борат Нодировнинг амалга ошираётган ишлари хусусида гап кетганда, унинг яна бир ташаббускорлигини таъкидлаш керак. Гап шундаки, у ўқитувчилар, колхоз мутахассисларидан атеистик тарбия проблемалари бўйича лекторлар, савол-жавоб кечаларини ўтказувчи ташкилотчилар тайёрламоқда. Тўғри, бу масалада қийинчиликлар бор,

баъзан малака етишмайди. Лекин ишлар чин қалбдан, коммунистчасига амалга оширилаяпти.

Ҳамма жойларда ҳам янги маросимлар учун курашилса, тадбирларнинг оммага манзуур турлари ишлаб чиқилса, булар кишиларимизнинг маънавий маданиятини бойитиш йўлида қиларканда ишимизга катта ҳисса бўлиб қўшиларди. Минг афсуски, раҳбарлар орасида ақинларнинг жанозаларига номи кетган муладилари, эшонлари олиб келадиган, давлат машинасини уларнинг ихтиёрига бериб қўядиган, тўйларига ном чиқариш учун фалон артисти фалон пулга қақирадиганлари ҳам топилади. Бундайлар партия, совет ҳодимлари орасида ҳам оз эмас, савдо ҳодимлари орасида эса кўп-кўп топилади. Бундай андишасизликлар эса кўпчиликнинг тушунчасига, психологиясига, ахлоқига, дунёқарашига салбий таъсир кўрсатади.

Бугунги кунда тўй ва шу каби бошқа маросимлар айрим кишиларнинг шахсий иши эмас. Шу сабабли уларни кўпчиликнинг мабғаатига, ёшларнинг дунёқарашига мўлжаллаб ўтказиш керак. Маросимлар идеология тарбиянинг ажралмас қисми ҳисобланади. Партия, совет ҳодимлари маросимларни уюштириш коммунистик тарбиянинг формаларидан бири, деб қарамоларни лозим.

Олий ўқув юрталарининг ижтимоий касблар факультетларида маросимчилик бўйича махсус курслар ўтирилиши ташкил этиш, айниқса кишлоқ шароитида ишлаш учун тайёрланаётган

мутахассисларни бу жиҳатдан пухта билимга эга қилишнинг пайти келди.

Тўй-маросим бошқарувчилари — маҳалла, квартал, уй комитетларини ҳам тайёрлашни йўлга қўйиш керак. Маросим бошқарувчиларнинг дунёқарашини, маросимларнинг моҳиятини тушуниши янги аъёналарни сингдиришда ҳал қилувчи роль ўйнайди.

Бу борада Нивомий номли Тошкент Давлат педагогика институтидан тўпланган тажрибалардан фойдаланиш мумкин.

Райжирокомлар, қишлоқ Советлари қопида дафн маросимини бошқариш масаласи билан шуғулланадиган комиссиялар, советлар ташкил этиш керак.

Революция ветеранлари, Совет ҳокимиятини қуришда, уни иқтисодий ва социал жиҳатдан мустақамлашда иштирок этганлар, меҳнат ветеранлари, коммунистлар бундай тадбирларни амалга оширишда ташаббусни қўлга олишлари, келажак авлод вақилларини ўз тажрибаларидан баҳраманд этишлари лозим.

Хулоса қилиб айтганда, Совет маросимлари, граждандлик маросимлари эстетик, гоёвий, ахлоқий позициялар жиҳатидан ҳамisha жанговар, замонавий бўлишига эришиш ҳаммаюзининг бурчимиздир.

Замонавий аъёналар — ҳаётимиз беағи. Бу аъёналарни янада кўркам ва мазмуни тарзда ўтказайлик.

Сафар УТАНОВ,

доцент



Деновлик боғбон Сафар Қўчқоров ўз шогирдлари даврасида.

А. Андреев, А. Жданов фотоси

ЗУХРА САЙЁРАСИНИНГ ОСМОНИ

Кoinот сирлари

Башарти одамзод осмонни умуман кўрмасеки нима бўлар эли?.. Таниқли француз физиги, математик ва файласуфи Анри Пуанкаре (1854—1912) ўзининг асарларидан бирида худди шундай саволни ўртага ташлайди ва ўша тақдирда одамзоднинг онги, фикр-мушоҳадаси нақадар ичор ва заифлашиши мумкинлигини айтади. Шунингдек, у кoinотни ўрганиш табият қонуниятларини ўрганишда мислсиз аҳамият касб этган ўзинга хос калит эканлигини таъкидлайди.

Бироқ, кoinотда осмонни кўринмайдиган сайёра ҳам mavjud. Ана шундай сайёра Венерадир!

Иносоният, хусусан шериъат ижодкорлари қадим-қадимдан Венерани, яъни Зухра юлдузини гўзаллик рамзи сифатида маъд эътиб келганлар. Илм-фан тараққиёти туфайли эса, у билан «яқиндан» танишиш имконияти туғилди. Мана, у ҳақдаги айрим маълумотлар: сайёра сатҳида ҳарорат +480 даража бўлади, босим эса 95 атмосфера атрофидадир. «Ҳаво» таркибининг 97 фоизини карбонат ангидрид вази, 2 фоизини азот, шунингдек 0,01 фоизини кислород, 0,05 фоизини эса сув буги ташкил этади.

Венера сайёрасининг атмосфера билан — «уралиб-чирмаилгани» 1761 йилнинг 6 июнида аниқланган. Ўша кунни буюк рус олими М. В. Ломоносов Петербург-

да туриб Венеранинг Кўёш гардиши бўйлаб ўтаётганини кузатиш ва «Венера сайёраси худди ер шарида бўлганидек фазо атмосфераси қобигида жойлашган» деган муҳим хулосага келди.

Эндикда маълум бўлдики, худди ўша «фазо атмосфераси» Ердан туриб Венерани кузатишга монъелик қилар, сайёра сатҳидаги ҳароратнинг ўта юқорилигини босиб ҳам шунда экан.

Венеранинг ўз ўқи атрофида айланиш тезлиги ҳам яқин-яқингача нотўғри ҳисобга олинган. Яъни, унинг айланиш тезлигини Ерниқига тенг деб билинган. Бироқ 60-йилларнинг бошларида СССР Фанлар академияси Радиотехника ва электроника кинститутини ҳамда АҚШдаги қатор илмий марказларда радиолокацион кузатиш воситалари ёрдамида Венеранинг айланиш тезлиги ҳақидаги қалъалик ойдинлик киритилди.

Хўш, радиолокацион воситаларда қай йўсинда текшириш олиб борилди? Бу савол жавоби кўпчиликни қизиқтириши табиий. Радиолокатор муайян частотага сизнални Венерага юборади. Сизнал сайёрага «урилиб» ерга қайтади. Аммо қайтган сизналнинг частотаси энди ўзгарган бўлади. Бундай ўзгаришнинг сабаби маълум. Яъни, сайёралар ўз ўқи атрофида айланиши туфайли унинг бир «чекка»си Ердаги кузатувчиға

яқинлашса, иккинчи чеккаси узоклашади. Шунда кузатувчиға яқинлашган чеккага урилиб қайтган нурлаиш максимал частотага етса, узоклашган чеккадан қайтган сизнал минимал частотага эа бўлади. Мазкур частоталар катталигини ўлчаш йўли билан сайёранинг бурчак остидаги айланиш тезлигини, сўнгра айланиш даврини аниқлаш мумкин. Хуллас, аниқлаишннча, Венеранинг ўз ўқи атрофида бир кур айланиши 243 ер суткасига тенг экан!

Сайёранинг ҳаракат йўналиши ҳам ўзинга хос: у ўз ўқи атрофида Ер сизгари ғарбдан шарқ томон эмас, балки шарқдан ғарб томон ҳаракатланади. Венеранинг Кўёш атрофида айланиш тезлиги 225 ер суткасига тенгдигидан келиб чиқиб, сайёрадаги кўёшли сутка муддати аниқланади. У 117 ер суткасига тенг. Демак, Венеранинг бир кеча-кундузи Ерининг 58,5 суткасига тўғри келади. Кундуз-

нинг бу қадар чўзилиши (Ойнинг кундузидан 4 картира кўпрок) туфайли Венеранинг кўёшли сатҳи каттиқ қизийди, тунда эса ҳаддан ташқари совийди. Ой юзасида эса тунги ва кундузги ҳарорат орасидаги тафовут 300 градусини ташкил этади. Меркурида бу тафовут 400 даражага етади. Венерада эса сайёра сатҳиға яқин ораликда «ҳаво»нинг тунги ва кундузги ҳарорати даяри бирдекдир.

Венера сайёрасининг яна бир галатилиги шундаки, худди Меркурий, Юпитер сизгари унда ҳам фазлар хилма-хиллиги бўлмайдди. Бунинг сабаби сайёра айланиш ўқи унинг орбитаси текислигига қарийб тиккасиға жойлашганидир. Мабодо Ер ва Марсининг айланиш ўқлари шунга ўхшаш бўлса, бу сайёраларда ҳам фазс ўзгармас эди.

Энди икки оғиз сўз Венера сайёрасининг сатҳи ҳақида. Юқориди айтилганидек, бу ҳақдаги маълумотлар ра-

диолокацион кузатув йўли билан олинган. Сўнгги йилларда бу ҳақда космик аппаратлар ёрдамида («Венера-15», «Венера-16» сизгари совет автоматик станциялари ҳамда «Пионер — Венера» америка станциялари) кўёшли ангилликлар тўпланди. Жумладан, сайёра сатҳининг рельефи ҳақида тасаввур ҳосил қилинди. Совет космик аппаратлари Венераға қўйиб, унинг оқ қора суратларини ерга узатди. Рангли расмлар эса сайёра сатҳинингиза эмас, айни вақтда унинг осмонини кўриш имконини берди. У сарғиш-яшил рангга экан. Бундай ранг яши ва сарик нурларининг сайёра атмосферасининг зич қатламларида интенсив тарқалиши туфайлидир.

Хуллас, юқориди айтилганларнинг хулосаси сифатида «Венера осмони қандай?» деган саволга Венеранинг таниқли совет тадқиқотчиси, физика-математика фанлари доктори Л. В. Ксанфомалити қуйидагича жавоб беради:

— Бу сайёрада биз одаланган мовий само йўқ. Венера сатҳидан анча баландда улкан қирмизи ранг булут гўмбази кўринади. Энг кўйи булут қатламлари 48—49 километр юқориди бўлганидан уни тузукрок кузатишнинг ҳам иложи йўқ.

Маҳаллий вақт билан соат 6 да Кўёш булут гўмбазининг бир томонини ёритади. Нур жуда секинлик билан бутун гўмбази ёрита бошлайди. Ерда бир, икки, уч... беш кун ўтади. Венерада эса бу фурсатда соат миллири 60 минутга сизийди, холос. Ерининг 10 суткаси Венеранинг 2 соатига тенг. Венеранинг кўёшли қуилари узок давом этади. Бироқ Кўёш кўтарилгани тушунчиси Венера табиятиға ёт. Зеро, Кўёш нури биз Венера осмонидиға булут деб атаётган 20 километрни қизғиш-қирмиз туман қилинлигини ёриб ўтолмайди. Шу вақтда бу булут қатламида бирон бир «дарча» очилмаган.

Ҳозирға келиб Венера рельефи ҳақида бирмунча муфассал тасаввур ҳосил этилган. Иштар, Афродита «мамлакат»лари, Альфа платоси, Максвелл тоғли ўлкаси, Венера Атлантидаси ва ҳоказолар маълум. Улкан кратерлар, кенг ва чуқур ёриқлар аниқланган.

Бу ва бошқа маълумотлар яқин-яқингача номаълум ҳисобланган Венеранинг номаъ-аммонини яратиш имконини берди. Бунинг қарангки, Еринингиза энг яқин, энг ёруғ ва одамларнинг энг секинли гўзал юлдузи саналмиш Венера сайёраси бошқа осмон жисмларидан кўра чечроқ кашф этилди. Одамзод қадим-қадимдан маълум бўлган бу ёритқичимизни турли даврларда турлича тушуниди, ҳатто унинг сайёра ҳақидаги ҳам инсоният кейин аниқлади. Итирмиачи аср фан-техникаси, инсон тафаккури Венерани бирмунча муфассал ўрганишға эришди. Шундай бўлса-да, уни ўрганиш, тадқиқ этиш янада изчиллик билан давом эттирилаверади, албатта.



1982 йил март ойида «Венера-14» автоматик станцияси ёрдамида узатилган Зухра сайёраси сиртининг манзараси.

С. Абдулла
таваллудининг
80 йиллигига

ДЎСТИ МО СОБИР АБДУЛЛО

Жалол ИКРОМИЙ,
Тожикистон ССР халқ ёзувчиси

Мен мўтабар бу ном билан ўттизинчи йилларнинг ўрталаридан бери танишман. Бухородан Душанбага кўчиб келиб, тожик ёзувчилари ва зиёлиларига ҳукумат томонидан қуриб берилган икки қаватли бинода яшардик. Ёз яшайётган уй шаҳар марказидан четроқда эди. Кечалари кино ё театрга бориш мушкул эди. Зарурат тугилмаса уйдан чиқмасдик. Шу сабабдан радиого ихлос қўйгандим. Уйда шаҳар радиоси тармоғининг нуқтаси бўлса ҳам ҳар хил радиоприёмниклар сотиб олиб, Москва, Тошкент, Боку ва бошқа шаҳарлардан бериладиган эшиттиришларни тинглардим. Кўпинча Тошкент радиоси концертларини севиб-севиб эшитардим. Хушовоз хонанда Марям Алишонава ва бошқа машҳур ҳофизлар Собир Абдулла шеърлари билан айтилаётган қўшиқларни куйлардим. Собир Абдулла шеърлари халқ куйлари ва классик макомларга жуда мос тушарди. Шу боисдан куй ва қўшиқ усталари унинг шеърларидан кенг фойдаланардилар, бу билан улар куй ва қўшиқ шинавандаларига бир олам лаззат ва фароғат бағишлардилар.

Ҳамон эсимда: бир куни радиодан ажиб бир қўшиқ эшитдим. Ҳофиз нола қилиб куйларди: «...Таъналар тошига Собирлик билан сабр айласам...»

Сўз ўйини, шеър нафосатидан ғоятда завқландим. Аммо ўзимча сўрардим: «Наҳотки, шундай зарбадест шоирга таъна тоши отадиган, уни ранжитадиган ва шoirни шундай сатр битишга мажбур этадиган зот топилса?!»

Уша соатдан бошлаб бу сабру чидамли, ширинсўз, шеърлари нафис ва гўзал шоирга бўлган меҳрим тобора ошаверди. Уни хаёлан кўз ўнгимга келтирардим. Тасаввуримда баланд бўйли, қоши-кўзи тим қора, юзидан табассум аримайдиган, мулоим, назокатли қиёфада кўринарди.

Ниҳоят, Тошкентда дийдор кўришдик. Хаёлий сиймоси ва ҳақиқий қиёфаси ўртасида деярли фарқ йўқ эди. Мен ўрта бўйли, юз-кўзи нузли ва жозибали, жуда оқил, ҳокисор шоир сиймосини кўрдим.

Собир Абдулла араб имлоси билан ёзилган китобларни равон ўқирди. Шу сабабдан ўзбек ва тожик классик адабиётидан тўла баҳраманд эди. Аруз вазида ғоятда содда ва равон ёзарди у. Тожик ҳофизлари ҳам унинг шеър ва қўшиқларидан фойдаланардилар. У тожик китобхонлари ва радио шинавандлари орасида ҳам шуҳрат қозонганди. Зеро, асарлари қардош тилларга таржима қилиниб, уни бошқа халқлар ўз ёзувчиси, ўз шоири сифа-

тида севган ҳар бир қаламкаш ғоятда бахтлидир! Бу даражага етмоқ учун халқ билан қўшма-ғиздай пайваста бўлмоқ, халқ қувончидан яйраб, халқ ғам-ташвишидан изтироб чекмоқ, Собир Абдулладек халқники бўлмоқ керак!

Собир Абдуллани айниқса тожик зиёлилари севардилар, у билан жуда яқин муносабатда эдилар. Чунончи, таниқли жамоат арбоби, кўзга кўринган тожик зиёлиларидан бири, ўша вақтдаги Тожикистон ССР Министрлар Советининг раиси, марҳум Абдулаҳад Қаҳҳоров Собир Абдулла билан жонажон дўст эди.

Тожикистонда илк бор Ўзбекистон адабиёти ва санъати декадаси ўтарди. Унда Собир Абдулла ҳам қатнашарди. У киши хўрматли ва мўтабар меҳмонлардан бири эди. Тожик дўстлари, жумладан Абдулаҳад Қаҳҳоров уни ўтқизгани жой топмасди.

Декада муваффақият билан якунланди. Аммо дўстлар илтимоси билан Собир Абдулла яна бир неча кун давомида Тожикистонда азиз меҳмон бўлди. Унинг суҳбатларидан тўймасдик. Меҳрмуҳаббат боғи гулларди. Ага шу суҳбатлардан завқланган Абдулаҳад Қаҳҳоров тожик ва ўзбек тилларида шеър ёза бошладим.

Мирзо Турсунзода ва Бокий Раҳимзода ҳам Собир Абдулла

билан самимий дўстона алоқада эдилар. Собир Абдулланинг бевакт вафот этганлигини эшитиб Бокий Раҳимзода ва Абдулаҳад Қаҳҳоров шошилиқ равишда Тошкентга отландилар, марҳумнинг оила аъзоларига, қавму қариндош ва дўстларига чин кўнгилдан чуқур ҳамдардлик билдирдилар ва бу оғир жудодликдан ғоятда қайгурдилар.

Собир Абдулла билан сўнги бор Москвада, СССР Ёзувчилар союзи биносида тасодифан учрашгандим. Чамаси, у ё ижодий уйдан, ё санаториядан қайтарди. Гурунглашдик. Таассуф билан нотоблигини айтиб, уйига етиши билан жиддий табобат қилишини билдирди. Мен ҳам бетоброқ эдим. Ҳасратлашдик. Қурбим етгунча далда бердим, кўнглини кўтардим, ижодий ишларига омад тиладим. Аммо бу сўнги учрашув эканлигини, Собир Абдулланинг Тошкентга қайтиб, кўп вақт ўтмасдан оламдан кўз юмишини хатто хаёлимга ҳам келтирмасдим. Бу катта жудодикдан — ўзбек халқининг шундай ширинкалом шоирининг оламдан бевакт ўтганидан жуда куйиндим, афсусландим...

Аммо биз учун у ҳамisha барҳаётдир. Унинг бебаҳо адабий мероси — шеърлари, дostonлари ва пьесалари — сон-саноксиз муҳлислари ёдида абадий қолди.

Ана, халқ шоир таваллудининг саксон йиллигини кенг нишонламоқда. Шу тантананинг ўзбек халқ ва партиямиз томонидан унинг ёрқин хотираси нақадар эъзозланиб, унинг ижодига юксак баҳо берилганидан шаходатдир.

Собир Абдулла янглик ижодкорлар мангу барҳаётдирлар. Улар халқ дилида, халқ тилида абадий яшайдилар.

Душанбе.

Анджон
тикувчилик
фабрикасида.

А. Жданов фотоси



Оҳулар — тоғ кўрки

Овчи билан тоғ оралаб кетаямиз. Жилгаларни кечиб ўтиб, тор сўқмоққа бурилдик. Дара салқин, ҳаво мусаллоҳ. Ҳамроҳимиз Тўра ака йўл-йўлакай бу жойларнинг такрорланмас гўзал эканини таъриф қилиб бораёпти. Бир пайт биздан анча нарида бир жониворнинг чўчиб юрганини кўрдик. У тўхтаб-тўхтаб орқасига қарар, ёш боланикидай беғубор кўзлари жовдирар эди. Бу атиги бир неча дақиқа давом этди. Шундан сўнг тоғ кийиги сўқмоқдан отилиб, арчазорлар орасида кўздан ғойиб бўлди.

— Қаранг, қандай гўзал жонивор, — деди ҳамроҳим ҳаяжонли жимликни бузиб. — Саёқ овчилар дастидан шу жониворларга ҳам кун йўқ эди. Энди бунга чек қўйганмиз. Бир-икки ўғри овчи-браконьерни ушлаб олиб, ишини судга оширдик, улардан жарима

ундирдик. Лекин қиш пайтларида тоғ кийиклари баъзан бўри сингари йиртқич хайвонлар чангалига тушиб қолади. Қандай қилиб дейсизми? Масалан, чўққилардан пастликка озука ахтариб тушганларида уларни бўрилар кўриб қолишади. Йиртқичлар кийикни қувлаб, қор қалин тўпланган тор сўқмоққа ҳайдайди. Кийик бошқа йўл йўқлигидан ўзини ўша ёққа уради. Қор эса кўпинча қияликда омонат туради. Бундай пайтда кийик кўпинча қор уюми билан пастга кулаб тушади. Бу ҳолат бўрига қўл келади... Халқда шундай ривоят бор, — дея гапира давом этди Тўра ака, — баъзи овчилар тоғлардан мўмиё топиш учун кийикнинг оёғини мўлжаллаб отишармиш. Ярадор хайвон оксоқланиб мўмиёли жойни излаб кетади. Овчи ҳам измаиз бораверади. Ниҳоят, кийик мўмиё бор жойни топиб, ялайди. Шундан сўнг овчи истаса кийикни отиб, истамаса ҳурқитиб, мўмиёни қўлга киритади.

— Тоғ оҳулари кўпми?

— Олдинлари — ўн-ўн беш йил бурун тоғ чўққилари ва

пастроқ дараларда сурув бўлиб эркин яйраб юришарди. Қаровсизлик туфайли, табиатга меҳри йўқ баъзи овчиларнинг шафқатсизлиги оқибатида ҳатто йўқолиб кетиш хавфи туғилди. Хайрият, Ҳисор тоғ-арча қўриқхонаси ташкил қилинди-ю кийиклар асраб қолинди. Кийиклар — тоғларимиз кўрки. Лекин уларнинг таъблари жуда нозик. Чўчитсангиз сиздан бегоналашади. Бордию уларга меҳр билан қарасангиз, ювшоқ тортиб қолишади.

Сўқмоқ бўйлаб атрофни завқ билан томоша қилиб борадик.

— Кийик, каклик, бургут ва айқларсиз тоғ-тоғми, — деди Тўра ака завқланиб. — Биздан кейинги авлодлар ҳам буларни кўрсин, улар ҳам табиатга меҳр қўйсин, деб асраямиз-да...

Илон ови

Яна йўлда давом этамиз. Арча дарахтлари оралаб биз томон бир отлик келарди. У яқинлашиб, биз билан илиқ саломлашди. Йигирма икки-йигирма уч ёшлардаги норғул, қорачадан келган ёқимтой йигит эди.

— Эргашвой, нима қилиб юрибсан? — деди Тўра ака саломлашгач. — Уқининг қачон тамома бўлади?

— Практикага келгандим, бир йилча қолди.

— Нималарни кўтариб юрибсан? — деди Тўра ака отнинг

эгарига танғиб боғланган брезент халтани кўрсатиб.

— Илонлар. Муаллимимиз айтганди.

Шу заҳоти этимиз жимирлашгандек бўлди. Халтага қайта кўз тикдик. Буни сезган Эргаш изоҳ берди:

— Университетнинг биология факультетида ўқийман. Ҳар йили ёзги практикада илонларнинг беш-олти хилдан тутиб боришга миз керак. Тажрибада фойдаланиб, серпантарийларга қўйиб юборамиз. Заҳри олинади. Илоннинг заҳри ноёб доривор-да.

— Бу халтада неча илон бор? — деб сўрадик студент йигитнинг халтасига ишора қилиб.

— Бешта кўлвор илон ушладим, — деди Эргаш. — Буларнинг ҳам заҳри ўткир. Лекин нимагадир кўзойнакли қора чарх илонлардан учрамаяпти.

— Тоғларда илонлар кўпми?

— Тез-тез учраб турибди, айниқса кўлвор илонларни топиш ва ушлаш осон.

Илонларга қизиққанлигимизни кўрган Тўра ака гапга аралашди. — Истасангиз ҳозир Эргаш билан илон ушлаймиз. Чўчимайсизми?

Отларни шу ерда қолдириб, қоя тарафга бурилдик. Чўққидан емирилиб, пастга «оқиб» тушган тош ва майда шағал уюмларидан ўтиб, ўт-ўланлар билан қопланган сайхонликка чиқдик, бир-биримиздан тўрт-беш метр ораликда ёйилиб борардик. Гиёҳлар орасини, тошлар қавагини кўздан кечирардик. Бир пайт Тўра ака



Андижон область, Москва районидаги «Октябрь» колхози бош чўпони, Улуғ Ватан уруши ветерани Матқул Қўчийев.

Ж. Тўраев фотоси



Қўй келади қўзи билан...

А. Абальян фототўди



Бугунги, Ташкент.

А. Жданов фотоси

— Тез келинлар, — дея қўлини ҳавода силтаб бизни чақирди. Эргаш билан югурдик. Муздай катта ҳарсанг тош ёнидаги ўтлар орасида кўлвор илонлар кулча бўлиб ётишарди.

Эргаш отининг устига ташланган хуржундан учи ilmoқли темир дастакларни олиб, илонларни қўзгади. Улар ҳар томонга қоча бошлашди. Лекин у чаққонлик билан темир дастакнинг илгакли учи билан илоннинг бошидан босди, иккинчи бир қўли билан эса ўша илоннинг жағидан мақкам қисиб ушлади. Кейин дастакни қўйиб юбориб, чап қўли билан ҳам илоннинг белидан тутди-да, даст кўтариб Тўра ака очиб турган халтага ташлади. Қолган иккита илон ҳам шу тарика тугиб олинди.

Ов тугади. Отларга ўтириб йўлга тушдик. Йўл-йўлакай илонлар ҳақида сўхбатлашиб кетдик.

— Бир илон тутувчи танишим бор, — деб ҳикоясини бошлади Эргашвой. — У билан бир неча овда бўлганмиз. Айтишчи, овда уни уч марта илон чақиб олган. Ҳамроҳлари дарҳол илон чаққан жойдаги заҳарни оғиз билан сўриб олиб, овчининг ҳаётини сақлаб қолишган. Иккинчи бор чаққанида бахтига яқин орада қасалхона бор экан, жонига шифокорлар оро кирипти. Аммо учинчи марта эса, уни заҳри ўткир чарх илон тишлаган. Агар дастлаб шундай илон чаққанда эди, у тил тортмай ўлган бўларди. Бунгача икки марта илон чақиб, организмиде илон заҳрига қарши ҳимоя ҳосил бўлганидан даволашни тузаллиб кетипти. Ҳозир уни ҳар қандай илон чақса ҳам заҳри ўтмас эмиш. Ажаби!..

Эргаш йўл-йўлакай илонлардан заҳар олиш ва унинг фойдаси, баъзи заҳри ўткир ноёб илон турларининг муҳофазаси қилиниши ҳақида гапириб берди. У билан пастда — тоғ этагида хайрлашдик.

Норкул ТИЛОВОВ

М Е Р О С

— Турмуш ташвишларидан зериккан пайтларимда хушманзара жойларда ёлғиз юришни яхши кўраман. Кўпинча район марказидаги боққа бораман. У ерда кулф уриб очилган гулларни, ям-яшил дарахтларни кўриб, кўнглим яйрайди. Баъзан дарахтларга ўйиб ёзилган исм-фамилия, ҳар хил шаклларга кўзим тушади-ю, қайфиям бузилиб, дилим хуфтон бўлади. Нахотки, инсон боласи дарахт ҳам тирик жон эканини билмас-я? Шунақа бемаъни шахсларни кунун олида жавобгарликка тортиш керак, деб ҳисоблайман.

— Ранжиманг, муаллим, — дейман у кишини юпатган бўлмай. — Орамизда ҳар хил тоифадаги кишилар бор-да.

Бобоқул ака ғижиниб қўл силтайди.

— Бундайларни, ҳаёсиз деса арзийди. Она-табиат биздан шафқат кутапти. Дарахт ҳам табиатнинг бир неъматиди. Айби — унинг тили йўқлигимиз? Табиатта меҳр — инсонга меҳр.

Бобоқул Идиев, баҳслашишга киши тошгандек, тобора қизишиб борарди:

— Виласизми, биз кейинги йилларда табиатга кечириб бўлмас даражада озор етказдик. Узоққа бормай, саксонинчи йилларни мисол олайлик. Уй-жой қурамай, янги ерлар ўзлаштирамиз, деб қанчадан-қанча бог-роғларни пайҳон қилдик. Ҳар донаси тилни

ёра азим балхутларни кесиб, ўтин ўрнида ёқдик. Натижада серфайз далаларимиз хувиллаб, витаминга бой, кўркам, шифобахш гиёҳларимиз йўқолди. Дов-дарахт, гулу гулзорлар қанча кўп бўлса, ҳаво шунчалик мусаффо, табаррук заминимиз шунча гўзал, серфайз бўлади-ку, ахир.

Бобоқул ака ҳақ гапни айтди. Давримиз чиндан ҳам буюк мўъжизалар даври. Кўз ўнгимизда ақл бовар қилмайдиган кашфиётлар юз очаётир. Аммо, шунга қарамай, кейинги йилларда табиатнинг бебаҳо хазинаси бўлган мевали ва мевасиз дарахтлар аёвсиз қирилмоқда. Ана шулар ҳақида ўйлар эканман, бир воқеа эсимга тушди. Бухоро областида буюк ҳаким Ибн Сино номи билан боғлиқ Афшона қишлоғи борлигини яхши биласиз. Ибн Синонинг соф бронзадан қўйилган олти метрли ҳайкали ёнгинасида буюк ҳаким даврига тенгдош, бўйи 15 қулоч келадиган бир жуфт чинор дарахти қишлоқ кўрғига кўрк қўшиб, савлат тўкиб турибди. Ривоят қилишларича, қачонлардир шу қўшчинор остида бир жуфт қабр бўлиб, уларни «Севитшанлар қабри», чинорларни эса: «Ошиқ-машуқлар» деб атаган эканлар. Бугунги кунда бепарволик оқибатида қишлоқ ҳуснига хол бўлиб турган ана шу қўшчинор қурий бошлаган, фаросатсизларча чопиб ташланган таналарига қараб кишининг хўрлиги

келади. Асрлар мобайнида абадий рамзи бўлиб келган қўшчинорни авайлаб, асраш ҳар биримизнинг бурчимиздир.

Ҳа, Бобоқул ака жуда ҳақ ва улуг гапни айтди. Табиатни асраш борасида қиладиган ишларимиз жуда кўп.

— Вир нарса сўрасам кўнглингизга олмайсизми, ука? — деб сўраб қолди биология ўқитувчиси Бобоқул Идиев. — Шу ёшингизда қандай эзгу ишлар қилдингиз? Яъни неча ниҳол ёки кучат ўтқаздингиз, демокчиман, — деди.

— Саккиз-тўққизта ниҳол ўтқазган бўлсам керак-ов, — дедим аниқ эсломай.

— Баракалла, отангизга раҳмат, — деди Бобоқул ака севиниб. Мен ҳайрон қолдим. У бир оз жим тургач, яна сўзиде давом этди. — Энди бир ўйлаб кўринг. Ер юзидеги ҳар бир киши ўртача 7—8 тадан ниҳол ўтқазса, ер шаримизга яшилдан умрбоқий белбоғ ўралган бўлар эди...

Шу сўхбат асосида Бобоқул акани ҳамкасбларимдан бири: «Богбонларнинг пири, табиатнинг фидойиси», деб таърифлагани жуда ўринли ўхшатиш, рамзий маъно касб этганини энди англадим. Унга Афшонадаги қаровсизликдан қурий бошлаган чинорлар ҳақида сўзладим.

— Яхши иш бўлмади, — деди Бобоқул Идиев астойдил куйиниб. — Уша дарахтларни кимлардир, қачонлардир экиб,

ТҮРТЛИКЛАР

Сахий ҳиммати-ла элни яйратар,
Хасис фақат ўз қозонин қайнатар.
Юрти учун биров чашма яратса,
Ноқобиллар тиниқ сувин лойлатар.

* * *

Одам лочин десак, қанотдир — ҳунар,
Фазолар забти ҳам ҳунардан унар.
Қанотсиз парвозни хаёл қилса ким,
Орузи ушалмас, саробга дўнар.

* * *

Ҳикмат бор: «Қилганинг-қайтади»,
деган,

Яъни, дунё иши акс-садо экан.
Куллу, қувонч қутсанг ҳаётдан агар,
Сен ҳам ҳаётга боқ табассум билан!

* * *

Муҳаббатки, дилда ниш урган ниҳол,
Меҳр суви, парвариш қилур барқомол.
Шубҳа, бевафолик турли офатдир,
Сақласанг, насибдир меваси — висол.

* * *

Бахт излар эмишсан яқин-йироқдан,
Топа олмай уни ёнма фироқда.
Бери кел, азизим, нақдини айтгай:
Меҳнат қайда бўлса — Бахт ўша ёқда.

ҲАДИК

МАСАЛ

Расвөө сур балик қолдигин ғажиб,
Бўшалган шисани итқитди алжиб.
Ул шиша қанотми чиқарди, учди,
Қўшнисин бошига зарб ила тушди.
«Э-ҳей, сен Расвөө, ўлдирдинг-ку, ах,
Жабри менгами-а сен суриб фарах!»
Ахир, қилдинг-ку сен ҳаммани безор!!»
Маст кимса бир сапчиб бўйлади девор:
«У-ў, кечирадилар, Раҳматжон ака,

Биздан беадаблик ўтибди яна.
Қанча сўксангиз кам, менгинага кам,
Араир менгинани сўйворсангиз ҳам.
Ҳозир, денг, бош чунон гангияптики,
Кўзимга бир буюм кўринур икки.
Қанийди-я, шу пайт бўлса бир култум,
Бош оғриғини, о, қилар эди гум!
Кўпмас, ўн сўмгина узатиб туринг,
Ўлимга, денг, майли, боргум, буюринг!»
Раҳматжон қимтиниб ёинни титди,
Ичи йиғласа-да жилмайиб сирта:
«Чайқов ишларимдан воқифсанга, ит;
Сирларим қулфига сен мисли қалит.
Ҳингшисанг бўлиб гоҳ илинжи хўрак,
Ташлаб турадирман шунинг-чун сўнгар.
Иўкса, ерга ишқаб тумшукларингни,
Битталаб юлардим пату парингни».

1985 йил.



— Сурмахон! Энди қабулни бошласам бўлаверади. Навбатда турганларни уйотинг.

ўстириб, бизларга мерос қолдиришган. Ота-боболаримиздан қолган ўша дарахтларнинг бунчалик «хўрлаб» қўйиш бизнинг ўта беғамлигимиз, — дея жим қолди. Бироздан сўнг ўзи билан ўзи сўзлашаётгандек охиаста гапила давом этди. — Инсондан яхши ном қолиши керак. Бу бизга ота-боболаримиздан қолган фазилат.

Мен Бобоқул акага, ўз ўқувчиларингизда ҳам табиатга меҳр уйғота олганмисиз, деган мазмунда савол бердим.

Муаллим бироз сукут сақлагач, Наримонов номли колхоз агрономи Ҳамид Рўзиев, Ленин номли колхоз бош агрономи Саъдулла Абдуллаев, бодорчилик агрономи Шавкат Шодиев, теплица хўжалик агрономи Рашид Омонов каби ўнлаб шогирдлари номини фахр билан тилга олди...

Орадан талай вақт ўтгач Б. Идиев билан яна учрашдим. Гап орасида тажриба участкасида етиштирган ниҳоллар тарихини сўрадим.

«...Биология ўқитувчисини кўпдан буён бир ният безовта қилиб келарди. Аниқроғи, у 1960 йилда Вухоро Давлат педагогика институтининг биология факультетини тугатганидан бери шу эзгу ният қалбида ҳукмрон эди. Ер очиб, ниҳол экиб, боғ барпо этиш нияти уни Ленин номли колхоз правлениеси ҳузурига чорлади.

Ташдан кейин у раис қабулига кирди. Раис уни илик қарши олди.

— Унингизга маълум, — деди Бобоқул ака, — «Ҳазорбоғ» массивида 400 гектардан ор-

тик, Хўжазаъфарон массивида 200 гектардан зиёд боғ барпо этилди. Биз ҳам колхозда янги боғ, мевали ва манзарали дарахтзор ташкил этсак, деган умидда олдингизга келган эдим. Шунга нима дейсиз? Бу таклифдан раиснинг чеҳраси ёришиб кетди. Чунки унинг ўзи ҳам кўпдан бери ана шу ҳақида ўйлаб юарди. Негаки, ҳар йили колхоз 7—8 минг ниҳол сотиб олади. Ниҳолларнинг ярми кўкаради, бўлмаса йўқ. Қанчадан-қанча харажат...

Раис бу муаллимни кўпдан биларди, у яратган катта-кичик боғ, гулзорларга доим ҳавас билан боқарди. Бобоқул билан боғдан ўтган, тиниб-тинчимас бу кишини колхозда, районда ҳамма ҳурмат қилиб: «кўли гул боғбон», дер эди. — Айни муддао! Сиз ниҳол экиб кўкартираман дейсизу, биз йўқ дермидик, — деди раис мамнун ҳолда. — Теплицанинг орқасида бир гектарга яқин ер бор. Иложи бўлса, шу бугундан иш бошланг. Техника керакми, ишчи кучи дейсизми, нимаки зарур бўлса, ҳаммасидан ёрдам берамиз...

Шундай қилиб, Ромитан районидagi Ленин номли мактаб биология фани ўқитувчиси Бобоқул Идиев илк баҳор кунларининг бирида Ленин номли колхоз теплицаси орқасидаги метиндек заранг, қаровсиз ерга хужум бошлади. Аввал ернинг ўнқир-чўнқирларини текислади, хашар йўли билан тош териб, ерни тозалади. Сўнг фарзандалари Дилмурод, Шоира, Жаббор, Юлдузни ёнига олиб, 10 тоннадан ортик ма-

ҳаллий ўғит ташиди. Ерни ағдарди, сугорди, кейин ерга қайта ишлов бериб, кўчат ўтказди. У эккан 1767 туп анжирдан 1561 тупи, 978 туп анордан 862 тупи, 2500 туп ток қаламчасидан 2363 тупи кўкарди...

Гап орасида Бобоқул Идиевни саволга тутамади.

— Муаллим, сиз туя дарахтини уругидан кўпайтирибсиз? Бунга қандай эришдингиз?

— Маълумки, туянина баргли арчаннинг бир тури бўлиб, манзарали дарахтлар туркумига кирди. Қишин-ёзин кўм-кўк, чиройли бўлиб туради. Бизнинг ерларимиз таркибидатуз моддаси кўп бўлгани учун уни фақат ниҳолдан ўтказишди, ўшанда ҳам ўнтадан биттаси кўкаради, холос. Мен шу дарахтни уругидан кўкартиришдек машаққатли ишга қўл урдим. Туя дарахтининг уругини маҳаллий ўғит билан кўшиб сепадим. Бунда уруг тез ниш уриб чиқади. Илдиизи мўл озука тўплайди. Бу еса заминдан кўкараётган туя дарахти уруги учун жуда фойдали. — У шундай дея ўзи экиб, кўкартирган «яшил ўрмон»ни эслатувчи туя дарахти ниҳолларига завқ билан бокиб, гапила давом этди. — Натижа ёмон бўлмади. Кўриб турибсиз, 6 минг 213 туп туя дарахти ниҳоли кўкарди. Агар ҳисоб-китоб қиладиган бўлсак, колхоз биргина шу туя дарахти ниҳолдан қарийб 2 минг сўм соф фойда кўради. Бошқа ниҳолларни қўшиб ҳисоблайдиган бўлсак, у пайтда...

Дарҳақиқат, тажрибали со-

ҳибкор Бобоқул Идиев экиб кўкартирган жами ниҳолларни қўшиб ҳисоблайдиган бўлсак, колхоз ҳаммаси бўлиб 25 минг сўмдан кўп фойда кўради. Бу ҳазилакам гап эмас. Ана шу ҳалол меҳнатлари эвазига у республика ҳафтмаорифи министрлиги, область халқ маорифи бўлими фахрий ёрликларини ва дипломларини олишга муваффақ бўлди.

Биз у ишлаётган мактабда ҳам бўлдик. Директор Ҳамро ака Шукuroв икки томонида анвойи гуллар қулф уриб очилган йўлакдан ичкарига бошлади.

— Бу гулларни экиб, парвариш қилиб, кўкартирган биология ўқитувчиси Бобоқул Идиев бўлади, — деди у ифтихор билан. — Бу педагог шу гулларни хатто синфхоналарда ҳам парвариш қилиб кўкартирган. Бобоқул аканинг бевосита раҳбарлигида 20 нафар ўқувчини иборат «Еш боғбонлар» тўғараги ташкил этилган. Тўғарақ аъзолари боғдорчилик, сабзавотчилик, гулчилик ишлари билан шуғулландилар, дарс жараёнида ўз билимларини бевосита ишлаб чиқаришга жорий этидилар.

Халқимизда: «Боғбоннинг умри боқий бўлади», деган аjoyиб нақл бор. Ана шу боғбонлик оддий бир ўқитувчига шуҳрат келтирди. Бугунги кунда унинг қамолини умри боқий ишларидан мерос бўлувчи минглаб теран илдири чинорлар, юзлаб шогирдлар беазаб турибди.

Рашид АСЛОНОВ



КАСАЛЛИК ТАРИХИ

ХАЖВИЯ

Бир кўлида сумка, бир кўлида полапондай бола кўтариб олган жувон икки тавақали дарвоза ёнига келиб тўхтади. Сумкасини ерга қўймоқчи бўлиб энгашган эди, остонага қоқилган, босилавери оппоқ оқариб кетган тақага кўзи тушди. Жувон янглишмаганига ишонч ҳосил қилгач, кўнгирак тугмасини охира босди. Ичкаридан аёл кишининг «ҳозир» деган овози эшитилди, кейин эшик шарақлаб очилди. Хушбўй муаттар атир ҳиди анқиб кетди.

— Келинг, ўргилай.
Болалик жувон сумкасини қўлга олиб, рўпарасидаги кўллари ўйнаб турган хушрўй хотинга қаради.

— Бевовта қилганим учун кечирасиз, Аловоддин почтамнинг уйларими?

Сулув хотин пешонасига дол қўйилган дуррачасининг икки учини тортиб қўйди-да, келинчақлардай ғамза билан кулди:

— Худди ўғиниси, каминала-деса Аловоддин поччангининг ёнар чирғи бўладилар.

Бола кўтарган жувон табассум қилди:

— Жуда дилбар, хушчақчақ аёл экансиз, опажон.

Уй эгаси кўллари белига тираб, кўсини баланд кўтарди: — Довруғи етти иқлимга кетган табибнинг хотини гули хандон бўлади-да, ўргилай.

Аёллар ичкари киришди. Уй эгаси салла билан ёнма-ён осиглик турган шляпа устига сочқ ташлаб, бола кўтарган жувонни ўтиришга таклиф қилди, ўзи ҳам омонатгина чўнкайиб, қироат билан дуо ўқиди, кўша-қўша олтин билакузукларини шакирлатиб юзига фотиҳа тортиди, жувон ҳам бир қўлини юзига сирмаб қўйди.

— Беш йил таҳсил олиб, иқтисодчи бўлиб ишлаётганларингиз шуми?..



А. Холиқов чизган расмлар.

— Яхши юрибсизми, синглим, бола-чакаларингиз дўмбиллаб юрибдими?

— Раҳмат, опажон.
— Вой, асим қурсин, отингизни ҳам сўрамабман, ким бўласиз?
— Ҳуриниса.
— Менинг исимим Пошшахон. Аслида Вазираҳон бўлишим керак-ку-я!

Пошшахон бевовта бўлаётган боланинг бошини силади.
— Тойчоғингиз нега хархаша қилаяпти, қоринчаси оч эмасми?
— Иштаҳаси йўқ, — деди Ҳуриниса боласининг елкасини силаб, — туни билан уйку бермади, қабзият бўлганга ўхшайди. Доктир қақариб десам, қайнонам уришиб бердилар. Набирам кўзга яқин, унга кўз теккан. Олов табибга туптириб келинг, деб ҳоли-жонимга қўймадилар. Қари нарса ранжимасин деб келавердим.

— Яхши қилибсиз, ўргилай, «ихлос-халос», дейдилар. Поччангиз дам солиб қўйсалар, тойчоғингиз чопқиллаб кетади.

— Илоё айтганингиз келин. Аловоддин почтам беморларни қачон кўрадилар?

Пошшахон бармоқлари билан бўйнидаги дур доналарини тасбех ўғираётгандай бир-бир ўтказиб жавоб берди:

— Эрталаб соат ўндан биргача педиатрик қиладилар, яъни болаларга қарайдилар. Абеддан кейин қари-қартагларни қабул қиладилар.

— У киши қайси соҳа бўйича мутахассислар?

— Аловоддин поччангиз универсам, вой кечирасиз, хаёлим магазинга кетиб қолибди, универсал дохтирлар: сахриям, гипертониям, кўричакним, ошқозон касалиним, ҳамма-ҳаммаси

ни доволайверадилар. Китоб жувонидаги анови ароқ, коњьяк бутилкаларидаги дориларни кўраясизми, ҳаммасини поччангизнинг ўзлари тайёрлаганлар. Бордию бу дорилар касалларга қор қилмас, поччангиз ззиб ички, тумор ёзиб берадилар. Кинна соладилар, куф-суф қиладилар.

— Почтам дохтирликка ўқиганмилар?

— Йў...к, — лабини буриб, бошини чайқади Пошшахон. — У киши ўқимаган бўлсалар ҳам уққанлардан, ўргилай. Поччангизга дуо кетган, у кишига азиз-авлиёларнинг назари тушган. Келинг, яхшиси, бунинг сирини асирини сизга айтиб бера қолай. Шу десангиз, у киши турли шаҳарларга қатнаб, одамларнинг ҳожатини чиқариб юрардилар. Нима бўлдию тухмат билан уни бир қурорат шаҳарга итпо қилиб юборишди. Бечора мусофир юртларда беш вақт номозини қанда қилмай, худога нола қилиб юрган эканлар, бир кунни туш кўрибдилар. Тушларида денг, Хизир алайх-саломга ўхшаган бир оппоқ соқоли нуруний чол поччангизнинг бошини силаб: «Эй, гумроҳ Аловоддин, сен насл-насабингни билмайсан, сен Иби Сино аловоддан бўлсан, юртингга қайтиб боргандан кейин дархол аждодларинг хунарини давом эттир, табиблик кил, бўлмасе икки дунёда қосанг оқармайди», деб фотиҳа қилибдилар. Аловоддин акамлар саёҳатдан қутилиб келганларидан кейин тезликда табибликни бошлаб юрдылар. Гап шунақа, ўргилай.

Ҳуриниса кўзларини катта-катта очиб Пошшахонга қаради:

— Рентген аппаратинглар ҳам бордир-а?

Пошшахон қийқариб кулди:

— Аппаратнинг нима кераги бор бизларга? Поччангизнинг кўзлари рентген нуридан ҳам ўткир-ку! Агар у киши астойдил тикилиб қарасалар, чўнтагингизда қанча пулингиз борлигини янглишмай айтиб берадилар, ха-зил, ўргилай, яна ишониб юрманг.

— Узингиз ҳам салкам дохтир бўлиб қолибсиз, опа.

Пошшахон бир чайқалиб, мактангансимон деди:

— Ҳар кун поччангизга асентлик қилиб тургандан кейин дохтир бўламан-да!

Ҳуриниса девор соатига қараб қўйди.

— У кишининг қабул вақтлари бўлдимми?

— Эсим қурсин, сизга айтмабман ҳам, поччангиз бугун қабул қилмасалар керак-ов. — Пошшахон илжайиб гапида давом этди. — Совуқлари ошиб юргани учун кўнроқ қази еб қўйган эдилар, бошлари оғриб дохтирга кетдилар.

— Вой, ўзлари катта табиб бўлатуриб, ўзларини тузата олмайдиларми?

Пошшахон Ҳуринисанинг соддалигидан кулди:

— Эшитмаган экансиз-да, ўргилай, Ибн Синодай улуг ҳаким ҳам ўзларини даволай олмаганлар, ҳа.

Ҳуриниса сумкасини узатиб, ўрнидан турди:

— Бўлмасе, эртага келарман, сумкани бўшатиб бера қолинг. Пошшахон: «Вой, нима қи-

лардингиз овора бўлиб», дея сумкани бўшатиб берди. Ҳуриниса алланечук бўлиб эшик томон йўл олди.

Жувонни кузатиб кирган Пошшахонни Аловоддин шодон қутиб олди:

— Офарин, Вазираҳон, офарин! Энди бемалол миниатюрада чиқсангиз бўлаверар экан. Нега беморни ўзингиз кўравермадингиз?

— Чумчуқ сўйса ҳам қассоб сўйсин, деганлар, хўжайин, нонингизни яримта қилгим келмади.

— Сумкасини бўшатиб бердингизми?

— Ҳа, кенгуранинг сумкасидай шипшидам қилиб бердим, яна келди.

— Баракалла, асисентим, баракалла, — деди Аловоддин икки чеккасини кўллари билан босиб-босиб. — Бошим тарс ёрилиб кетай даяпти, мен ёриллаб поликлиникага бориб келай.

— Эҳтиёт бўлинг, дадаси, тез келинг.

* * *

Аловоддин қайқанда чайқалаётгандек боши айланиб, кўзи тиниб, врач қабулига кириб борди. Лаби устида майда қора туклари бор эркакшода врач унга жой кўрсатиб, «касалик варақаси»ни тўлдирга бошлади.

— Бемор Зухридинов, туғилган йилингиз?

Аловоддин ижирганиб, тиши орасидан жавоб берди:

— 1935 йил.

— Отангиз қандай касаллик билан оғриган?

— Билмайман, ёшлигимда вафот қилган.

— Қанақа касаллик билан вафот қилганлар?

Аловоддиннинг жаҳли чиқиб кетди:

— Дохтирнинг саволларига чидай олмасдан юраги ёрилиб ўлган!

— Бемор, ўзингизни босинг, — деди врач, рўқаси билан столни тақиллатиб. — Мен сиздан Бразилиянинг президенти ким деб сўраётганим йўқ, так чо...

— Хўп бўлади, сўрайверинг.

— Нима иш қиласиз?

— Савоб ишлар билан шуғулланаман.

— Анкетага «савоб-повоб» деб ёзиб бўлмайди, аниқроқ айтинг.

Аловоддин ичиди: «Бу врачми, терговчимми», деди-да зарда билан жавоб берди:

— Қир-адирдан доривор гиёҳ териб келиб, дорихоналарга топшираман.

Врач беморнинг қон босимини ўлчади:

— Ичиб турасизми?

— Аҳён-аҳёнда.

— Ечининг.

— Лаббай?

— Ечининг деяпман.

Аловоддин ўрнидан тураётиб, ялингансимон сўради:

— Бечинмасам бўлмайди, дохтир?

— Йўқ! Бўлинг тезроқ, беморлар қутиб туришибди.

Аловоддин кўзларини жовдиратиб атрофга аланглади.

— Уялаяпман, дохтир.

— Уялманг, қўйлагингизни ечангиз кифоя қилди.

— Ибн Сино беморларни томи-

рини ушлаб касалини аниқлар экан...

— Бахтга қарши Ибн Сино вафот қилиб кетганлар.

— Дохтирлар беморнинг касаллик сирини сақлайди деб эшитганман. Сиримни ҳеч кимга айтмайсизми?

Врач қаддини ростлаб уф тортиди.

— Қанақа сирингиз бор?

— Ешликда бир оз шўхлик қилганмиз, дохтир.

Аловиддин қизариб-бўзариб кийимларини ечабошлади. Врач унинг баданидаги туш билан нинада туширилган яланғоч қиз, юрак ўртасига қадалган ўқ-ёй, боши одам, думи балик расмларни, «Севгимни жувонмарг қил-

динг, Севилия!», «Улгуимча қалбимдасан, Зебихон!», «Я тебе люблю, Анюта!».

«Ҳақиқат — бутилкада» деган ёзувларни ўқиб бошини чангаллади:

— Эҳ-хе... баданингиз санъат музейи бўлиб кетибди-ку, бемор!

— Иигитликда нималар бўлмайди, дохтир, — ўзини оқламоқчи бўлди Аловиддин.

— Тўғри, ёшликдаги шўхликларни кечирса бўлади, ammo одам ёши улғайганда инсофга келиши керак.

— Нимага шама қилаяпсиз, бирор айб иш қилиб қўйибмизми?

Врач четига штамп босилган бир варақ қоғозга алланималарни ёзар экан, ўзига ўзи гапиргандай деди:

— Воя касаллик тарихини яширган эдингиз, уни баданингиздаги ёзувлардан билиб олдик, мен гумон қилган кишининг худди ўзи экансиз.

— Нималар деб валдираяпсиз ўзи, дохтир, устингиздан шикоят қиламан! — деди Аловиддин шартта ўрнидан туриб. Врач кўз-юнагини юлиб олиб, беморнинг ёнига яқинлашди:

— Менга қаранг, соддадил одамларни лақиллатиб юрган сохта табиб Аловиддин ўзлари эмасми, тақсири олам?

Аловиддин жавоб бермади, зарда билан апил-тапил кийиндида, одати бўйича қулонини тортиб қўйиб, врачга ўшқирди:

— Билиб қўйинг, беморнинг

сирини сақлашга қасам ичсангиз, агар ваъдангизда турмасангиз, сизни қасам уради, Гипократ қасами уради, ҳа!


— Қасам мени эмас, сизга ўхшаган қаллоб, фирибгарларни уради, — деди врач қўлидаги қоғозни Аловиддинга узатиб, — ма-на, рецептингизни олиб кетинг.

Аловиддин: «Доринг бошингдан қолсин!» деди-да қўл силтаб чиқиб кетди. Врач уф тортиб жойига ўтирар экан, ўзига ўзи деди:

— Дарвоқе, унга дори керак эмас-ку, ҳа, фирибгар лўттибозларнинг касалига ҳеч қанақа дори қор қилмайди...

Абдулла ИСОМИДДИНОВ

КРОССВОРД



Энига: 5. Ҳаёт миллий музика асбоби. 6. Спорт тури. 9. Қумда ўсадиган дарак. 10. Фойдали қазилмаларни қилдириб топиш билан шугулланувчи фан. 11. Ер юзининг бир-бирдан иклими билан фарқ қилувчи бўлаги. 15. Чўлланма лампани ихтиро қилган рус электротехниги. 17. Экинга оби-ҳаёт таратувчи деҳқон. 18. Музикали сахна санъати. 19. Бадий тўқимачилик буюми. 20. Оптикий генератор, қисқа ва кучли ёруғлик ҳосил қиладиган манба. 21. Юпқа қатламларга ажраладиган минерал. 22. Сўз туркуми. 24. Грузиядаги дарё, 26. Нок нави. 28. Озарбойжоннинг ҳамсанавис классик шоири. 30. Кечпишар олма навларидан бири. 32. Топшкендаги меъморлик ёдгорлиги. 34. Машраб газали билан айтиладиган лирик қўшиқлардан бири. 35. Тиниш белги.

Бўйига: 1 Сайёралардан бири. 2. Ўзбекистондаги йирик электростанция. 3. Республикамиздаги қадимий шаҳар. 4. Граждандар уруши қаҳрамони. 7. Ип газлама. 8. Тола ва мой олинадиган техника экени. 12. Совет авиаконструктори, уч марта Социалистик Меҳнат Қаҳрамони. 13. Фойдали ҳашарот. 14. Ўзбек халқ дostonларидан бири. 15. Нефтан олинадиган ёқилги тури. 16. Москва областидаги тўқимачилар шаҳри. 23. Халқ оғзаки ижоди жанри. 25. Умрибоқий дарак. 27. Митти сайроқи қуш. 29. Дурадгорлик асбоби. 31. Волга дарёси бўйидаги автоном республика. 33. Жануби-Шарқий Осиёдаги давлат.

Тузувчи: Фозилжон ОРИПОВ

1 СОНДАГИ «СПОРТ» КРОССВОРДИНИНГ ЖАВОБИ

Энига: 5. Ҳўжаев. 6. Футбол. 9. Ботиров. 11. Тренер. 12. Теннис. 15. Андрианов. 16. Миңис. 18. Каное. 23. Жилин. 24. Никитин. 25. Брасс. 26. Травин. 30. Асанов. 32. Каримов. 33. Коньки. 34. Колчин.

Бўйига: 1. Рўзиев. 2. Белов. 3. Кубок. 4. Хоккей. 7. Рискнев. 8. Яригин. 10. Фирсов. 13. «Анджиданка». 14. Поддубний. 17. Исмонлов. 19. Ахмерова. 20. Ригерт. 21. Чигорин. 22. Юсупов. 27. Ионов. 28. Шашка. 29. Котов. 31. Сузиш.

МУҚОВАДА

Биринчи бет: Қорақалпоғистон Давлат Қўшиқ ва рақс ансамблининг концертлари санъат мухлисларига манзур бўлмоқда. Суратда (олдинги плагда) ансамбль солисти Индира Отавуллаева.

Т. Горяева фотоси

Иккинчи бет: Урта Осиё Совхозлар қурилиши Бош бошқармасига қарашли 85-кўчма механизмлашган колонна ишчилари қардош Қирғизистон ССРнинг Уш областида канал ва насос станциялари қурилишига ёрдамлашмоқдалар.

Суратда: скреперчилар Исможон Исоқов, Нурфозил Раҳмонов ва Ахмадали Усубалиев иш юзасидан маслаҳатлашмоқдалар.

Г. Екубов фотолари

Туртинчи бет: Олма гуллаганда; Довулларга бардош бериб...

А. Губенко фотолари

Редакцияга келган бир босма тобоқчада бўлган материаллар авторларга қайтарилмайди.

Журналдан олинган материалга «Гулистон»дан олинди, деб кўрсатилиши шарт.

Бош редактор МИРМУҲСИН

Редакция: Сарвар АЗИМОВ, Баҳодир АМИНОВ, Наримон ИБРОҲИМОВ (бош расом), Ҳамдуд МУЙДИНОВ, Анвар САИДУМАРОВ, Саид ШЕРМУҲАМЕДОВ, Комил ЯШИН, Азиз ҚАЮМОВ, Муҳаммадали ҚУШМОҚОВ (масъул секретарь), Ислиддин ҲАЙДАРОВ, Оқилжон ҲУСАНОВ (бош редактор ўринбосари), Ҳақим ҲУСНИДДИНҲУЖАЕВ.


«Гулистон» — ежемесячный, общественно-политический, литературно-художественный журнал ЦК КП Узбекистана (на узбекском языке).

Адресимиз: 700000, Ташкент — П. Ленин кўчаси, 41


Редакция телефонлари: бош редактор — 333520; бош редактор ўринбосари — 333590; масъул секретарь — 325833; ижтимоий-сиёсий бўлим — 333602; адабиёт ва санъат бўлими — 333659; фан ва маданият ҳамда расомлар бўлими — 325832.

Босмахонага туширилди 22.01.85 й. Босишга руҳсат этилди 27.02.85 й. P-11105 Қоғоз 70×108¹/₂. Вотив усулда босилди. Фотонабор. Шартли босма тобоқ 5,6 Нашр ҳисоб тобоғи 7,80. Тиражи 211832. Буюртма № 5449. Нашр А-112.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ ордени босямоҳонаси. 700000. Ташкент, ГСП, «Правда Востока» кўчаси, 26.



УНИВ-УСИНГ, ДУМБОҚЧАЛАР!



БОЛАЛАР — КЕЛАЖАГИМИЗ.

